

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Махмут Утемуратов**

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРКИБИДА  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**Тошкент-2005**

ТДЮИ Ўқув-услугий Кенгашининг 2005 йил 30 июндаги 10-сонли қарорига кўра ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Утемуратов М.А. “Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топишининг назарий, тарихий, сиёсий-ғоявий асослари”/Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. Ҳ.Б.Бобоев –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. –127 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлари доктори,  
профессор **Ҳ.Б.Бобоев**

**Тақризчилар:** юридик фанлари доктори,  
профессор **М.М.Файзиев**  
юридик фанлари номзоди,  
**М.А.Хамидова**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, унинг таркибида бўлган Қорақалпоғистоннинг мақоми суверен республика даражасига кўтарилишида ва бу мақомнинг Ўзбекистон томонидан муҳофаза этилиши, Қорақалпоғистон давлат суверенитети тўғрисидаги Декларациясининг, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ҳамда Қорақалпоғистоннинг Конституциявий ҳуқуқий тизими ҳақида батафсил сўз юритилади. Шу билан бирга Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва таракқиётида ғоявий омилларнинг аҳамияти, иқтисодий омилларнинг ўрни ҳамда сиёсий-ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар каби масалалар ёритилган.

Шунингдек, мустақил Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари ҳамда ушбу органларнинг фаолият юритиш механизми, унинг ваколатлари, шунингдек ўзаро муносабатлари каби бир қатор масалалар ойдинлаштирилган.

Мазкур ўқув қўлланма давлатчилик масалалари билан қизиқувчи барча талабаларга, илмий ходимларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

©Махмут Утемуратов.

©Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил.

## Кириш

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва миллий истиқлолга эришиши халқимиз қалбини чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Унинг асрий орзу-истаги XX аср охирларига келиб рўёбга чиқди. Истиқлол Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида ўз суверенитетини қўлга киритишига асос бўлди. Чунки ўзбек халқи билан қорақалпоқ халқи қадим замонлардан буён катта бир ҳудудда бирга яшаб, бир дарёдан сув ичиб, бирга меҳнат қилиб, ташқи душманларга қарши биргаликда озодлик курашлари олиб борган халқлар ҳисобланадилар.

Бу икки халқнинг қадимий тарихи уларда кўп йиллар мобайнида бир-бирларига нисбатан ўзаро қардошлиқ фазилатларини мужассамлантирди ва ўзаро биродарлик муносабатларини чуқур илдиз оттирди.

Бу мамлакатимиз халқларининг асрлар давомида қарор топган тақдир бирлиги ва қардошлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Ўзбекистоннинг истиқболи – Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи – Ўзбекистоннинг истиқболи, десак хато бўлмайди»<sup>1</sup>.

Собиқ иттифоқ даврида кам сонли халқларга бўлган эътиборнинг етарли эмаслиги туфайли Қорақалпоғистон ҳам тараққиёт даражаси энг паст бўлган ўлкага айланиб қолган эди. Шу боис сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт борасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда энг адолатли йўл танланди, яъни ягона замин, ягона маконда яшаб келган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўз тақдирларини абадий бирликда кўришди. Қорақалпоқ халқи миллий давлатчилик асосларини куришда том маънодаги сиёсий, иқтисодий мустақилликка ўзбек халқи билан биргаликда эришди ва ўзининг порлоқ келажагини ўрнатишга киришди.

Бошқа ҳар қандай халқ каби, қорақалпоқ халқи ҳам ўзига хос суверенитетга эга бўлиб, бу суверенитет миллий давлатчилик тўғрисидаги масала ечимини ҳал қилиш вазифасини ҳам назарда тутди. Олтмиш йилдан зиёд вақт мобайнида Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида бўлиши унинг тарихий тақдирида ҳам ўчмас из қолдирди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқининг биродарларча муносабатига ягона тарихий ва этник илдизлар, жўғрофий яқинлик, маданият ва тил бирлиги катта таъсир кўрсатди. Бу халқлардаги тарихий мушта-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 103.

раклик ва умумийлик уларнинг ягона бир давлатда бирга яшаш истagini белгилаб берди. Собиқ иттифоқ тизими даврида Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақоми мухтор республика доирасида таърифланарди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Қорақалпоғистоннинг мақоми мухтор республикадан суверен республика даражасига кўтарилди.

Айни шу ўринда қорақалпоқлар миллий давлатчилигининг шаклланиш тарихига назар ташласак, биз биринчи навбатда қорақалпоқларнинг миллий давлатчилиги дастлаб мухтор вилоят сифатида, сўнгра автоном республика сифатида Ўзбекистон ССР таркибига кирганлиги ва кейинчалик Ўзбекистон таркибида 1990 йил 14 декабрда давлат суверенитетини эълон қилганлигини кўрамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон жамоатчилигининг Ўзбекистон таркибида давлат мустақиллиги ва республика мақомининг ҳуқуқий асосга эга бўлишига интилишини ўзбек халқи ва Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қўллаб-қувватладилар.

1990 йилнинг 1 декабрида И.А.Каримов Қорақалпоғистон Республикаси халқ ноиблари, жамоат ва давлат органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан Нукус шаҳрида бўлиб ўтган анжумандаги нутқида кўпчилик зиёлилар, давлат ва жамоат фаоллари Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Олий Кенгашининг давлат суверенитети тўғрисида декларация қабул қилиш тўғрисида мурожаат қилаётганликларини таъкидлади. Президент Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида давлат суверенитетига эга бўлиш тўғрисидаги бу истagini ўша дамлардаёқ ҳеч иккиланмай астойдил қўллаб-қувватлаган эди.

Ниҳоят, бу масала «Ўзбекистон Республикасининг Давлат суверенитети тўғрисида»ги декларацияда, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда, шунингдек, «Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисида»ги декларацияда ҳуқуқий ифодасини топди.

Шундай қилиб, 1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида «Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисида» декларация қабул қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжат суверен Қорақалпоғистон давлатчилигининг барпо этилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси кейинчалик суверен Қорақалпоғистон Республикаси деб номлана бошлади.

Декларация Қорақалпоғистон Республикасининг давлатчилик мақомини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. У Қорақалпоғистон суверен республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Унинг Қорақалпоғистон Республикасининг «Давлат суверенитети» деб номланган 1-моддасида ҳам: «Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибига кирадиган суверен демократик республикадир»<sup>2</sup>, – деб белгилаб қўйилган. «Асосий Қонунимиз, – дейди Ислом Каримов, – Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади»<sup>3</sup>.

Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Конституцияларида ўз аксини топди. Натижада икки томонлама ҳурмат асосида қорақалпоқ халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил тараққиёт ҳамда миллий давлатчилигини мустаҳкамлашдаги роли ошди. Келажакка қатъий ишонч билан қарашга, олис истиқболни яратишга кафолат берадиган ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси – Қорақалпоғистон Республикасини ўз таркибига олган унитар шаклдаги давлат. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг давлат тузилишида федерализмнинг баъзи жиҳатлари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистон Республикасининг муайян давлат суверенитетига эгаллиги ана шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон мустақиллигининг Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланиши ва муҳофаза қилиниши билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларни очиб бериш ва илмий жиҳатдан исботлаш ҳамда миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишига оид ҳолатларни тадқиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қорақалпоғистон давлатчилигининг турли жиҳатлари доимий равишда тарих ва ҳуқуқ фанларида илмий тадқиқот объекти бўлиб келган. Аммо мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, файласуфлар ва шу соҳа бўйича ихтисослашган мутахассислар ҳозирги кунгача алоҳида монографик ва комплекс тарзда деярли ўрганилмаган муаммодир.

<sup>2</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус, 1998. – Б. 11.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б. 98.

Қорақалпоғистон давлатчилигига оид масалаларни ўрганган етакчи олимлардан А.А.Азизхўжаев, П.А.Айтниёзов, Л.М.Ахунджанов, А.А.Аъзамхўжаев, Қ.Н.Джумабаев, Я.М.Дусумов, И.Ж.Жалилов, Ш.И.Жалилов, З.М.Исламов, С.Камалов, М.М.Мирхамидов, З.Ю.Муқимов, С.Д.Ниетуллаев, Х.Т.Одилқориев, С.А.Ражабов, А.Х.Саидов, К.Сарибоев, Х.С.Сулаймонова, С.С.Султонов, У.Т.Таджиханов, Б.У.Таджиханов, А.Тулаганов, Ж.Тошқулов, А.С.Турсунов, К.У.Умарова, М.М.Файзиев, Э.Х.Халилов, Г.Эрниязова, О.Э.Эшонов, Ш.З.Ўразаев, Е.Д.Қутибаева, М.Х.Ҳакимов, О.Т.Хусанов каби олимларнинг асарларини алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиз<sup>4</sup>.

Сўнгги йилларда мустақил Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган бир қатор илмий ва оммабоп мақолалар яратилди<sup>5</sup>. Қорақалпоғистоннинг давлатчилиги, давлат суверенитети тўғрисидаги маълумотлар конституциявий ҳуқуқ фани доирасида яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари<sup>6</sup>, Конституцияга шарҳларда<sup>7</sup> ўз ифодасини топган.

---

<sup>4</sup> Қаранг: *Аззамхўжаев А. А.* Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. – Т., 1993; *Азизхўжаев А. А.* Давлатчилик ва маънавият. – Т., 1997; *Айтниёзов П.* Қорақалпоғистон – суверен давлат. – Нукус, 1993; *Ахунджанов Л. М.* Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпакстан. – Т., 1992; *Джумабаев К. Н.* Теория разделения властей: история и современность. – Т., 1997; *Жалилов Ш. И.* Кучли давлатдан кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. – Т., 2001; *Исламов З. М.* Проблема власти: её понимание, назначение, социальная ценность. – Т., 2003; *Қутибаева Е. Д.* Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. – Нукус, 1992; *Ниетуллаев С. Д.* Совершенствование государственного строительства в Республике Каракалпакстан: опыт и проблемы. – Нукус, 1993; *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиши принципи. – Т., 1993; *Саидов А. Х.* Мустақиллик қомуси. – Т., 1993; *Саидов А., Таджиханов У., Тошқулов Ж.* Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура. – Т., 1995; *Таджиханов Б. У.* Ўзбекистон Республикаси: суверенитет, миллий давлатчилик ва Конституция. – Т., 2002; *Таджиханов У. Т.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т., 1996; *Тошқулов Ж.* Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан (XVII–XIX асрлар). – Т., 1996; *Тулаганов А. Т.* Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. – Т., 2002; *Умарова К.* Политическая культура народов Узбекистана и Каракалпакстана: исторический опыт формирования. – Нукус, 1995. *Файзиев М. М.* Мустақиллик нима? – Т., 1992; *Эрниязова Г.* Конституционные основы развития Каракалпакстана. – Нукус, 1992; *Ўразаев Ш. З.* Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. – Т., 1994; *Хусанов О. Т.* Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари. – Т., 1996.

<sup>5</sup> Қаранг: *Қутибаева Е. Д.* Законодательство об органах государственной власти // Ҳаёт ва қонун. – 1996. – № 12. – С. 81–82; *Унинг ўзи.* Ижро ҳокимияти тизимининг ривожланиш муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 1998. – № 11. – Б. 88–91; *Бердиев Е. Т.* Конституционно-правовые основы организации деятельности Жоқарғы Кенеса Республики Каракалпакстан // Ёш олимлар илмий тўплами. – 2003. – № 3. – Б. 21–24.

<sup>6</sup> Қаранг: *Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001; *Қаюмов Р. К.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 1998; *Ниетуллаев С. Д.* Каракалпакстан Республикасының конституциялық ҳуқуқи. – Нукус, 1996.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияга шарҳ. – Т., 1995; Ўзбекистон Республикаси Конституцияга шарҳ. – Т., 2001; Каракалпакстан Республикаси Конституцияга шарҳ. – Нукус, 2001.

# **I БОБ. Ўзбекистон таркибида қорақалпоғистон республикаси ташкил топишининг назарий, тарихий, сиёсий-ғоявий асослари**

## **1.1. Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланишида назарий ва тарихий омиллар ўрни**

Истиклол йиллари янги мустақил Ўзбекистон билан ўз тақдири ва келажагини биргаликда кўрган Қорақалпоғистоннинг ҳам миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта бутунлай янги шароитларда сиёсий-иқтисодий ва маънавий ислохотлар, кенг қамровли янгиланишларнинг амалга оширилиши йирик тарихий ва ижтимоий ҳодиса бўлди. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Албатта, қорақалпоқ давлатчилигининг бундай муҳим ва буюк натижаларига эришишининг асосларига эътибор берадиган бўлсак, авваламбор, биз қорақалпоқ давлатчилигининг ривожланиш босқичларини ўрганиб чиқиб, унинг ҳозирги кундаги давлатчилик тузилиши кўп асрлар мобайнидаги курашнинг, интилишларнинг натижаси эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Қорақалпоғистон давлатчилигининг ривожланиш босқичлари ҳозирги кунга қадар ўзининг ҳуқуқий томондан тўла илмий тадқиқот даражасига кўтарила олмаяпти. Хусусан, Қорақалпоғистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ҳозирги даврга қадар ўз олдига алоҳида фан сифатида ишлаб чиқилмаганлиги сабабли биз Қорақалпоғистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ривожланишига, ҳуқуқига ҳозирги давр қараши билан баҳо беришимиз қийин.

Шундай бўлса ҳам Ўрта Осиё халқлари (ҳозирги Марказий Осиё) тарихини, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиб, Ўрта Осиё (ҳозирги Марказий Осиё) да яшаб ўтган бошқа барча халқлар сингари қорақалпоқ халқи ҳам ўзининг тарихий ривожланиш босқичига эгаллиги ўзига хос ижтимоий-сиёсий босқичлардан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қорақалпоқларнинг қадим даврларда доимий давлатчилиги бўлганми, деган саволга ҳозирга қадар аниқ исботланган илмий ҳулоса йўқ. Лекин айрим тарихий фактларга (далилларга) таянган ҳолда, ривожланиш босқичининг айрим даврларида доимий давлатчилик-

нинг, давлат шаклидаги бирлашмаларнинг мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Масалан, Аҳмонийлар даврида буюк Эрон подшоси –Кир II устидан ғалабага эришган массагетлар подшоси Тўмариснинг давлати, унинг кучли ҳарбий демократик давлатчилигининг бўлганлигидан далолат беради.<sup>8</sup>

Бу давлатнинг этник келиб чиқиши, жойлашган ўрни, ҳарбий-демократик тизими ва дафн этиш, урф-одат дастурлари қорақалпоқларнинг ота-боболарига (аждодларига) жуда ҳам яқинлиги ҳақида ҳам тарихий талқинлар мавжуд.<sup>9</sup>

Бу давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, ҳуқуқ тизимлари ҳақида бизга етиб келган маълумотлар йўқ. Фақатгина профессор С.П.Толстов қадимги давр тарихчилари Геродот (милоддан аввалги VI-V асрлар) ва Страбон (милоддан аввалги I аср) ёзиб қолдирган қўлёзмаларидан фойдаланган ҳолда ўша даврнинг оила-никоҳ муносабатлари ва урф-одат меъёрлари ҳақида илмий хулоса қилган.<sup>10</sup>

Шундай бўлса ҳам, биз бир нарсага эътибор беришимиз керакки, тарихдан бизга маълум бўлган қора бўриклилар ёки қорақалпоқлар X асрда ўзларининг ватани бўлган Амударё бўйларида (соҳилларида) ўғуз, бижанак қавмлари қолдиқларининг бирга қўшилиши натижасида пайдо бўлган халқ.<sup>11</sup>

XII аср рус солномаларида «чёрные клобуки», мўғуллар тарихида «қора малақайли», шарқ манбларида «қора бўркли» деб аталган қавм ҳақида маълумот қолдирган. Бу номлар қорақалпоқларга тегишли эканлиги маълум.

Қорақалпоқ сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли хил тахминлар бор. Масалан, «қулпоқ» сўзи қорақалпоқ тилида соч, хайдар (кокил) маъносини беради.

Демак, «Қорақалпоқ» сўзи қорақулпоқлилар сўзидан келиб чиққан дейишади.

Шарқшунос олим П.П. Иванов Абдулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақий» китобини ўрганиб, XII асрдаги Хоразмшоҳлар лашкарида «Қалпоқ» исмли лашкарбоши бўлганлигини, бироқ, бу «Қалпоқ» атамасининг лашкарбошига даҳли йўқлигини, ўша пайтлардаги таомилга кўра ўзи бошқарувчи халқ номи берилишини алоҳида

<sup>8</sup> С. Камалов, А. Кошанов «Қарақалпақстан тарийхы», Н., «Билим», 1993 йил, 33-34 бет.

<sup>9</sup> Толстов С.П. «Древнейшие юго-западные связи в эогенезе каракалпаков», советская этнография, №2, Москва, 1971 год, страница 5-37.

<sup>10</sup> Ишанов А., и др., «История гос. и права», Т., «Фан», 1964, 7-бет.

<sup>11</sup> С.Камалов, А.Кошанов. «Қарақалпақстан тарийхы»Нукус, «Билим», 1993 йил.

таъкидлайди. Шундай қилиб, олим «қалпоқлар» маънодош «қалпоқ» этноними XI асрда Орол бўйларида яшаган деган фикрга келади.<sup>12</sup>

XIV асрдаги тарихчи Эн-Нувейрининг асарида половец қипчоқларнинг 11 қавмининг номи келтирилган. Шунинг ичида «қора бўрклилар» ҳам бор.

Қорақалпоқларнинг аниқ номи илк бор шайбонийлар сулоласида 1583-1598-йилларда ҳукмронлик қилган Абдуллахон II нинг сиғноқдаги Зиёвуддин мақбарасига 1598 йилда берган ёрликномасида учрайди.<sup>13</sup>

Абдуллахон II бу ёрликномасида Сиғноқ атрофида яшайдиган ҳар хил уруғлар қаторида қорақалпоқ халқининг номи тўлиқ келтирилган.

П.П.Ивановнинг фикрича қипчоқ қавмларининг таркибига кирган ўғўз-бижанаклар– «қора бўрклилар» қипчоқларга аралашиб йўқ бўлиб кетмаган, аксинча алоҳида этник бирлик бўлиб яшаган ва сўнгра Олтин Ўрданинг парчаланган даврида «қора телпаклилар» (чёрные шапки) номини сақлаб келган ва ушбу ном билан улар бутунлай халқ бўлиб шаклланган. XII-XIII асрлардаги қипчоқларнинг иттифоқида бўлганлиги қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланишида яна ҳам ўзининг таъсирини ўтказган.<sup>14</sup>

XVI асрга келиб бир неча қабилалардан иборат қорақалпоқ халқи ташкил топади. Улар дастлаб олти қабилалардан иборат бўлган. Булар: қипчоқ, кенагас, хитой, манғит, қўнғирот, муйтен қабилалари эди.

Юқорида санаб ўтилган қабилалар ўзбекларнинг ҳам йирик қабилаларидан ҳам бўлиб, улардан таркиб топган қорақалпоқлар ўз навбатида 130 дан ортиқ уруғларга бўлинган. Бу уруғлар қуйидаги иккита катта гуруҳни ташкил этган:

1. Қўнғирот иттифоқи;
2. Ўн тўрт уруғ иттифоқи. Бу икки иттифоқ бирикиб қорақалпоқ халқини ташкил этган.

Қорақалпоқ давлатчилигининг ташкил топиши XVI асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Дастлаб, қорақалпоқлар Нуғой хонлиги таркибида бўлади. Манғитлар саркори Идигу (Едигей) ва унинг отаси бошчилигида тузилган Нуғой (Манғит) хонлиги XIV асрнинг 2-ярмида Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёлари оралиғида ташкил

<sup>12</sup> Тулепберген Каипбергенов «Қарақалпақнама» китобидан

<sup>13</sup> Тулепберген Каипбергенов «Қарақалпақнама» китобидан

<sup>14</sup> С.Камалов, А.Кошанов «Қарақалпақстан тарийхы», Нукус, «Билим», 1993 йил, 119-бет.

топган. 1613 йил Нуғойлар қалмоқлар хужумига дучор бўладилар. Бунинг натижасида қалмоқлар Волга ва Урал дарёларининг куйи оқимидаги ерларни қорақалпоқлардан тортиб оладилар. Ўз ерларидан ажралган Нуғойлар ғарбга Қрим тарафга кўчишга мажбур бўлганлар. Нуғойларнинг Олти ул улуси Шарққа, Орол денгизи бўйларига келиб ўрнашадилар.

XVII асрда қорақалпоқлар Сирдарёнинг ўрта ва юқори оқимларида ҳам кўпаяди.<sup>15</sup> Бу худудлар халқ орасида «Ота юрти Туркистон» деб аталиб, иқтисодий ва маданий маркази Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Туркистон шаҳри бўлган. Жанубий томони «юқори қорақалпоқлар» деб аталиб Бухоро хонлигига яқин бўлган, унинг шимолий томони «қўйи қорақалпоқлар» деб аталиб кичик жуз қозоқлари билан яхши бўлган.

1714 йили Сирдарё бўйларида яшовчи қорақалпоқлар Эшимхон (Эшмухаммад) бошчилигида ўз давлатчилигини тузадилар. Уларнинг бу давлатлари Волга бўйи қалмоқлари ва қозоқ хонлари билан чегарадош эди. XVIII асрнинг 20-йилларида Жўнғор қалмоқларининг Сирдарё бўйи қорақалпоқларига хужуми бошланди. Бунинг натижасида, қорақалпоқлар қозоқларга қўшилиб, бир гуруҳи Орол тарафга, бир гуруҳи Фарғона водийсига келиб ўтrockлаша бошлайди.

1723 йили Сирдарёнинг ўрта оқимида жўнғорлар босқинидан кейин «юқори» ва «қўйи» қорақалпоқларга бўлиниш тезлашиб кетди.

Қорақалпоқлар қозоқларнинг кичик жуз хонларига иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тобе бўлган. Хужжатларда XVIII асрда қорақалпоқ хонлари орасида Кучакхон, Табурчак султон деганлари бўлгани эслатилади. 1709 йили Табурчак султоннинг ўғли Қойиб султон Ирис Муҳаммад қорақалпоқ подшоси (Рисмамбет) бўлган. Қозоқ хонлари қорақалпоқларни ўзларининг бийлари, бойлари ва руҳонийлари орқали бошқарганлар.

1743 йили “қўйи” қорақалпоқлар рус фуқаролигига ўтганидан сўнг кичик жуз хони Абулхайрхон томонидан қаттиқ хужумларга учрайди ва қорақалпоқлар Сирдарёдан Янгидарёга (Жаңадарёга) қараб оммавий кўчиш бошланади. Кичик жузга қарашли бўлган “қўйи” қорақалпоқларнинг бир қисми “юқори” қорақалпоқларга қараб, кўпчилик қисми эса жанубий-ғарбий томонга, Хиванинг чегараларига Қувондарё билан Янгидарёдаги (Жаңадарё) оралиғидаги худудларга ва Амударёнинг дельтасига кўчиб ўрнаша бошлайдилар.

---

<sup>15</sup> С. Камалов, А. Кошанов «Қарақалпақстан тарийхы», Нукус, «Билим», 1993 йил, 124-бет.

Қорақалпоқлар Янгидарё (Жаңадарё) бўйларида яшаган даврида XVIII асрнинг бошидан бошлаб оролли-ўзбеклар билан яқин алоқада бўлади, улар билан тил бириктириб Хива хонларига, қозоқ султонларига қарши мустақиллик учун жанглар олиб борган.

Янгидарё (Жаңадарё) бўйларида яшаган қорақалпоқлар 1740-йилдан XIX асрнинг бошига қадар Хива хонларидан ва қозоқ султонларидан мустақил ўзларининг давлат шаклидаги катта иттифоқига эга бўлганлар.<sup>16</sup>

XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Хива хонлиги қорақалпоқ ерларини ўзига бўйсундириб олиш учун тўхтовсиз хужумлар қилади ва 1811 йилдан бошлаб, Сирдарё қорақалпоқларнинг ота-боболари бўлиб ҳисобланадиган Амударёнинг қўйи оқимидаги ва Янгидарёдаги (Жаңадарё) қорақалпоқлар Хива хони Муҳаммад Раҳим қошида умуман бира тўла қўшиб олинди ва Амударёнинг икки томониغا ўрнашди.

Қорақалпоқ уруғларини бошқариш бий ва унинг оқсоқоллари қўлида бўлган эди. Уруғ бийларини Хива хони тайинлар ва унинг мансабга тайинланганлигини тасдиқловчи ёрлиқ берилар эди. Бийлар қўл остидаги уруғларнинг истаган аъзосига айби учун жазо берар, ўзларига ёққан одамларига тортиқ ва ҳадя инъом қилар эдилар. Хива хонининг алоҳида ишончини қозонган бийларнинг ваколоти янада кенгайтирилиб, алоҳида мурруват кўрсатилган. Ҳар бир уруғ ва қабилалардан жангавор отрядлар тузилар, бу отрядларга қорақалпоқ ҳарбий бошлиқларидан ташқари Хива ҳарбийларидан юз бошилар тайинланар эди.

XIX асрнинг ўрталарида бутун қорақалпоқ уруғларини бошқариш, солиқлар ундириш, ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятларига доир ишларни янада тартибга солиш мақсадида беклар беги тайинланган. Айрим туманларни идора қилиш учун эса хон ўзининг қариндош-уруғлари ва ишончли одамларини қорақалпоқлар яшайдиган қўйи Амударё ва Оролбўйи ҳудудларига жўнатиб турганлар. Шунингдек, уларга ердам бериш учун қозиларни ҳам қўшиб юборганлар. Мусулмончилик асосларини қорақалпоқ халқи орасида мустаҳкамлаш учун эса Хивадан рухонийлар гуруҳларини жўнатганлар. Уларга қорақалпоқларнинг истеъдодли ёшларини Хива мадрасаларига жўнатиб туриш вазифаси ҳам юклатилган эди.

Тарихий-этнографик адабиётларда “Амударёлик”, “Хивалик”, “Хоразмлик” қорақалпоқлар деб ном олган ушбу гуруҳ ҳозирги

---

<sup>16</sup> Камалов. С. “Қарақалпаки XVIII-XIX веках” стр. 53-57-63.

Қорақалпоғистон суверен Республикасининг асосий халқини ташкил этади.

XIX асрнинг 1-ярмига келиб, қорақалпоқлар ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўла бошлайди.

XIX аср ўрталарига келиб, қорақалпоқлар ўзларининг шаҳарларига асос сола бошладилар.

Чор Россияси Ўрта Осиёни бутунлай босиб олишни яқунлагандан кейин, қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаётида, давлат бошқарувида анча ўзгаришлар юз берди.

Қорақалпоқлар жойлашган ҳудудлар Туркистон генерал губернаторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими деб юритилди ва унинг пойтахти Петро-Александровск шаҳри деб белгиланди (ҳозирги Тўрткул шаҳри).

Амударё бўлими ўз навбатида, уездларга бўлинган. Ҳар бир уезд ўз таркибидаги шаҳар, қишлоқлари билан уезд ҳокимига бўйсинган. Уезд бошлиғи вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан генерал губернатор томонидан тайинланган.

Уездлар бир неча участкаларга бўлиниб идора қилинган участкаларни кичик унвондаги ҳарбий зобитлар бошқарган (поручик, штабс-капитан). Улар участка приставлари сифатида “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом”да тилга олинади. Участка (бўлим) приставлари ҳарбий бошқарувнинг сўнгги кичик бўғини эди. Улардан сўнг маҳаллий қуйи маъмурий масалалар турган.

Қорақалпоқларнинг Шўро тўнтаришига қадар давлатчилик ривожланишининг, сиёсий-бошқарув институтларининг кўчайган даври сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлиги таркибида Россия протекторатини тан олган даврини кўрсатиш мумкин.

Туркистон ўлкаси таркибидаги қорақалпоқларнинг сиёсий тузуми 1886 йили Россия ҳукумати томонидан қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тартибга солинган.<sup>17</sup>

1918-1921 йилларда Туркистон автоном республикасининг, 1920 йилда Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг ташкил топиши Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим даврлар бўлиб ҳисобланади.

Туркистон, Хоразм ва Бухоро Республикаларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида маданий, хўжалик ва давлат қурилиш соҳасида катта ютуқларга эришилди, бу ўз навбатида, халқларнинг миллий давлат чегараланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

<sup>17</sup> Положение об управлений Туркестанского края. 1886 г. Полное собр. Законов Российской империи. Т.Х.

1920 йил 28 апрелда Ўрта Осиё КП(б) Марказий Қўмитасида Муваққат Комиссия тузилиб, унинг таркибидаги кичик комиссиялар ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ халқларининг давлатчилик тузуми тўғрисидаги масала бўйича иш олиб борди. 1924 йил 10 майда ушбу Комиссия Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, қорақалпоқ туманларини Хоразмдан ажратиб чиқариш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Миллий давлат чегараланиши натижасида Қорақалпоғистон автоном вилояти таркибига қўйидаги ҳудудлар киритилди:

а) Аввалги Амударё вилояти ҳудудлари;

б) Хоразм Совет Социалистик Республикасининг Хўжайли ва Қўнғирот туманлари.

Ҳудудий жиҳатдан вилоят 4 округга бўлинган: Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот.

Тўрткўл округи, ўз навбатида, 7 волостликка бўлинган: Бийбозар, Сарибий, Тўрткўл, Шайхаббас, Валий, Мингбулоқ, Томди;

Чимбой округи 9 волостликдан иборат бўлган: Давқара, Кегейли, Кўкўзек, Қўнғирот, Наупир, Нукус, Талдик, Чимбой ва Жанабазар.

Хўжайли округи 6 волостликка бўлинган: Каратерак, Қипчоқ, Хитой, Маузан, Мискатин, Хожаярламиш.

Қўнғирот округига 4 волостлик кирган: Қизилжар, Ханяп, Мўйноқ, Тахмакатинская.

Қорақалпоқ автоном вилоятининг тузилиши билан Шўро тўнтаришига қадар икки бўлак бўлиб яшаган қорақалпоқ халқи марказлашган ҳокимият мавжуд бўлган ўз давлатчилигига эга бўлди.

Автоном вилоят шакли қорақалпоқ халқи миллий давлатчилигининг илк кўриниши ҳисобланади.

Айни шу вақтдан бошлаб Қорақалпоғистон давлатчилигининг ривожланиш жараёнини биз ҳуқуқий жиҳатдан илк бор қўйидаги даврларга бўлишни лозим топдик. Улар қўйидагича: 1925-1932 йиллар, 1932-1990 йиллар, 1990 йилдан –ҳозирга қадар.

1925 йил 12-19 февралда Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилояти Советларининг биринчи съезди «Қорақалпоғистон автоном вилояти Қозоғистон АССР таркибида ташкил топганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилди ва «Қорақалпоқ халқи-

нинг миллий давлатчилиги» ташкил этилганлигини қонуний расмийлаштирди<sup>18</sup>.

Қорақалпоғистоннинг автоном вилоят бўлиб тузилиши аввалги иккига бўлиниб яшаган қорақалпоқ халқининг бирикиб, доимий давлатчиликнинг ташкил топиши Қорақалпоғистоннинг давлатчилик ривожланиши босқичидаги энг муҳим ва зарур босқич десак бўлади.

Қорақалпоғистон давлатчилигининг ривожланишидаги кейинги босқич 1932-1990 йилларга тўғри келади.

1932 йил 5 мартда Қорақалпоғистон автоном вилояти Ижроия Қўмитасининг Пленумида Қорақалпоғистон автоном вилоятини бевосита РСФСР таркибига кирадиган автоном республика қилиб тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг эрки ва тилаги билан ВЦИК Президиуми Қорақалпоғистон автоном вилоятини Қорақалпоғистон автоном республикасига айлантириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

1932 йилнинг 25 майида Тўрткўлда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1-ташкилий съезди бўлиб ўтди.

Биринчи ташкилий съездда Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий Ижроия Қўмитаси ва ҳукумати тузилди.

ҚҚАССР Марказий ижроия қўмитасининг раиси бўлиб Кўптилеу Нурмухамедов, Халқ Комиссарлар Советининг раиси этиб Қосим Авезовлар сайланди.<sup>19</sup>

Қорақалпоғистон автоном вилояти Қорақалпоғистон АССР бўлиб мустақамлангандан кейин кўп ўтмасданок унинг биринчи Конституцияси ишлаб чиқилди.

1932 йил 3 декабрдан Қорақалпоғистон АССР депутатлар Совети Марказий Ижроия қўмитасининг 2-сессияси унга тақдим этилган конституция лойиҳасини кўриб чиқди ва тасдиқлаш учун Бутунроссия Марказий Ижроия қўмитаси ва Советларнинг Бутунроссия съездида тақдим қилди.<sup>20</sup>

1932 йилги Асосий қонун 6 бўлим, 7 боб ва 100 моддадан иборат эди. Ушбу Асосий қонун ҚҚАССР олий органлари СССР ва РСФСР олий органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаб берди.

---

<sup>18</sup> Л.М.Ахунджанов. Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпакстан. Т. «Узбекистан» 1992. стр.55.

<sup>19</sup> ЦГА РК. Ф. 139. С.40.

<sup>20</sup> С.Д.Ниетуллаев «Қарақалпақстан Республикасынын Конституциялык ҳуқықы». Ноқис., «Билим», 1996 йил 16-бет.

Умуман ҚҚАССРнинг 1932 йилги Конституциясида ҚҚАССРнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг иш фаолияти принциплари ва унинг ҳуқуқий статуси (мақоми) илк бор белгиланди.<sup>21</sup>

1936 йилги СССР Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон АССР РСФСР таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси таркибига киритилди. Бунга асосий сабаб қилиб қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан**, ушбу масала 1924 йилги Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши вақтида ҳам кўрилиб, Ўзбекистон ССР ҳукумати Қорақалпоғистон вилоятини ўз таркибида қолдириш тўғрисида таклиф қилган эди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикасининг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотини пахтачиликни ривожлантириш бўйича катта индустриялик база бўлиб, бу ҳолат пахтачилик саноатини бир марказдан бошқаришни енгиллаштирар эди.

**Учинчидан**, оролик ўзбеклар қадим замонлардан буён Амударёнинг икки бўйида яшовчи қорақалпоқлар билан сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатларда бўлишган. 1936 йилги 23 июнь Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида ҚҚАССРнинг Ўзбекистонга қўшилишини бутун халқ бир овоздан маъқуллади.

1937 йил 20 мартада ҚҚАССР Советларининг III махсус қурултойида Конституция қабул қилинди.

Қорақалпоғистон АССРнинг Асосий қонуни 1937 йилнинг сентябрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг Президиуми томонидан тасдиқланди.

Ушбу Конституцияга мувофиқ, мамлакатдаги аввалги бир қанча қонун чиқарувчи органларни ўз ичига жамлаган съездлар Совети тизими тарқатилиб, унинг ўрнига бирдан-бир қонун чиқарувчи органи қилиб ҚҚАССР Жўқорғи Совети белгиланди.

Жўқорғи Совет автоном Республиканинг ҳукуматини-Халқ Комиссарлари Советини тузиш ваколатига эга бўлди.

Халқ Комиссарлар Совети Жўқорғи Совет олдида, сессиялар даври оралиғида унинг Президиуми олдида ҳисобот берган ва ўз навбатида Халқ Комиссарларининг иш фаолиятини бошқарадиган ва назорат қиладиган бўлган.

---

<sup>21</sup> С.Д.Ниетуллаев. «Қарақалпақстан Республикасынын Конституциялық ҳуқықы». Нокис., «Билим», 1996 йил 22-бет.

Қорақалпоғистон АССРининг иккинчи Конституцияси Жўқорғи Советнинг IX чақириқ навбатдан ташқари 1978 йили 29 майда бўлиб ўтган 8-сессиясида қабул қилинди. Халқ депутатларининг сайлов тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинса депутатларнинг статуси (мақоми) тўғрисидаги масала ҳам Республиканинг ўз қонунчилиги билан тартибга солинди. Шунинг ўзи ҚҚАССР статусининг кенгайганлигини кўрсатиб турибди. Асосий Қонунда Қорақалпоғистоннинг Олий ҳокимият органлари, Министрлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимият ва ижроия органларининг ваколатлари ҳам бироз кенгайтирилди.

Умуман Қорақалпоғистон АССРнинг 1978 йилги Конституцияси бундан олдинги Конституциялар сингари ўша даврдаги маъмурий буйруқбозлик, тоталитар тузумнинг ёрқин мисоли бўлди.

Юқоридан амалга оширилган бир ёқлама режалаштириш, оз сонли халқларга бўлган эътиборнинг сустлиги туфайли Қорақалпоғистон Собиқ Иттифоқ таркибидаги тараққиёт даражаси энг паст бўлган ўлкага айланди.

Иттифоқ ҳукуматнинг айби билан қийинчиликлар чуқурлашди, муаммолар устига муаммолар туғилди. Экологик ҳалокат юзага келди. Амударё сувининг ифлосланиши ва Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўла бошлади.

80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида тўпланиб қолган бундай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт борасидаги муаммолар тизимини ҳал этишда энг адолатли йўл танланди: ягона заминда яшаб келган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўз тақдирларини абадий бирликда кўришди. Қорақалпоқ халқи миллий давлатчилик асосларини қуришда, ҳамда том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўзбек халқи билан бирга эришди ва ўзининг порлоқ келажagini яратишга киришди.

Қорақалпоғистон давлатчилигининг ривожланишидаги кейинги босқич 1990 йилдан – ҳозирга қадар даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Қорақалпоғистон АССР Республикаси мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси мақомини олди. Бу табиий ҳодиса эди. Чунки асрлар мобайнида қорақалпоқлар билан ўзбек халқи ўртасида дўстлик, қардошлиқ муносабатлари қарор топган, турмуш тарзлари ва дунёқарашларида муштараклик вужудга келган. Орол-бўйи кенгликларида қадимий ўзбек ва қорақалпоқ аجدодлари бирга-

ликда яшаб, меҳнат қилишди ва ўзларининг тараққиёт йўлларини босиб ўтишди.

Қорақалпоғистон жамоатчилигининг Ўзбекистон таркибида давлат мустақиллигини ҳуқуқий асосга эга бўлишга интилишини Президент Ислам Каримов қўллаб-қувватлади. 1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида "Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети тўғрисида" Декларация қабул қилинди.

Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий соҳалардаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топди. Натижада икки томонлама ҳурмат асосида қорақалпоқ халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил тараққиёт ҳамда давлатчиликни мустаҳкамлашдаги роли ошди.

Қорақалпоқ давлатчилиги ўз тараққиёти тарихида ана шундай адолатли демократик имтиёзларга эга бўлди. Шу билан бирга, у суверен республиканинг давлат рамзларга эга бўлди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Қорақалпоғистон Давлат байроғи, 1993 йил 9 апрелда бўлиб ўтган XII сессиясида Давлат герби, 1993 йил 4 декабрда бўлиб ўтган XIV сессиясида Давлат мадҳияси тасдиқланган эди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ 1994 йил 25 декабрда Олий Кенгаши ўрнига муқобиллик асосида республика парламенти Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ташкил этилди. Жўқорғи Кенгеснинг 1995 йил 11 январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Жўқорғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосари, мандат комиссияси, 8 кўмита раислари ва унинг аъзолари сайланди. Айни пайтда депутатлар Республика қонунчилик тизимини яратишда фаол иштирок этмокдалар.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқининг жуда кўп кадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлинди.

Миллий маданият ва маънавиятнинг ривожланиши ва қайта тикланиши натижасига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз боболар ижодий меросларининг тўла тикланишига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берилди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон маданий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Республикада Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Бадиий Академиялари филиаллари, Қорақалпоғистон Давлат Универ-

ситети, қатор институтлар ҳамда замонавий лицей, касб-ҳунар мактаблари ва коллежлар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инобатга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан Президент фармонида биноан мукофотланиши бу юртбошимизнинг, Ўзбекистон ҳукуматининг нафақат Нукус шаҳрига, балки бутун қорақалпоқ халқига бўлган ғамхўрлиги ҳисобланади.

Юртбошимизнинг Нукус шаҳрининг 60 йиллигида "Ўзбекистон тақдири—бу Қорақалпоғистон тақдирidir, ўзбек халқининг келажаги қорақалпоқ халқининг келажагидир" деган сўзлари, шунингдек Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди»- деб таъкидлаб ўтиши Қорақалпоғистон халқини мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда табиий қийинчиликларга қарамасдан ривожланиш йўлидан янада илдам ҳаракат қилишга, буюк келажак йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга ундайди.

Демак, мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларининг назарий ва тарихий, сиёсий-ғоявий асослари ўрни нимадан иборат эканлигига аҳамият берган ҳолда, унинг Қорақалпоғистон давлатчилигининг мустаҳкамланишида асосий омил эканлиги очиб берилди.

## 1.2. Қорақалпоғистон давлатчилигининг тараққиётида ғоявий омиллар аҳамияти

Шаклланаётган миллий истиқлол мафқураси миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттирмоғи зарур. Токи ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг асарларида, хусусан, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китобида бу масалалар чуқур илмий асосда, атрофлича ёритилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз-бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.<sup>22</sup>

Ушбу стратегик мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қўйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Маънавий соҳада стратегик мақсадлар:

Маънавий кадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафқураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, - дейди Ўзбекистон Президенти, - аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдиз-

<sup>22</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Т., «Ўзбекистон» 1999 йил 5 бет.

ларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни кўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.<sup>23</sup>

Қорақалпоқ халқи ўтмиш тарихини чуқур ва мукамал билган ҳолдагина ўз халқининг ва миллатнинг тарих сабоқларидан ўзига тегишли ва зарур хулосалар чиқариб олади.

Президент Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида, “ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”<sup>24</sup>, деган ғоятда муҳим фикр мавжуд.

Туби бир, чақаси минг ўзбек ва қорақалпоқ халқи ушбу қадим табаррук, муқаддас тупроқда камолга келган Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Султон Увайс Бобо, Ҳаким ота Сулаймон Боқирғоний, Бердақ, Кунхожа ва Ажиниёз сингари боболаримиз билан фахрландилар.<sup>25</sup>

Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Ватан тарихи ва маданияти, жўғрофияси ва иқтисоди, шунингдек, халқнинг озодликка, эркинликка эришиш йўлида муҳим рол ўйнаган ғоявий омилларига катта эътибор қаратилмоқда.

Айнан шу тариқа қорақалпоқ халқининг тарихига назар соладиган бўлсак, агар ўтмишда қорақалпоқ халқи сингари ўзига хос тарихга эга бўлган халқни топиш мушкулдир. Қорақалпоқ халқи бу дарбадарликда у ердан бу ерга кўчманчилик қилган, феодал босқинчилар томонидан қувғинликда эзилган халқ тарихидир. Сони жиҳатидан кам аҳоли ҳисобланган, тарқоқ уруғларга эга бўлган, феодал хонлар томонидан бир-бири билан доимо уруш қилган, йўқчиллик, камбағалликда эзилган қорақалпоқ халқи муайян бир миллий ҳудудга эга бўлган давлатини туза олмади ва кўшни феодал давлатлар томонидан талон-тарожлик объекти бўлиб қолди. Бердақ "Бўлган эмас" номли шеърида қорақалпоқларнинг бир ерда 100 йилдан ортиқ тура олмаганликлари ва бу бошқалар томонидан қувғинга олинганлиги ҳақида ёзади. Россия империясига қўшилиш ҳам қорақалпоқларга ўзаро иноқлик келтирмади. Халқнинг бир қисми эса Хива хонлиги зулмидан эзилди.

<sup>23</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон», 1997, 137-138 бетлар.

<sup>24</sup> Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998 йил.

<sup>25</sup> Қаранг: Тимур Камалов. Тақдиримиз ҳам, келажакимиз ҳам бир. «Еркин Қорақалпоқстан» газетаси 2000 йил 14 декабр № 148 (17430) сони 1 бет.

XVIII асрнинг бошлариданоқ орол бўйларини ўзига бўйсундирган Хива хони Шерғозига қарши 1723 йилда қорақалпоқлар Шохтемир бошчилигида кўзғолон кўтардилар.

70-йилларга келиб Янгидарё (Жанадарё) бўйларидаги қорақалпоқлар ўз озодлиги учун юргизган ҳаракатларида ўз ичидаги қабилалараро низолари оқибатида мувофаққиётсизликка учрайди. 1806-йили Орол, Қўнғирот эли Тўрамурод Сўфи бошчилигида мустақил бўлишга ҳаракат қилган. Ўшанда барча қорақалпоқ халқининг бийи мартабасига кўтарилган Ойдўстбий Хива хони томонида туриб кўзғолоннинг аёвсиз бостирилишига қатнашган.

Кейинчалик Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I ўлганидан сўнг, унинг ўрнига бўлган Аллоқулхон зулмига қарши 1827-йили кўзғолон кўтарилди. Кўзғолонга қорақалпоқларнинг энг бадавлат тоифасига мансуб Ойдўстбий бошчилик қилган. Ушбу кўзғолон халқ ёдида сақланиб қолиб, у ҳақда шеър ва дostonлар яратилган. Ойдўстбий халқнинг хонга норазилигидан ва кўзғолондан фойдаланиб, барча қорақалпоқларни Хивадан бўлиб олиб, уни мустақил қилиб бошқармоқчи бўлади. Лекин буни барча қабилаларининг бошчилари ёқлагани ва кенг кўламдаги халқ ҳаракати бўлмаганлигидан шунингдек, Ойдўстбийнинг олдин халқига қилган хиёнати сабабли қорақалпоқлар уни қўллаб-қувватламади ва кўзғолон тез орада аёвсиз бостирилди.

1855-йили қорақалпоқларнинг қулдовли қабиласидан бўлган Олакўз лақабли машҳур Эрназарбий бошчилигидаги кўзғолон бошланиб, қорақалпоқларнинг Хива хонлигига бундан буён бўйсунмаслигини эълон қиладилар. Эрназарбий руслар таъсирида бўлган қозоқ уруғ бошлиқларидан бири Зарлиқни хон қилиб кўтариш ва натижада Россия тобелигида яшашга мойиллиги кучли бўлган гуруҳлар паноҳида бўлишга интилмоқда эди.

Россия империяси худди мана шу қабилладаги кўзғолон ва ҳатти-ҳаракатларни нафақат пул маблағлар билан, балки ҳарбий ёрдам юбориш билан ҳам қўллашга уринаётган эди.

1856-йили Саид-Муҳаммадхон тахтга ўтиргач, Эрназарбий томонидан кўтарилган Қозоқдарё қўрғонига ҳужм қилади ва 1856-йили 12 июнида Эрназарбийни Хива хонига сотилган қариндоши Шонқи отиб ўлдиради ва шу билан кўзғолон аёвсиз тарзда бостирилади.

XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқ халқининг мустақилик учун юргизган курашларини, ўз замонидаги жамиятнинг ижтимоий тартибларини, унинг сиёсий тузумини қаттиқ танқид

қилиб ўз асарларида баён этган қорақалпоқ халқининг буюк шоирлари ва мутафаккирлари, уларнинг номлари бугунги кунда ҳам ардоқланади.

Қорақалпоқлар-эрксевар халқ. Шунинг учун ҳам улар доимо ўз эрклари учун озодлик курашини олиб борганлар. Маълумки, козоқ хони Абулхайрга қарши олиб борилган урушда қорақалпоқлар енгилиб қолган эди. Бу мағлубият натижасида улар азоб-уқубатларга дучор этилган. Хусусан, Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлар ҳар ёққа тарқаб кетганлар. Мана шу машаққатли кўчишларнинг гувоҳи бўлган Жиен-Жиров (1730-1784) ўзининг “Дарбадар эл” номли достонини яратган эди.

Қорақалпоқларнинг ўз замонидаги таниқли шоирларидан бири Кунхожа Иброҳим ўғли (1799-1830) ўзининг “Ўроқчилар”, “Оқ қомиш”, “Чўпонлар”, “Унутмасман” ҳамда “Туя экансан” каби шеърлари халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, уларда қорақалпоқ халқининг Хива хонлиги тобелигига тушиб қолган давридаги оғир аҳволи, эрксиз турмуши ҳамда Хива хони устидан кулишлари ўз ифодасини топган.

Қорақалпоқ халқининг атоқли шоирлардан бири Ажиниёз Қосибой ўғлининг (1811-1878) “Бўзотов” достонида қорақалпоқ халқининг бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур этилганлиги катта маҳорат билан тасвирланган. Ажиниёз шоир шеърларида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари устун туради.

Бердақ айтганидек, ижтимоий тенгсизлик, зулм, оғир турмушда эзилган халқ йўқ бўлиб кетмади, ўз тили, удуми, миллий анъаналарини сақлаб қолди.

Шунинг учун Бердақ ижодида қорақалпоқ халқининг аянчли аҳволи асосий мавзу бўлиб қолди.

Бердақнинг лирик шеърларида, достонларида қорақалпоқ халқининг XVIII-XIX асрларда ижтимоий ҳаёти ўз ифодасини топган. У ўз даври воқеаларига, ижтимоий муносабатларга демократ шоир сифатида баҳо беради, асарларида тенглик, инсонпарварлик адолат ва ватанпарварлик ғояларини илгари суради.

Бердақнинг ватанпарварлик ғоялари халқ оммасининг ватанпарварлик туйғулари билан чамбарчас боғлиқ. "Алпомиш", "Қирқ қиз" каби қорақалпоқ фольклорларида халқ озодлиги, мустақиллик ғоялари куйланади. Тенгсизлик, зулм ҳукмронлик қилган жамият қораланади. 1827-1828 йиллардаги Ойдўстбий бошчилигидаги кўзғолон, 1855-1856 йиллардаги Эрназар Олакўз бошчилигидаги кўзғолон-

лардаги асосий мақсадлар қорақалпоқ халқининг озодлик учун курашишдаги ғояларининг уйғониши эди.

"Бўлган эмас", "Омонгелди", "Ойдўстбий", "Эрназарбий" каби тарихий мавзудаги асарларида Бердақ шоир хонлар зулмига қарши курашган халқ қаҳрамонларини фахр билан куйлайди. Бердақ камбағалларнинг оғир турмушини, шафқатсиз хонлар зулмини фош қилиб, меҳнаткаш омманинг бахти ва келажаги учун фидокор курашчиларни орзу қилади. Бердақ меҳнаткаш халқнинг қашшоқлигига халқнинг тарқоқлиги сабаб эканлигини тушунди. Шеърини мушоҳадалари ва ҳаётга қарашларида Бердақ камбағалларнинг хўрланиши, эзилишига норозилик билдирди, халқ ҳаёти ҳақида қайғурди, халқнинг бахтиёр яшашини, "ҳақиқат ҳукмрон давр" ни орзу қилди.

Ватанпарварлик ғояларида Бердақ ҳар бир инсоннинг ўз халқи олдидаги бурч, мажбуриятига асосий урғу берди. "Халқ учун" номли асарида Бердақ ҳаётнинг асосий мазмуни - халққа беминнат хизмат деб ҳисоблайди. Бердақ оддий меҳнаткаш инсон ва бой феодаллар ўртасидаги Ватанга ва халққа муҳаббатдаги фарқни кўра билди ва ўз асарларида оддий меҳнаткаш инсоннинг ўз халқига, Ватанига бўлган муҳаббатини куйлайди. Бердақ асарларида Ватанни ҳимоя қилиш, мустақиллигини кўриқлаш ғоялари катта аҳамиятга моликдир. Айниқса, бу ғоялар унинг "Омонгелди", "Эрназарбий" каби асарларида яққол ўз аксини топган.

"Агар сен қаҳрамон бўлсанг, Ватанингни кўриқла, еган нонингни оқла" каби мисралари Бердақнинг Ватанга бўлган садоқатининг мисолидир. Қорақалпоқ халқ мақоли ҳам шу ҳақидадир, "Агар ҳақиқий йигит Ватан учун, халқ учун дунёга келса, халқ учун, Ватан учун жонини беради".

Бердақ ижодий меросида халққа, Ватанга муҳаббат ғоялари билан биргаликда халқлараро дўстлик ғоялари ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Шоир бошқа миллат халқларига ҳурмат билан қараган, бошқа халқлар маданияти намоёндалари билан дўстона муносабатда бўлган. Ёшлик даврида мактаб ва мадрасаларда бўлажак шоир Шарқ адабиёти алломалари бўлган Навоий, Махтумқули, Бедил, Фирдавсий асарларини кунт ва иштиёқ билан ўрганган.

Ўз асарларида Бердақ, Аристотел, Фирдавсий, Платон каби буюк фан ва фалсафий ва ҳуқуқий фикрлар эгалари ҳақида катта ғурур ва чуқур ҳурмат билан уларни тилга олди. Бердақ агар уни Навоий, Махтумқули, Фузулийларнинг шогирди деб ҳисобласа, ўзини жуда бахтли инсон деб ҳисобларди. Бердақ ижодий фаолияти

ўзининг халқпарварлиги билан алоҳида ажралиб туради. У ўзининг асарларида ҳар бир халқнинг ўзигагина хос бўлган ажойиб, ажралмас ҳусусиятларини ёритиб беришга ҳаракат қилди ва бошқа халқларга бўлган ўз ҳурматини намоён қилди.

Қорақалпоқ алломаси, ўз даврининг энг кўзга кўринган кишиларида бири бўлган Бердақ, ҳар бир халқнинг умуминсоний қадриятларга кўшган ҳиссасини баҳолай олди. У ҳар бир халқнинг фан, маданиятдаги ютуқларига хурсанд бўлди.

Бердақ ижодий фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳеч бир халқ бошқа халқлар кўмагисиз моддий ва маънавий тараққий эта олмас экан. Шоир ўз халқини турмушда, ҳаётда бошқа халқлар тажрибасидан фойдаланишга чорлайди. Бердақ ижодида бошқа халқларга бўлган ҳурматсизликни, эътиборсизликни кўрмайсиз. Халқлар орасидаги дўстона муносабатлар унинг ижодида етакчи ўринни эгаллаган.

Бердақ асарларида қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек, туркман халқлари орасидаги қондошлик, дўстлик муносабатлари ётади. Бердақнинг "Авлодлар" асари тарихий воқеалар солномаси бўлиб, шоир унда қорақалпоқ халқи билан Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари ҳаётидаги муштарак воқеаларни қаламга олади, қабила ва халқларнинг келиб чиқиши ҳақида ўз фикрларини баён қилади. Қадимги афсоналарга асосланган Бердақ бу асарда кўйидаги ғояни олдинга ташлайди, яъни "Энес ва Малик ака-ука қариндошлар бўлган, ҳозирги қозоқлар Энеснинг авлодлари, қорақалпоқларнинг авлоди эса Маликнинг ўғли Розихон ҳисобланган, у ёшлик йилларида узун соч кўйиб, бошига қора қалпоқ кийиб юрган ва уни "қалпоқ" дейишган. Қалпоқнинг ўғли ўзбек бўлган, ўзбекнинг ўғлидан туркманларнинг авлоди келиб чиққан.

Тўғри Бердақнинг Ўрта Осиё халқлари генезиси илмий асосланмаган, улар юқорида таъкидланганидек афсона-ривоятларга асосланган. Шунга қарамай бу халқларни қондош ака-укалар деб ўрганиш, Бердақ ижодида бошқа халқлар билан дўстона муносабатларда бўлишга туртки деб ҳисоблаймиз.

Ўрта Осиё халқлари бўлган - ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркманлар орасида маданияти, турмуши, удумлари, тилида катта тафовутлар йўқ. Бу халқлар бир-бирлари билан таржимонсиз гаплаша оладилар ва одатларида ҳам деярли фарқлар бўлмаган.

Шу тариқа Бердақнинг "Авлодлар" асарида Ўрта Осиё халқлари орасидаги дўстлик, қондошлик каби ажойиб туйғуларни мустаҳкам-

лашдек катта меҳнат намунаси ётади. Бу каби умуминсоний ғоялар бошқа Шарқ мутафаккирлари ижодида кам учрайди. Бу эса Бердақни буюк қорақалпоқ мутафаккирлари эканлигини яна бир исботидир.

Қорақалпоқ мутафаккирининг ҳар бир инсоннинг Ватан олдидаги бурчи ҳақидаги ғоялари ҳозир замонавий тус олмоқда. Бердақ айтганидек, кўрқоқ, сотқин, ўзини ўйлайдиган “ўғил” бўлганидан кўра халқнинг ити бўлгани яхши, у ҳеч бўлмаганда душманга акиллайди, чақирилмаган келгиндиларни кувади.

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ота-боболаримизнинг қаҳрамонликларини ўрганиш билан бир қаторда Бердақ каби улуғ алломаларнинг асарларини ўрганиш катта ўрин эгаллайди.

Шоир бутун ҳаётини она халқи хизматига бахш этди. Бердақ ижодининг характерли хусусияти – халқнинг машаққатли ҳаётини акс эттириш, бахтли келажакни ишонч билан куйлаш ҳисобланади.

Ушбу юқорида таъкидлаб ўтилган Бердақнинг ғоявий қарашлари ҳозирги кунда бизнинг қорақалпоқ халқининг ўзбек халқи билан биргаликда совет тузумининг зулм занжирларидан қутулишда ва ўзбек халқи билан ўз тақдирларини ва ўз келажagini, озодлик учун биргаликда кураши натижасида Ўзбекистон таркибида қорақалпоқ халқи озод ва бирдамликда фаровон ҳаёт кечирishiга туртки бўлган ғояларнинг пойдевори бўлди десак муболаға бўлмайди.

Мазкур ғоялар ўзбек халқининг ҳам асрлар давомида мустақиллик учун тинимсиз олиб борган кураш ғоялари билан ҳамоҳангдир.

Қорақалпоқ халқи ўз тақдирини, бугуни ва келажagini ўзбек халқи билан бирга кўрадилар.

Қорақалпоқларнинг қадимий тарихи ҳам ўзбеклар тарихи билан муштаракдир.

Бу муштараклик–кўнгил яқинлиги қон-қариндошлиги мустақилликдан кейин айниқса яққол кўзга ташланди, мустаҳкамланди. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримов Қорақалпоғистонга қилган ташрифларининг бирида «Агар мени қорақалпоқ халқи ўзимнинг қорақалпоғим деб атаса бундан хурсанд бўлган бўлар эдим»<sup>26</sup> деганида қорақалпоқ халқининг қувончини кўрсангиз эди.

Қорақалпоғистонда ажойиб бир мақол бор: «Ўзбек ва қорақалпоқ – эт ҳамда тирноқ» дейишади. Дарҳақиқат, эт билан тирноқни бир-биридан айириб бўлмаганидек ҳар иккала халқ вакиллари жуда қадим-қадимдан бир-бирлари билан ўзаро мустаҳкам иқтисодий,

---

<sup>26</sup> Каримов И.А. "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз". Т., "Ўзбекистон" 2000 йил 8 жилд 101 бет.

сиёсий алоқада бўлиб келганлар. Қуда-анда тутинганлар. Яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлашиб, тўй-маъракаларда ҳурматини жойига қўйишганлар.

Айниқса мустақиллигимиз қўлга киритилгандан кейин, бу борада катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибидаги суверен Республика сифатида ҳар томонлама ўсди, ривожланди. Қўлга киритилган ҳамма ютуқлар бошида ҳурматли юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг шахсан ўзлари турибдилар.

1990 йил 1 декабрида Президентимиз И.Каримовнинг иштирокида Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги масалага бағишланган анжуманда суверенитет тўғрисида гапирилган ҳар хил фикрларни ҳам диққат билан тинглаган Президентимиз: суверенитет керакми?! Марҳамат, хоҳлаганингизча олинг! Лекин, элнинг, юртнинг бутунлигини, халқнинг оғизбирчилигини сақлаб, Ўзбекистон Республикаси билан қўлма-қўл ушлашиб, биргаликда суверен давлат бўлайлик!<sup>27</sup> – деган эди.

Жаҳон миқёсида рўй бериб турган воқеалар мамлакатлар, халқлар, давлатлар ҳавфсизлигига солинаётган таҳдидлар хилма-хил шаклларда давом этаётганлигидан далолат бериб турибди. Буларга сиёсий, жумладан, диний руҳдаги экстремизм, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экологик хатарларни, халқаро терроризм, наркотик моддаларни тарқатиш, қурол-яроқ савдоси муаммоларини мисол сифатида эслатиб ўтиш мумкин. «Бошқача айтганда, юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлса-да, инсониятда бир хилда ташвиш туғдирмоғи даркор», - дейди Президент «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида....» асарида.

Бизларнинг назаримизда инсониятга, ҳавфсизликка таҳдид солиб турган энг кучли ҳавф-хатарлардан бири- мафкуравий тазйиқлардир. Мафкуравий ҳавф-хатар асосий мақсади, туб моҳияти, ўзига хос хусусиятларга кўра инсониятга таҳдид солиб турган ҳавф-хатарларнинг бошқа турларидан жиддий равишда фарқ қилади.

Ўзбекистон келажагига, мустақиллигимиз манфаатларига катта ҳавф ва таҳдид туғдирадиган диний мутаасиблик ва ақидапарастликка, улар билан ғоявий ҳамоҳанг бўлган ваҳобийликка бепарқ

<sup>27</sup> Еркин Қарақалпақстан. 2000 жыл 18 декабрь.

қараб бўлмайди. Бу масалада асосий йўл-йўриқ, ҳуқуқий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган.

Қорақалпоғистон Асосий Қонуннинг 55-моддасида бу ҳақда қуйидагилар алоҳида таъкидланган: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади».

Қорақалпоғистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида белгилаб қўйилганидек, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳолда, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади. У диний мутаассиблик ва ақидапарастликка, диний адоватларни авж олдиришга йўл қўймайди, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати тузишга ҳамда уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасида айтилишича, «диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишга, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, нарқобизнес ва уюшган жинойтчиликка қўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади. Давлат бошқарув ва ҳокимият органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан таъқиқланади».

Шундай қилиб, Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топишининг назарий, ғоявий омилларининг роли ва ўрнини назарий-амалий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

### **1.3. Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланишида ва ривожда сиёсий ва ҳуқуқий омилларни роли**

Мустақиллик - тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш 80 йилларнинг охирида авж олганлиги ҳаммамизга маълум.

Мазлум халқларнинг истиқлол, эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди.

Авваламбор, мустақилликнинг тикланиш жараёнига назар солсак, 80-90 йилларда яқиндагина жаҳонни ларзага солиб турган тоталитар давлатнинг миси чиқиб, тобора ҳалокатга яқинлашиб бормоқда эди. Бунда авваламбор мазкур тузумнинг ўз-ўзидан ичидан чириши билан баробар бутун мамлакатда демократик ғояларнинг тобора кучайиши муҳим ўрин эгаллайди.

Аммо жон талвасасига тушиб қолган қизил империя ҳали яшаш умидидан воз кечмаган эди. Шу равишда мамлакат ичра бир-бирига қарама-қарши икки оқим шаклланиб, бири қандай бўлмасин империяни сақлашни, иккинчиси эса уни ағдаришни вазифа қилиб қўйган эди.

Куч ва имкон нисбатига келганда империя тарафдорларининг мавқеи баланд бўлиб, улар қудратли қўшимча ва маҳфий кучларга эга эдилар. Шу боис унинг сиртмоғидан осонлик билан қутулишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, озодлик учун олиб борилаётган курашлар қизгин тус олиб, ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазият юзага келди.

Хўш, тақдирни узил-кесил ҳал этувчи бундай шароитда Қорақалпоғистонда қандай сиёсат юргизилди.

1990 йилнинг 14 декабрида Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг тўртинчи сессиясида давлат суверенитети декларациясининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди.<sup>28</sup>

Декларациянинг аҳамияти шундан иборатки, у миллий-озодлик ғояларини етилтирди, кишиларни руҳлантирди, порлоқ келажакка умид ва ишонч бағишлади. Айни бир пайтда демократик ғояларни шакллантирди. Унда Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси ва иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар ва битимлар асосида белгиланиши, шунингдек унинг Ўзбекистон ССР ва СССР таркибидан Қорақалпоғистон

---

<sup>28</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Совет Республикаси Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация. Нукус., 1990 йил.

халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгаллиги ва янада ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ўзи мустақил ҳал қилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши ва давлат рамзлари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши кўрсатилган.

Декларация гарчанд ўша вақт шароитининг тақозосига кўра шаклан иттифоқ доирасида, мазмунан мустақил бўлишни ифода этган бўлса-да, лекин у озодлик сари ташланган катта кадам бўлди. У келажакда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куришни узил-кесил яратиш учун шарт-шароит бунёд этди.

Ушбу Декларациянинг суверен Қорақалпоғистон давлатини ташкил топишида катта сиёсий-ҳуқуқий ва тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги боис, биз унинг келиб чиқиш тарихига теран бир назар ташлашимиз лозим.<sup>29</sup>

1990 йилнинг август-сентябр ойларида республика халқ депутатларининг бир гуруҳ фаоллари ўша ҳужжатнинг лойиҳаси устида ишлай бошлади. Лойиҳа тайёр бўлгандан сўнг, у Олий Кенгашнинг тегишли доимий комиссияларида муҳокама қилинди. Сўнгра жамоатчилик фикрини билиш, айрим муҳолифатчилар мақсадини аниқлаш учун Декларация лойиҳаси республика туманлари ва шаҳарларида муҳокама қилинди. У мажлисларга халқ депутатлари, фахрийлар, зиёллар, меҳнат жамоаларининг кўпгина вакиллари қатнашди. Умуман қатнашчиларнинг кўпчилиги Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида суверенитетини қўллаб-қувватлади.

Ана шундай сиёсий-ижтимоий шароитда Қорақалпоғистонга Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов келди. У 1990 йили 1 декабрда Нукусда депутатлар ва республика фаоллари, зиёллари билан учрашди.

И.А.Каримов Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитетини қўллаб қувватлади. Президентимиз ўз сўзида Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети кўп миллатли республика халқларининг бундан буён ҳам ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши кераклигини айтиб ўтдилар.<sup>30</sup>

1990 йилнинг 11 декабрида Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши Президиумининг мажлиси бўлди ва унда умумхалқ муҳокамасидан сўнг Декларациянинг лойиҳаси яна бир бор кўриб чиқилди.

<sup>29</sup> Нийетуллаев С.Д. "Қорақалпоғистон Республикасынын Конституциялық ҳуқықы" Н., "Билим", 1996 жыл 34-бет.

<sup>30</sup> Каримов И.А. "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз". Т., "Ўзбекистон" 2000 йил 8 жилд 101 бет.

Олий Кенгашнинг доимий комиссияси Қорақалпоғистоннинг суверенитетини маъқуллади. У Қорақалпоғистон АССР ССРСРнинг субъекти ва у Ўзбекистон ССР таркибига кирадиган декларациянинг вариантини маъқуллади. Лекин Олий Кенгашнинг айрим доимий комиссияларининг депутатлари лойиҳанинг матнидаги «Б» вариантыни қувватлади. Унда ҚҚАССР Олий Кенгаши Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитетини эълон қилади ва уни СССР федерациясининг субъекти сифатида Қорақалпоғистон суверен Совет республикаси-Қорақалпоғистон Республикаси қилиб қайта тузилади деб ёзилган эди.<sup>31</sup>

Агар Декларациянинг айтиб ўтилган нормасига эътибор қаратадиган бўлсангиз, у Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон ССРнинг таркибига киришини назарда тутмади. Шунинг учун ҳам, декларациянинг «Б» варианты кўп тортишувларга учради.

Бу фикр 1990 йили 14 декабрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг 4 сессиясида катта муҳокамага учради.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сессия кўп фикрлилик, демократик принципларига жавоб берадиган даражада ўтди. Сессияда чиқиб гапирган бир депутатнинг сўзига эътибор берайлик:

«Мен суверенитет тўғрисида декларация лойиҳалари қоидаларининг, биринчи навбатда «А» вариантыни асосан қувватлайман. Яхши ишни тегишли босқичлар бўйича олға илгарилатиш керак. Вақтнинг ўтиши билан «Б» вариантнинг ҳам кўрилишини ким билсин. Республиканинг суверенитет олишига ишонаман, лекин аниқ фикрлар бизларнинг Ўзбекистон таркибида бўлишимиз лозим эканлигини кўрсатиб турибди».<sup>32</sup>

Шундай қилиб, 1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Совет Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ тўртинчи сессиясида Қорақалпоғистон совет Республикасининг “Давлат суверенитети тўғрисида” Декларация қабул қилинди.<sup>33</sup>

Албатта, Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияси унинг ўз вақтида қабул қилган бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатидир. Ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши суверен Қорақалпоғистон давлатчилиги барпо этилишига асос солди, яъни унинг илк пойдевори барпо этилди. Аввалги Қорақалпоғистон Совет Республикаси кейинчалик суверен Қорақал-

<sup>31</sup> Қаранг: Совет Қарақалпақстаны, 12 декабрь, 1990 жыл.

<sup>32</sup> Совет Қарақалпақстаны, 27 декабрь, 1990 жыл.

<sup>33</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Совет Республикаси Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация. Нукус. 1990 йил.

поғистон Республикаси деб номлана бошлади. Суверенитет тўғрисидаги Декларация Қорақалпоғистон Республикаси давлат статусини (мақомини) ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Муҳим ҳужжат деб эътироф этилаётган ушбу Декларация Қорақалпоғистон суверен Республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқишда ва қабул қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, Қорақалпоғистон АССР мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси мақомини олди.

Ўзбекистон мустақиллиги суверен Қорақалпоғистон Республикасида адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигини кўришига имконият яратди.

Истиқлол йиллари янги суверен Қорақалпоғистон давлатчилигининг пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, қорақалпоқ халқи миллий давлатчилик асосларини қуришда ҳамда том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўзбек халқи билан эришди ва ўзининг порлоқ келажагини яратишга киришди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, 1991 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги махсус Қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлатдир» дейилган.<sup>34</sup>

Ушбу қоида биз юқорида сўз юритган 1990 йил 14 декабрдаги Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисида»ги Декларацияда ҳам ўз ифодасини топди.

Кейинчалик давлатимиз сиёсий – ҳуқуқий тизимида юз берган оламшумул воқеалардан бири бўлмиш Конституцияларимизда ҳам «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради ва Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади»<sup>35</sup> деб белгиланган.

Энг муҳим қоидалардан бири, Қорақалпоғистон Республикаси ўз халқининг хоҳиш-иродаси билан Ўзбекистон Республикаси таркибига

<sup>34</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31-август Конституциявий қонуни» Т., «Адолат», 2000 йил 11-бет.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 йил 13-бет.

кирганлигини конституциявий қонунлаштирилганидир. У ўзининг 1993 йилги Конституциясининг 3-моддасида «Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос сиёсатни олиб боради»<sup>36</sup> деган қонидани мустаҳкамлади.

Мустабид жамиятдан янги тузумга кирган суверен Қорақалпоғистонда тўпланиб қолган сиёсий муаммолар ўз вақтида ҳал этилмаса, мўлжалланган маррага етиш амримаҳолдир.

Сиёсий муаммоларни ҳал этиш учун унинг асосий йўллари, механизмлари, ҳуқуқий асосларини яратиш ва амалга ошириш талаб қилинади.

Суверенитетга эришган Қорақалпоғистон Республикаси олдида турган сиёсий муаммолар, асосий вазифалар, қисқача айтганда, қўйидагича ифодаланади:

эски тузумдан бизга мерос бўлиб қолган бошқарув тизимини тугатиб, унинг ўрнида янгисини тезроқ жорий этиш;

хўжаликлар, ташкилотлар, фуқароларга эркинлик бериш, уларни тепадан туриб бошқаришга барҳам беришга эришиш;

халқни ижтимоий муҳофаза қилиш, адолат, ҳақиқат мезонини ўрнатишга халқнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлашга қулайликлар туғдириш;

ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитларни яратиш;

барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, қонун эканлигини сўзсиз таъминлаш, қонунларни менсимасликка, уларни бузишга асло йўл қўймаслик, қонунларимизни ҳурмат қилишга, унга бўйсунуш, риоя қилишга эришиш;

қатъий тартиб ва интизом, қонунга ҳурмат, анъаналарга ҳурмат – ҳуқуқий давлат фуқаролари учун одатий ҳол эканлигини халқ онгига сингдириш;

ҳуқуқий давлатда, аввало, давлатнинг ўзи, қолаверса, унинг барча органлари, мансабдорлар, барча фуқаролар қонунга бўйсунуши лозимлигига эришиш;

ҳуқуқий давлатнинг кучи қонун билан тартибнинг мувофиқлигида эканлигини унутмаслик;

---

<sup>36</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., "Қорақалпоғистон", 1998 йил 12 бет.

Қорақалпоғистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади - қонунчилик, ижрочилик, суд ҳокимияти. Бу давлат ҳокимиятини суистеъмол қилмасликни таъминлайди. Ана шу тартибларга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди. Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин;

ягона мафкураинг, ягона дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;

чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш;

Республика ҳудудида яшаётган, шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати синган ҳар бир инсонга тарихий қадриятлари, анъаналари, урф-одатларини, ўз динлари, тиллари ва маданиятларини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши каби масалалардир.

Суверенитет сиёсий муаммоларининг энг муҳим хусусияти ва талабларидан яна бири - жамият ва давлат ҳаётининг барча масалалари, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини бошқаришда, умуман давлатни идора қилишда кенг халқ оммаси иштирокини таъминлаш масаласидир.

Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш борасида муҳим натижаларга эришилди.

Ислохотларнинг навбатдаги поғонасида сиёсий тизимни демократиялаштириш энг долзарб вазифага айланиши табиий. Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида таъкидлаганидек: «сиёсий тизимни ислохотлаштирмай туриб иқтисодиётни олға қараб ривожлантириш мумкин эмас».

Бу эса ўз навбатида, маълум муаммоларни ечишнинг объектив заруратини вужудга келтиради.

Суверен Қорақалпоғистонда сиёсий тизимни ислохлаштириш масаласи тўғрисида сўз юритишдан аввал, биз суверен давлатнинг сиёсий тизимидаги муҳим бир ҳолатга эътибор бермоғимиз лозим. Бу «суверен Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос сиёсатни олиб боради» деб Қорақалпоғистон Конституциясининг 3-моддасида белгиланган қоидасидир.

Президент И.А.Каримов томонидан мустақил давлат сиёсий тизимини тубдан ўзгартишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди

ва амалга оширилмоқда. Юқорида кўрсатилган моддага мувофиқ Қорақалпоғистоннинг ҳам сиёсий тизими айнан шу асосий тамойиллар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон халқи ва Қорақалпоғистон халқи 1991 йил 17 мартда, 1991 йил 29 декабрда, 1995 йил 26 мартда, 2002 йил 27 январда, 2004 йил 26 декабр ва 2005 йил 9 январда ўтказилган референдумларда республика сиёсий тизимини амалга ошириш усули, мақсади ва тузилишини қонуний деб эътироф этди. Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган Президент сайлови, Олий Мажлис сайлови, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сайлови, Президент ваколатининг узайтирилиши ва бошқалар Ўзбекистон жамияти мавжуд сиёсий тузумга бирдан-бир қонуний тузум деб қарашда яқдил эканлигидан далолат берди. Ўзбекистон сиёсий тизими чинакам самарали ва барқарор тизим деб ҳисобланиши ва шундай бўлиши учун барча асосларга эгадир.

Ўз суверенитетига эришган Қорақалпоғистонда миллий давлат тикланиб, сиёсий-маъмурий тизим умуммиллат манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Натижада тоталитар тизимга зарба берилиб, давлат бошқаруви миллийлаштирилди. Умумиттифоқ вазирликлари ва бошқармалари тугатилди. Биринчи навбатда ўз халқига ва ватанига содиқ парламентни шакллантиришга катта аҳамият берилди.

Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлари ўзаро тенглик ва демократия талабларига хос ва мос равишда олиб борилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Истиқлолга эришган дастлабки кунлардан оқ Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибида туриб ўз суверенитетининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга киришган эди. Жумладан, 1992 йил 9 январда Нукусда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Совет Республикаси Олий Кенгашининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда – “Қорақалпоғистон Республикасининг расмий атамаси (номи) тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Унга биноан Республиканинг расмий атамаси (номи) сифатида “Қорақалпоғистон Республикаси” атамаси тасдиқланди. Бундан буён республиканинг Конституциясида, қонунларида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда (актларда) давлат ва ижтимоий ҳаётда унинг расмий атамаси – Қорақалпоғистон Республикаси атамаси фойдаланиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Конституциянинг XVII боби Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий мақомига бағишланади. Унинг 70-моддасида «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради», - деб кўрсатилган.

Асосий қонуннинг ушбу 70-моддаси 1992 йил 9 январда Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топганлигини ва 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Асосий Қонуни билан унинг Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен республика эканлигини тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллигининг Ўзбекистон томонидан кафолатланиши ва муҳофаза қилиниши кўйидаги тизимда кўринадди, булар: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқлари ва ваколатларининг мустаҳкамлаб қуйилганлиги; Ўзбекистоннинг олий давлат органлари бўлмиш Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий Суд ва Олий Хўжалик Судларида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллиги мавжудлиги; Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги, Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳуқуқи; қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилиши; Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи ва бошқалардир.<sup>37</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади (21-модда). Бундай қоида Ўзбекистон Республикасида “Фуқаролик тўғрисида”ги қонунда ҳам мустаҳкамланган (2-модда).

Бу конституциявий нормалар қорақалпоқ халқига Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқлар фойдаланадиган ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини беради ва бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланишига кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилади.

---

<sup>37</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ, Т., “Ўзбекистон”, 2001 йил, 361-362-бетлар.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси қўйидаги ўз конституциявий-ҳуқуқий тизимига эга:

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси;

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий қонунлари;

Қорақалпоғистон Республикасининг мутлоқ ваколатидаги масалаларни ҳал этиш учун қонунлар асосида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (актлари).

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий-ҳуқуқий тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий-ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг умумийлиги ва ажралмаслиги Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий-ҳуқуқий тизимига маълум талабларни қўяди. Улар қўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийлигини таъминлаш механизмини таҳлил қилганда қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

Қорақалпоғистон қонунчилиги учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумреспублика қонунларининг мавжудлиги;

Иккала республика парламентлари ҳар томонлама уйғунлашган қонунчилик фаолиятини юритишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистондаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келишини таъминлайдиган Конституциявий суд ва прокуратура органларининг самарали фаолият юритиши;

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-биридан фарқ қилишини минималлаштиришга имкон берадиган механизмни шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида яна бир муҳим қоида ўрин эгаллаган, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Бунга аниқ мисол тариқасида Нукус тумани «Ақманғит» шаҳарчасининг чегараларини аниқлаш тўғрисидаги масаласига эътибор бериб қарасак бўлади, “Қорақалпоғистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга атамалар (ном) бериш ва уларнинг атамаларини қайта ўзгартириш масалаларини ечиш тартиби тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 5 ва 11-моддаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Президиуми (Раёсати) қарор қилади:

1. Нукус тумани Ақманғит шаҳарчасининг майдонини кенгайтириш тўғрисидаги Нукус тумани ҳокимининг 2001 йил 14 апрелдаги 81-сонли таклифи ва 2000 йил 20 мартдаги 118/3-сонли қарори маъқуллансин.

Нукус тумани:

саноат, транспорт ва бошқа ерлардан ўтадиган 67 гектар;

«Каттағор» ширкат хўжалиги чегараси ҳудудидан 96 гектар;

«Дарсан» ширкат хўжалиги ҳудудидан 134,3 гектар;

«Ақманғит» жамоа хўжалиги чегарасидан 52,4 гектар ер майдонлари Ақманғит шаҳарчаси ҳудудига ўтказилсин.

3. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессиясига тақдим этилсин.<sup>38</sup>

Нукус шаҳри

8 май 2001 йил

№192

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан туташ ҳудудлари чегараларини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан ўша жой халқининг манфаатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети реаллигининг асосий кафолатларидан яна бири шуки, бу қорақалпоқ халқи умумий референдум асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгалигидир (74-модда). Мазкур ҳуқуқнинг тан олинishi Қорақалпоғистон Республикаси ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни унинг ўз давлат – сиёсий мақомини эркин белгилаш, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш йўлини ўзи танлаши ва таъминлашининг Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинishiга гувоҳлик беради.

---

<sup>38</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Президиуми мажлисининг №10 протоколи. 8 май 2001 йил. Н., «Қорақалпоғистон» 2001 йил 9 бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий мақомини тан олади ва ҳар томонлама муҳофаза қилади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда Қорақалпоғистоннинг биринчи Конституциясининг қабул қилиниши унинг мустақил ва эркин тараққиётининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Энди Қорақалпоғистон Республикаси мазкур Конституциясининг қабул қилиниши жараёнига алоҳида эътибор берган ҳолда унга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларининг пойдевори унинг Асосий Қонуни – Конституциясидир.

Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияси қабул қилингандан сўнг суверен давлатга бутунлай ўзгача, жаҳон халқаро ҳуқуқ нормаларига жавоб бера оладиган унинг Асосий Қонунини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 8 декабрда мустақил давлатнинг янги Конституциясини қабул қилган эди.<sup>39</sup> Ўзбекистондаги ана шундай катта ижтимоий, сиёсий ва буюк тарихий воқеадан сўнг Қорақалпоғистонда ҳам дарҳол Конституция лойиҳаси устида ишлашга киришилди.

1993 йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлисида Асосий Қонуннинг лойиҳаси кўриб чиқилди ва унинг қарори билан лойиҳа Олий Кенгашнинг Президиуми муҳокамасига ҳавола этилди. Олий Кенгашнинг Президиуми Асосий Қонун лойиҳасини кенг равишда шарҳлаб ва Конституциявий комиссиянинг берган хулосаси асосида «Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.<sup>40</sup> Бу Янги Конституция лойиҳаси 1993 йил 7 мартда республика газеталарида чоп этилди. Ундан олдин, 1993 йил 1 мартда Олий Кенгаш Президиумининг мажлисида «Қорақалпоғистон Республи-

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон». 1992. 45 бет.

<sup>40</sup> Қаранг: КРОК Президиуми мажлисларининг 53, 54, 55 баённомалари. Н., 1993. 8 бет.

каси XII чақириқ 12-сессиясини чақириш тўғрисида» фармон қабул қилган эди.<sup>41</sup> Унинг кун тартибида кўриладиган масалалардан бири «Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўғрисидаги» масала эди. Конституция лойиҳаси муҳокамасига Қорақалпоғистоннинг кўпчилик фуқаролари ҳамда бошқа турли жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотлари фаол қатнашдилар. 1993 йили 7 апрелда Конституция лойиҳаси ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида газеталарда яна эълон этилиб, умумхалқ муҳокамасига қуйилди.<sup>42</sup>

1993 йил 9 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ 12 сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Қорақалпоғистон Республикасининг янги Конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сессияда Олий Кенгашнинг раиси депутатлар олдида янги Конституция лойиҳаси тўғрисида қилган маърузасида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди:

Биринчидан, Конституция лойиҳасининг 1-моддасида “Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикасининг таркибига қирадиган суверен – демократик республика” деб ёзилган. Бунинг устига Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикасининг суверенлигини ва ҳудудий бирлигини қонун асосида тан олади, у ҳозир мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида ўз мавқеини топди ва мустаҳкамланди.

Иккинчидан, Қорақалпоғистон ўз Конституциясига ва қонунларига эга;

Учинчидан, Қорақалпоғистон, унинг розилигисиз ўзгартириб бўлмайдиган ўз ҳудудига эга;

Тўртинчидан, Қорақалпоғистон ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини, ҳокимият ва бошқарув органларининг тизимини ўзи ечади ва белгилайди;

Бешинчидан, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатлари икки республика ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар асосида кўрилади;

Олтинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг таркибидан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга;

Еттинчидан, Қорақалпоғистон ўзининг давлат рамзлари: байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

---

<sup>41</sup> Қаранг: Вести Каракалпакстана, 4 марта 1993 г.

<sup>42</sup> Қаранг: Вести Каракалпакстана, 7 апрель. 1993 г.

Мажлис депутатлари лойиҳанинг ҳар бир моддасини бирма-бир чуқур муҳокама қилиб, уни қабул қилдилар.

Республика Олий Кенгаши: «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун 9–апрел умумхалқ байрами – Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилинсин»<sup>43</sup>, - деб қонун қабул қилди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг янги Конституцияси республикада яшовчи барча халқларнинг демократик ҳуқуқий давлатни қуришдек эзгу ниятидан ва озодликка эришиш йўлидаги орзу-армонидан яралган ҳужжатдир.

Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ўз халқининг миллий манфаатларидан ва тараққиёт сари интилишларидан келиб чиқиб, жаҳон мамлакатлари конституциявий тажрибаларига ва авваламбор қорақалпоқ халқининг кўп йиллик давлатчилиги ривож тарихига, ўтмишига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг конституциявий комиссияси жаҳоннинг бир қатор давлатларининг конституциявий ривожланиши тажрибаларини ўрганиб, Асосий Қонуннинг аҳамиятини янада юқори кўтарилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам, Асосий Қонунда Конституциявий ҳуқуқнинг амалий омиллари ҳар тарафлама инобатга олинди ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчидан, Конституциявий тартиблаштириш тамойиллари, ҳокимият тақсимланиши – қонунчилик, ижрочи ва одил судлов, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларини тан олиш, конституциявий тарқоқлик;

Иккинчидан, Конституциянинг муқаддимаси, унинг бўлимлари ва моддаларининг мантиқий мос равишда (мувофиқ) Асосий Қонунда жойлашиши;

Учинчидан, Конституция мазмунининг ўта ихчамлиги ва унда давлат ва ижтимоий ҳаётнинг қонун йўли билан ривожланишига кенг йўл очиб берилганлиги;

Тўртинчидан, Асосий Қонунда илк бор мафкуравий яккаҳокимликдан воз кечилганлиги ва ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эгаллиги;

Бешинчидан, конституциявий кафолатни таъминланганлиги ва қонунларнинг устунлигини тан олинганлиги;

---

<sup>43</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., "Қорақалпоғистон", 1998 йил 4 бет.

Олтинчидан, парламентар республика, бу халқни бошқаришнинг асосий шакли эканлиги. Конституцияда Қорақалпоғистон Олий Кенгаши ва унинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилганлиги.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтсак, Қорақалпоғистон Конституцияси аввалги Иттифоқ давридаги қабул қилинган ва ҳаракатда бўлган барча Асосий Қонунлардан қатъий фарқ қилади, ўзига хос муҳим хусусиятлари билан ажралиб туради.

Суверен Қорақалпоғистон Республикасининг янги Конституцияси 6 бўлим, 25 боб ва 116 моддани ўз ичига қамраб олган.<sup>44</sup> Лекин, кейинчалик Конституцияга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 119 моддадан иборат бўладиган бўлди. Ўн иккинчи чақирик Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 25 февралдаги ўн бешинчи сессиясида, биринчи чақирик Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 1995 йил 31 октябрдаги тўртинчи сессиясида ва 1997 йил 15 декабрдаги ўн учинчи сессиясида киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган бешинчи бўлимига учта модда (XIX бобда 84-85 моддалар; XX бобда 88 модда) қўшимча қилиб киритилди. Асосий Қонун муқаддимасининг моҳияти инсон ҳуқуқларини ва давлат суверенитетини ҳимоялаш, республика фуқароларига лойиқ ҳаётни, тинчлик ва миллий келишувни таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Конституция халқнинг эрку-иродаси билан яратилган. Чунки, Асосий Қонуннинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва уни халқ ўзининг сайлаган вакиллари – депутатлари қатнашишида қабул қилди.<sup>45</sup>

Конституциянинг биринчи бўлими асосий тамойиллар: давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, конституциянинг ва қонуннинг устунлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг халқаро ва ташқи иқтисодий алоқаларига оид қоидалардан иборат, иккинчи бўлим инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўлиб, у ўз ичига қўйидаги умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари, бобларини қамраб олган. Учтинчиси жамият

<sup>44</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Билим» 1993 йил, 107 бет.

<sup>45</sup> Қаранг: Ниетуллаев С.Д. «Қарақалпоқстан Республикасынын конституциялық ҳуқуқы». Н., «Билим» 1996., 44-45 бет.

ва шахс бўлими, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари; тўртинчиси маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳақида, бешинчиси давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлими бўлиб, у Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Жўқорғи Кенгес Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Президиуми, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, суд ҳокимияти, сайлов тизими, конституциявий назорат, прокуратура бобларидир. Молия ва бюджетга боғлиқ конституциявий нормалар. Конституциянинг сўнгги олтинчи бўлими конституцияга ўзгартириш киритиш тартибига бағишланган.

Давлат суверенитетининг мазмуни Конституцияда ўз аксини, ўз ифодасини топди ва у аниқ очиб берилди. Бинобарин, биринчи бобда «Қорақалпоғистон – Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирадиган суверен демократик Республика» эканлиги қатъий тасдиқлаб берилган.

Суверенитетни ҳурмат қилиш халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий тамойили бўлиб ҳисобланади. Кўриниб турибдики, суверенитетнинг асл маъносига Қорақалпоғистон ҳали эришган эмас. Унинг маълум сабаби бор. Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кирадиган бўлганлигидан ўзининг хоҳиши билан республика суверенитетининг юқорида кўрсатилган айрим бўлаклари, қисмларини Ўзбекистоннинг эркига беради.

Бу жаҳондаги кўпчилик шундай давлатлар тузилишига тўғри келадиган ҳолат бўлиб ҳисобланади. Бу тамойилни Ўзбекистон Конституциясининг 70-моддаси тасдиқлайди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилиниши тан олинади.

Асосий Қонунда республика тарихида аввал кўрилмаган конституциявий қоидалар ўрин олди. Шунинг учун ҳам, бундан буён Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистоннинг Конституцияси доирасида икки республика ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар орқали тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибидан умумхалқ референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. Бу сиёсий масала Қорақалпоғистон давлатчилигининг ривожланиш тарихида 1990 йиллари амалга кирди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йили 14 декабрда қабул қилган давлат суверенитети тўғрисидаги Декларациясида ва Ўзбекистон давлат мустақиллигининг Асослари

тўғрисидаги қонундан ҳам ўрин олган. Энди буларнинг барчаси конституциявий йўл билан ўз ечимига эга бўлди.

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш мумкинки, мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида сиёсий омилларнинг роли ва назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

#### 1.4. Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиётида иқтисодий омиллар

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилгандан бери миллий давлат тузумимиз мустаҳкамланиб, сиёсий аъмолларимиз умумжаҳон сиёсий қадриятларга тобора яқинлашар экан, собиқ иттифоқдан қолган оғир меросларни бартараф этаётган иқтисодиётимизга бозор иқтисодиётининг анъаналарини йил сайин сингдириб бораркан, биз дунёни, дунё бизни танир ва эътироф этар экан, янгича бунёдкорлик ва яратувчилик шукуҳи билан кечган йиллардан кўплаб тарихий ҳақиқатлар силсиласида яна биттаси ўзини оқлади, аниқроғи тасдиғини топди. У ҳам бўлса, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияларига кўра унитар давлат тизимидаги қардошлик муносабатлари, тарихий тақдирларнинг муштараклигидир. Бундай муштаракликни дунё кўрди, тан олди, эътироф этди, ҳавас қилди.<sup>46</sup>

Қайта куриш тажрибаси барбод бўлганлиги оқибатида Иттифоқнинг барча собиқ республикалари узоқ иқтисодий инқирозга учради, уларнинг кўпчилиги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қийинчиликларга барҳам бера олмай сиёсий, миллий келишмовчиликлар, тўсқинликлар, қон тўкишмаларга учраб турган ҳолатларда Қорақалпоғистон халқининг асрлар давомида дўст, тотув ва қардош ўзбек халқи билан бир тақдирда бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг таркибида суверен республика бўлиб қолиши, бу қорақалпоқ халқи учун буюк бахт, бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мухтарам Президентимиз И.А.Каримов Нукуснинг 60 йиллик байрамида қилган маърузасида: «Ўзбекистоннинг ва Қорақалпоғистоннинг тақдирлари бирга қўшилган. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг келажаги бири-биридан ажратилмас равишда бириккан»<sup>47</sup> деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон мустақиллиги эълон қилингандан оқ бозор иқтисодиётига ўтиш бошланди. Бу - давр талаби эди. Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг ва Қорақалпоғистоннинг ўзига хос бозор муносабатларига ўтиш йўли ишлаб чиқилди. Бозор муносабатларига ўтиш йўлига доир Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил нафақат республикамизда,

<sup>46</sup> Қаранг: «Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида». Т. «Шарқ» 1996. 6 бет.

<sup>47</sup> «Еркин Қарақалпақстан» 24 декабрь. 1992.

шунингдек, жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам маъқулланди. Энг муҳими халқимизнинг ўзи беш тамойилни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тизимини ва кучли сиёсий тузилмани (структурани) барпо этиш мумкин.

Бу борада Президентимиз: «Энг муҳими – ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамики куч қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишни таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликни мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак»<sup>48</sup> - деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда туб иқтисодий ислохотлар орқали бозор муносабатларини шакллантиришга киришилار экан, аввало, унинг стратегик мақсадлари белгилаб олинди.

Президент Ислом Каримов асарларида ва унинг республика парламентида сўзлаган нутқларида иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳам назарий жиҳатдан пухта асослантириб берилди.

Аввало шуни айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг давлат стратегик дастурларини маълум бир даражада ўзича қабул қилиши мумкин, лекин у ҳам Ўзбекистоннинг розилигисиз амалга оширилмайди. Чунки суверен Қорақалпоғистон Республикаси ўз халқининг хоҳиш-иродаси билан Ўзбекистон Республикаси таркибига киради, шунингдек, Қорақалпоғистоннинг 1993 йилги Конституциясининг 3-моддасида кўрсатилганидек, «Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг сиёсатига мос сиёсатни олиб боради».<sup>49</sup> Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг давлат стратегиясини Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши орқали қонуний равишда амалга оширади.

<sup>48</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т. «Ўзбекистон» 74 бет.

<sup>49</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон» 1998. 12 - бет.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Ер, мулк, деҳқон-фермер хўжалиги, корхоналар, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари ва бошқа иқтисодий соҳага тегишли бўлган, бозор муносабатларига боғлиқ қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Суверен Қорақалпоғистоннинг илк конституциясида ҳам жамиятнинг иқтисодий негизларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Қорақалпоғистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши тўғрисида сўз юритилади.<sup>50</sup>

Давлатимиз Асосий Қонунида шунингдек, хусусий мулк унинг бошқа шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиши, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги тўғрисида 51-моддада аниқ белгилаб қўйилган.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, деган конституциявий қоида Конституциямизнинг 52-моддасида ўз ифодасини топган.<sup>51</sup>

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар хил мулк шаклларининг мавжуд бўлиши ва ривожланишига кенг йўл очади, давлат мулки ўз эгаларини топишига шароит ҳозирлайди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларда етакчи ўринда туради. Давлат корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айланттирилди. Мамлакатимизда ўтказилаётган хусусийлаштиришда бутун халқ қатнашади. Бу тадбир орқали давлат мулки фуқароларга берилади, ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади. Кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат корхоналари фуқароларга, муассаса ва корхоналарга сотилади. Шу тариқа хусусий мулк ривожлана бошлайди. Хусусийлаштириш – бу фақат мулкка эга бўлишгина эмас, шу мулкни ишлатиб иқтисодиётни ўстириш ва мустаҳкамлаш ҳам демакдир. Хусусийлаштириш натижасида мулкчи-

<sup>50</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон» 1998. 24-25 бет.

<sup>51</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон» 1998 й. 25 бет.

лик халқчиллашади. Бундан пировард-оқибатда халқ оммасининг фаровонлиги яхшиланмоқда. Халқ фаровон бўлса давлат бақувват бўлади.<sup>52</sup>

Ушбу муаммолардан хулоса чиқариб республикамизнинг Олий Кенгаши 1990 йили 15 декабрда ўзининг XII чақириқ 4-сессиясида «Қорақалпоғистоннинг мулк тўғрисида»ги қонунини қабул қилди. Ушбу қонун Қорақалпоғистон тарихида илк бор дунёга келган эди. У республикамизда мулк муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб берди.

Хусусийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралда Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис қилинди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан Республика ҳудудида 2002 йилнинг сентябрига қадар 12653 хўжалик субъектлари тизимга олинган, шундан, 11345 хўжалик субъектлари фаолият кўрсатиб турибди. Жами 11527 хўжалик субъектлари кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил қилади. Шу жумладан 950 кичик тадбиркорлик субъектлари, 381 ўрта тадбиркорлик субъектлари ва 8906 микрофирмалар фаолият кўрсатиб турибди, буларда жами 41582 киши меҳнат қилмоқда.<sup>53</sup>

Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойиллари энг аввало ўзининг мараллий хусусиятларини ва талабларини ҳисобга олганлиги, айти пайтда ҳозирги замон илғор тажрибаларига мос келиши билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўътабар юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистон ҳукумати Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. 1996 йили Ўзбекистон Давлат бюджетидан Қорақалпоғистонни ривожлантириш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55

<sup>52</sup> Қаранг: Ж.Туленов, З.Гофуров. «Мустақиллик ва миллий тикланиш». Т. «Ўзбекистон». 1996 й, 123-124 бетлар.

<sup>53</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республкаси Адлия Вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўлимининг 2002 йил 9 ойига қадар ҳисоботи.

фоизини ташкил қилади. Ҳозирги кунга келиб, 2001 йили давлатимиз бюджетидан Қорақалпоғистонга 20 миллиард сўм ажратилди.

Қорақалпоқистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиардан ошиқ сўмни ёки бутун Қорақалпоғистон бюджети ҳаракатларининг 75 фоизини ташкил этмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг амалий ёрдам ҳамда қорақалпоқ халқининг фидоий меҳнати туфайли кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжиҳатлик билан юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторининг ҳиссаси ошиб борди. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этмоқда.<sup>54</sup>

Қорақалпоғистонда давлат банклари билан бирга тижорат ва хусусий банклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Агросаноат банки ва саноат қурилиш банклари ихтисослаштирилган ҳиссадорлик тижорат банкларига айлантирилди. Улар мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларига молиявий ёрдам кўрсатишмоқда.

Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

«Навоий-Учқудуқ-Султон – Увайстоғ-Нукус» темир йўлида тупроқ кўтармалари барпо этиш, сунъий иншоотлар қуриш ишлари 1994 йили бошланган. Сўнг йўл қуришда Навоий билан Учқудуқ оралиғидаги 120 километрлик масофада, кейинчалик Нукус билан Мискин оралиғидаги 209 километрлик масофада қурилиш суръати жадал олиб борилди.

Хуллас, 2000 йилнинг декабрига келиб, умумий узунлиги 342 километр бўлган янги йўлнинг қурилиши ниҳоясига етди. Кўркам вокзал бинолари ва 10 та бекат ҳам қуриб битказилди.

---

<sup>54</sup> Қаранг: И.А.Каримов «Янгича тафаккур-замон талаби»номли маъруза, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Адам ҳам Назым» «Инсон ва қонун»газетаси 1997 й. 25 июль. Н., 23 (30)-сони.

2001 йилнинг 23-март куни янги йўналиш бўйича дастлабки юк поезда ҳаракат қилди. 2002 йилнинг 1 июлигача бу йўлдан 4700 минг тоннадан зиёд юк ташилди ва қўшимча равишда 6,1 миллиард сўм даромад олинди.

Ниҳоят, 2002 йилнинг 22 август куни эса биринчи (илк) йўловчи поезда ҳам қатнай бошлади.

«Мамлакатимиз минтақаларини ўзаро боғлайдиган бу темир йўл тармоғи 2001 йил 18 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежалишига имконият туғдирди, дея таъкидлайди Президент Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида. -Қувончлисиз шуки, темир йўл фойдаланишга топширилгач, қарийиб минг нафар қорақалпоқ йигит – қизлари иш билан таъмин этилди.

Энг муҳими, бу темир йўл қорақалпоқ заминдаги табиий бойликларни ўзлаштиришга, улардан халқимиз, аввало, шу ерда яшайдиган одамларнинг манфаати йўлида фойдаланишга хизмат қилади»<sup>55</sup>.

Қорақалпоғистоннинг суверенли янги даврида аграр секторига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, иқтисодиётнинг аграр сектори ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Қорақалпоғистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал этувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манабаларидандир.

«Қорақалпоғистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Шундай экан, аҳолининг тақдири, турмуш даражаси, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг қай йўсинда амалга оширилишига боғлиқ.

Орол бўйи минтақасининг, айниқса Қорақалпоғистоннинг табиий шароити мураккаб. Бу ерда сув тақчил, ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Тупроқ ўта шўрланган. Бу ерда деҳқончилик икки-уч баробар кўп меҳнат талаб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, Қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлаш керак»<sup>56</sup>, деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

<sup>55</sup> Гаффор Ҳотамов. Ўзбекистоннинг олтин белбоғи, «Халқ сўзи» 2002 йил 24-август 177 (3005) сони 2 бет.

<sup>56</sup> И.А. Каримов «Янги тафаккур – замон талаби» номли маъруза Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Адам ҳам Ёзам», «Инсон ва қонун» газетасидаги Президент 1997 йил 25 июн №23 (30) сони.

Қорақалпоғистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида мулкнинг ҳар хил шакллариغا кенг йўл очиш, фуқаролик ҳуқуқ муносабатлари, иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш мақсадида «Мулк тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги ва шу каби Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонунларини кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ, мамлакат Президенти И.А.Каримов қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга катта эътибор билан ёндашиб, аграр сиёсатда қишлоқ хўжалигининг тараққиёт топиши, пахта якка ҳокимлигидан воз кечиш, истеъмол маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш каби ўлкан аҳамиятли масалаларга эътиборни қаратган эди. Шунга кўра, мамлакатда қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳам Президент Ислон Каримов ишлаб чиққан 5 тамойилга асосланган ҳолда, масалаларга бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, стратегик манфаатларини ҳисобга олиб иш юритила бошланди. Натижада истеъмол маҳсулотларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ошди, бу хил ишларнинг барқарор ривожланишда пахта ва дон маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайганлиги катта рол ўйнади.

Бундай вазият қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг аграр мамлакатдаги ўрни, йўналишлари ва ислоҳот мазмун-моҳиятини белгилади.

Иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий соҳадаги воқеа-ҳодисалар Қорақалпоғистон Республикаси агросаноат мажмуаси корхоналарини ҳам четлаб ўтмаётир. Қишлоқ товар ва маҳсулот етиштирувчилари маҳсулот етиштириш ва моддий-техника ресурсларига эга бўлишда тўла эркин фаолият кўрсата бошладилар, ўз даромадларидан ўзлари хоҳлаганларича фойдаланмоқдалар. Рақобат қилиш учун барча имкониятлар яратилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасининг 80 фоизи хусусийлаштирилган. Ердан фойдаланиш тизимидаги анчагина ўзгаришларга ҳам ўтказилаётган сиёсатнинг самарали натижаси деб қараш керак.

**Биринчидан.** Худудий иқтисодиёт структурасини Қорақалпоғистон аҳолиси нуфузининг ўсиши суръатларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарур.

**Иккинчидан.** Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини амалга ошириш. Қишлоқ жойларда фермер ва деҳқон хўжалиklarини тараққий топтириш, кичик ва ўрта бизнесни йўлга қўйиш.

**Учинчидан.** Энг муҳим, долзарб масала-бу оддий ишчи, меҳнаткаш халқнинг меҳнатга, ўз ишига муносабатини ўзгартириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш...»<sup>57</sup>.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилишида қишлоқ жойларда кенг қулоч ёяётган фермерлик ҳаракатлари муҳим ўрин тутади.

Иқтисодиётда бозор муносабатлари қарор топар экан, бу жараёнда бутун Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида, агро-саноат комплексида фермер ва деҳқон хўжалиklари марказий ўрин тутади. Бу дегани – фермерлар ва деҳқон хўжалиklари иши раванқ топар экан, тупроқ унумдорлиги ҳам ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳам, ижтимоий муаммолар ечими ҳам – барибир ўз ўрнида ҳал бўлиб, иқтисодий ҳаётимиздаги бош мақсад – ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлайди, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фермер хўжалиklarини ташкил қилиш ва йўлга қўйиш ишлари мураккаб ижтимоий ва иқтисодий шароитларда амалга оширилмоқда.

2001 йилда фермер ва деҳқон хўжалиklarига 625.9 млн. сўм ажратилган, шу жумладан 9 млн.сўм (1.4%) нақд берилган. Ҳолбуки, 1999 йил охирларида ушбу кўрсаткичлар 447.4 ва 7.0 млн сўмни (2.9%ни) ташкил этган.

Ҳисобот даврида кичик ва ўрта бизнес фаолияти учун бюджетдан ташқари жамғармалардан 215.4 млн. сўм (2000 йилда 207.2 млн.сўм), «Бизнесфонд» жамғармасидан 102.1 млн сўм, (54.5 млн.сўм), иш билан таъминлаш жамғармасидан 103.2 млн сўм, (152.7 млн.сўм), деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 10.1 млн.сўм (0) ажратилган<sup>58</sup>.

Қорақалпоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш келажакда энг илғор замонавий шакл-тамоийилларга, услубларга асосланади, агросаноат интеграцияси, илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини жорий қилиш, ишни ташкил этишнинг энг илғор шаклларидан фойдаланиш, хўжалик ва бозор механизмини бошқаришда

<sup>57</sup> Юсупбоев Кенгесбой Кенгесбоевич. «Қорақалпоғистоннинг аграр секторида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш хусусиятлари». Тошкент, «Ўзбекистон». 2001 й. 90-91 бет.

<sup>58</sup> Қаранг: Юсупбоев Кенгесбой Кенгесбоевич. «Қорақалпоғистоннинг аграр секторида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш хусусиятлари». Тошкент, «Ўзбекистон». 2001 й. 142-143 бет.

тобора мукамалликка эриша бориш йўллари билан амалга ошади, деб умид қилса бўлади.

Қайд этиб ўтиладиган яна бир тавсия шундан иборатки, ислохотларни ўтказишга, белгиланган дастурни амалга оширишга, янги технологияларни жорий қилишга тайёр бўлган, билимдон ва малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарур.

Демак, ҳар бир корхонада ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш муваффақиятли технологик интизомга, маблағларни самарали сарфлашга, ишлаб чиқаришни бозор талабларига мослашга, замонавий меҳнат усуллари жорий этишга ва хўжаликнинг ички захиралардан манфаатли фойдаланишга боғлиқ.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида иқтисодий омилларнинг эгаллаган ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан очиқ бериш аҳамиятга эга масалалардан ҳисобланади.

## **II БОБ. Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигида ҳокимиятни бўлиниш тамойилларини амалга оширишнинг назарий ва амалий масалалари**

### **2.1. Қорақалпоғистонда давлат тизимининг шаклланиши муаммолари**

Республикада хуқуқий демократик жамият асослари фаол барпо этилмоқда. Аввалги тоталитар тузум қусурларига кескин барҳам берилмоқда. Кўппартиявийлик амалда рўёбга чиқди, танҳо мафкура ҳукмронлигига чек қўйилди. Республикада умуминсоний қадриятлар, чинакам демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг жаҳон эътироф этган қоидалари устуворлиги қарор топмоқда.

Қорақалпоғистонда сўзда эмас-амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимиятларига бўлиниш тамойили амал қилмоқда. Қорақалпоғистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаига айланди ва бу ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам ўз ваколатли вакиллари- депутатлар корпуси орқали амалга оширмоқда. Буларнинг ҳаммаси қонун чиқарувчилик ишини фаол йўлга қўйишни тақозо этди. Шу боисдан республика парламенти – Жўқорғи Кенгеснинг бутун салоҳияти бугунги кунда ёш суверен давлатимизни ҳар томонлама ҳуқуқий таъминлашга йўналтирилган. Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистоннинг суверенлигини, мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан бориб, уни қадам-бақадам шакллантира бошлади.

Республикада ижро этувчи ҳокимиятни бошқариш унинг олий ижро органи Вазирлар Кенгашига юклатилган. Жойларда бошқарув тизимини қайта ташкил этиш вазифаси қўйилиб, муваффақиятли удаланди – туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик тузилмалари жорий этилди. Қонунлар устуворлигини, улар олдида мамлакат барча фуқаролари тенглигини таъминловчи суд ҳокимиятини қайта ташкил этиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Фуқаролик жамиятининг ушбу таркибий қисмлари қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг, қатъий-интизом ва маъсулиятлиликнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида миллий давлатчиликни барпо этишда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш зарурлигини бежиз таъкидламаган.<sup>59</sup>

<sup>59</sup> Қаранг: «Хуқуқий демократик ислохотлар» Т. Ўзбекистон. 1997 й

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тизимида кўра давлат юқори органлари ҳокимият бўлиниш принципига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Кенгашининг X-сессиясида таъкидлаганидек “Ўзбекистон миллий давлат тузилиши уч ягона ҳокимият, яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятидан иборат”.<sup>60</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ҳам худди шундай тузилишга, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида кўрсатилганидек: давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиниши принципига асосланади.

Ҳокимият бўлиниши принципи – бу ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиси.

Замонавий ҳуқуқий назария ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, давлат ҳокимият органлари ўзининг ваколат доирасида жуда кенг ваколатга эга. Шунинг учун ягона, суверенитетга эга давлатга қонун чиқарувчи, кучли ижро этувчи ва мустақил суд ҳокимиятининг мустақил тизими бўлиши мумкин.<sup>61</sup>

Мустақил суд ҳокимияти – ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Оёққа тураётган ҳуқуқий демократик давлатда келажакда адолатлилик ва қонун устуворлиги учун қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва сиёсий партиялардан мустақил суд ҳокимияти муҳим аҳамиятга эга. Давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи – суд ҳокимияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳокимият бўлиниши тамойилига мувофиқ суд ҳокимияти билан адолатни қарор топтирувчи суд тизими тушинилади. Шунини таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон давлат тараққиёти тарихи мобайнида биринчи мартаба давлат суверенитети аниқ тузилишига эга бўлган мустақил ҳокимият ташкил этиш мумкин бўлди. Суд ҳокимияти ривожланиши – Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси мустақам ҳуқуқий пойдевори гарови. Айнан Конституцияни қабул қилиниши билан бизни мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларига кенг йўл очилди.

<sup>60</sup> И.Каримов 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X-сессиясидаги маърузаси “Правда Востока” №105. 1992 йил 4 июл.

<sup>61</sup> Ҳуқуқшунослар қўлланмаларда ҳокимият бўлиниши назариясини муаммоларини куйидаги ишларда кўриб чиқилиши: Уразаев. Ш.З. “Мустақил Ўзбекистон Конституцияси” Т.: Адолат 1993. Аъзамхўжаев.А.А. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори”.Т.: Ўзбекистон 1993. Одилқориев.Х.Т. “Янги Конституция – мустақилликни буюк тимсоли” Т.: Адолат 1993. Жумабоев К. Н. “Ўзбекистон Республикаси давлат механизмида ҳокимият бўлиниши”. Т.:МХХ Институт 1996.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида айтилишича: ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, шундай экан, Конституциянинг 41-моддасида “Давлат фуқароларининг Конституция ва Қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди” деб белгиланган.

2000 йил 14 декабрь куни қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририга кўра, юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартириш киритилиб, судлар ихтисослаштирилади, яъни жиноят ишлари бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий қилинди.

Ҳокимият бўлиниш принципига давлатнинг Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Унинг мазмунидан шуни кўриш мумкинки, республикада ягона давлат ҳокимияти тизими ташкил этилади. Ҳокимият бўлиниши тамойилининг талабларига биноан бундай давлат ҳокимиятида ваколатлар турли давлат органларига, чунончи қонунчилик ваколатлари Жўқорғи Кенгесга, ижро ваколатлари Вазирлар Кенгашига, судлов ваколатлари суд органларига тақсимлаб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қонунчилик соҳасида барча ваколатларга эга. Асосий Қонунимизнинг 68-моддасида Жўқорғи Кенгес олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади»<sup>62</sup> деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 86 депутатдан иборат. Республика парламенти – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси деб аталади.

Суверен Республикада демократик жамият куриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган муҳим қонунлар ва қарорлар қабул қилинди.

---

<sup>62</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 29-30 бет.

Қорақалпоғистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органи Вазирлар Кенгаши бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибига раис, икки биринчи ўринбосари ва 4 соҳа ўринбосарлари киради. Шунингдек, ижроия ҳокимият таркибига вазирликлар ва бир қатор соҳа қўмиталарининг раислари ҳам киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ўзининг иш олиб борувчи доимий вакилига эга.

Ҳокимият бўлиниши принципини амалга ошира бориб, Вазирлар Кенгаши республика ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор ва фармойишлар чиқаради.

Суверен республика Асосий Қонунининг 86-моддасида «Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши – Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи – бошқарувчи органдир»<sup>63</sup> деган норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳуқуқий давлатда суд умуминсоний кадриятлар фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ҳамда сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан Конституциянинг XXII бобида суд ҳокимияти тузилишига алоҳида эътибор берилган<sup>64</sup>: 100-моддада Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил иш юритади, деган норма белгиланган. 101-моддада Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган туман ва шаҳар судларидан иборат. Судларни ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланганлиги, 102-моддада Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди жиноий, фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритиш борасида, суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши, 104-моддада судьяларнинг дахлсизлиги, Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Жўқорғи Кенгесининг депутаты бўла олмаслиги, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бирорта лавозимни эгал-

<sup>63</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 43 бет.

<sup>64</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 50-53 бет.

лаши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил қилишдаги муҳим тамойиллардан.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг замонавий тизимини вужудга келтиришда дастлабки қадамлар қўйилган бўлса ҳам, ҳали бу борада қатор муаммолар сақланиб қолган эди. Шу боисдан Президент И.А.Каримов 1997 йил 17 июл куни Нукусда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти фаолиятларидаги келаётган камчиликларни чуқур таҳлил қилди. Мазкур сессияда нутқ сўзлар экан, Президент И.А.Каримов «ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало, ўз тасарруфида белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур»<sup>65</sup>, -деб қайд қилди.

Сессияда Қорақалпоғистоннинг бошқарув тизимида бир қатор камчиликлар мавжудлиги рўй-рост кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳоллари танқид қилинди. Амалий фаолиятга халақит бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар тўплаш каби нуқсонлар тилга олинди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига барҳам бериш алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз томонидан кўрсатиб ўтилган танқидий ҳолларда хулоса чиқарган ҳолда Қорақалпоғистон парламенти биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 1997 йил 15 декабрдаги ўн учинчи сессиясида Қорақалпоғистон Конституциясининг “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган бешинчи бўлимига учта модда (XIX бобда: 84-85 моддалар; XX бобда: 88 модда) қўшимча қилиб киритилди. Учала ҳокимият органи – Жўқорғи Кенгес, Ижро ҳокимият Вазирлар Кенгаши ва суд ҳокимияти ўз мақоми доирасида иш олиб борилгандагина ҳақиқий демократик жамият шаклланиши мумкинлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий масалаларнинг таҳлили Қорақалпоғистонда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ўзаро фаолиятини таъминлашнинг ҳуқуқий базаси яратилганлигини кўрсатмоқда ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши прин-

---

<sup>65</sup> Каримов И.А. «Янгича тафаккур – замон талаби» номли маъруза Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нути. "Адам ҳам нызам", "Инсон ва қонун" газетаси 1997 йил 25 июн №23 (30) сони.

ципи ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шарти сифатида амалиётда татбиқ этилмоқда. Асосий вазифалардан бири мазкур принципнинг бузилишига йўл қўймаслик ва шу йўл билан республикада яшовчи ҳар бир фуқаронинг ўзаро тенглигини, манфаатини таъминлашдан иборатдир.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи изчил амалга оширилишида давлат тизимининг шаклланиши муаммолари тадқиқ қилиниши биз танлаган йўл-ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

## **2.2. Қорақалпоғистон Республикасида вакиллик ҳокимиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни**

### **А) Қонунчилик ва вакиллик ҳокимияти – Жўқорғи Кенгес қонун чиқарувчи фаолиятининг ҳуқуқий негизи**

Маълумки, вакиллик органларининг қонунийлиги уларнинг ўз ваколатларини бевосита халқ қўлидан олганлиги билан белгиланади. Бу давлат ҳокимияти бошқа шаҳобчаларини вакиллик органлари томонидан ташкил қилишнинг қонунийлиги учун замин яратади.

1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий давлат тавсифига мос келадиган ва ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи талабларига жавоб берадиган давлат ҳокимияти вакиллик органларининг янги тизимини белгилади.<sup>66</sup>

Конституцияга биноан Олий вакиллик органи – Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари эса маҳаллий Кенгашлар деб номланди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси маҳаллий ҳокимият органларининг аввалги уч поғонали тизими ўрнига (қишлоқ, овул, посёлка, туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Совети) икки поғонали вакиллик органлари тизими (туман-шаҳар; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси)ни ўрнатди. Шунингдек, баъзи шаҳарларда (туманга бўйсунувчи шаҳарларда) вакиллик органлари тузилиши назарда тутилмади. Бу билан вакиллик органлари тизими фақат икки поғонали кўринишига келтирилибгина қолмай, сақлаб қолинганлари ҳам ихчамлаштирилди. Шундай қилиб, Конституция ва тегишли қонунларга асосан Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қуйидаги тизими:

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси;

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ташкил топди.

Вакиллик органларини ташкил этиш ва фаолиятида фуқароларининг кенг иштироки, қонунийлик, миллатларни тенглиги, коллегиялик, ошкоралик кўпчилик эътироф этган умумий принциплар қаторига киради. Мана шу принципларни маъқуллаган ҳолда, булар қаторига ҳокимиятининг тақсимланиш принципи ва юқори органларининг ҳужжатлари қуйи органлар учун мажбурийлиги принципи қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Бу принциплар демократик ҳуқуқий давлат-

<sup>66</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1993 йил 9 апрель.

нинг ажралмас шарти, шулар орқали давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар ташкил бўлади, ўзларининг ваколатлари, вазифасига эга бўлди.

Ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида мустақкамлаб қўйилган. Бу принцип мамлакатнинг муайян тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг тенглигини ва мувозанатини таъминлаш мумкин.<sup>67</sup>

Вакиллик органлари мазкур принцип асосида ташкил бўлса, ўз соҳасида мустақил, бошқа органларга итоат этмайдиган бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи фақат турли ҳокимият органлари ваколатларининг аниқ бўлинишигина эмас, ҳатто бир турдаги ҳокимият органларининг турли поғоналари ваколатларининг ҳам аниқ чегараланишини мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Қорақалпоғистон Республикасида республика миқёсдаги органлар фаолиятида ҳокимиятнинг тақсимланиш принципида бир қанча натижаларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси- Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.<sup>68</sup>

Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга ягона давлат органидир.

Ундан бошқа бирорта ҳам давлат органи Қорақалпоғистон Республикасида қонунчилик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Жўқорғи Кенгес туб моҳияти билан парламент органидир. У вакиллик тавсифига эга. Бу аввало унинг ташкил бўлишида Қорақалпоғистон фуқароларининг бевосита иштирок этишида яққол кўринади. У ўзида вакиллик ва бевосита демократия хусусиятларини мужасамлантира олади. Таркибида иш олиб боровчи депутатлар фуқароларнинг вакилидир, улар ўз ваколатини сайловчилардан олади, улар номидан иш олиб боради.

Жўқорғи Кенгес бошқа ҳар қандай давлат органидан, бошқа ҳокимият турларини амалга оширувчи органлардан нисбатан кўпчилик шахсларни ўзида бирлаштирувчи органдир. Унга сайланган

---

<sup>67</sup> Қаранг: Одилқориев Х. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиш принципи. Т. 1993 йил, 16-бет.

<sup>68</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 29-30 бетлар

депутатлар қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига биноан фақат Жўқорғи Кенгес қонун чиқарувчи орган бўлиб белгиланиши Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта рўй беришидир. Биз бунга қуйидагича изоҳ беришимиз мумкин, яъни Қорақалпоғистон Республикасининг 1978 йилги эски Конституциясининг 92-моддасида «Доимий иш олиб борадиган, ўз фаолиятида қонун чиқарувчи, бошқарув ва назорат қилиш вазифаларини бажарадиган Қорақалпоғистон АССР Жўқорғи Совети Қорақалпоғистон АССРнинг ваколатига кирадиган ҳар қандай масалани ўзининг қараб чиқишига қабул этишга ва ҳал қилишга тўла ҳуқуқли»<sup>69</sup> деб белгилаб қўйилган эди. Демак, у пайтда Жўқорғи Совет фақат қонун чиқарувчи эмас, балки бошқарув ва назорат қилиш функциялари билан ҳам шуғулланган. Шундай қилиб, бошқарув функцияси билан у ижро этувчи, назорат қилиш функцияси билан эса бошқа органларининг ички ишларига, шунингдек суд ҳокимиятларининг ишларига ҳам аралашган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ 1994-йил 25-декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўрнига муқобиллик асосида Республика парламенти Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ташкил этилди. Жўқорғи Кенгеснинг 1995-йил 11-январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Жўқорғи Кенгес раиси, унинг ўринбосари, мандат комиссияси, 8 та қўмита раислари ва унинг аъзолари сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси давлат ҳокимиятининг олий органи сифатида Қорақалпоғистон ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга. Жўқорғи Кенгес ҳуқуқ доирасига республика Асосий Қонунини қабул қилиш, унга ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш; қонунлар қабул қилиш, унга қўшимчалар, ўзгартишлар киритиш; маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш; иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; давлат ҳокимияти органларига сайловларни ташкил этиш; давлат мукофотларини белгилаш ва Асосий Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш кирди.

Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Жўқорғи Кенгеси иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки

---

<sup>69</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг 1978 йилги Конституцияси. 1989.

алохида шахс Қорақалпоғистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Жўқорғи Кенгеснинг фаолияти масалаларини жамоа бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, унинг томонидан тузилган давлат органларини ҳисоб бериб туриши, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг кўламда фаол қатнашиши жамоатчилик фикрини ҳамиша ҳисобга олиб бориш асосида амалга оширади. Жўқорғи Кенгесининг ҳуқуқий мақоми Республика Конституцияси, Жўқорғи Кенгеснинг иш тартиби тўғрисидаги қонунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисидаги қонунида ҳам белгиланган (1998 йил 29 январь).<sup>70</sup> Бугунги кунда Жўқорғи Кенгес юқорида айтиб ўтганимиздек Олий давлат вакиллик органи бўлиб, фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Жўқорғи Кенгес ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида 5 йил муддатга сайланадиган 86 нафар депутатдан иборат.<sup>71</sup>

Бундай ҳуқуқдан фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал фуқаролар, суд қарори билан мажбурий даволаш жойларида даволанаётган шахслар ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар қатнашмайдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ишининг ташкилий шакли унинг сессияси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ишининг ташкилий шакли Қорақалпоғистон «Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги 1993 йилги Конституциявий қонунда ҳамда 29 январь 1998 йилдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамланган. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 72-моддасида Жўқорғи Кенгес йиғилиши, жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланиши ҳақидаги қоида мавжуд. Конституцияда Жўқорғи Кенгес йиғилишларида кимлар иштирок эта олиши (73-модда), биринчи йиғилишнинг қачон, ким томонидан чақирилиши (74-модда), йиғилишга ким раислик қилиши (81-модда) масалалари Конституциявий мустаҳкамланган. Жўқорғи Кенгес сессияси, «Жўқорғи Кенгес тўғрисида»ги Республика қонуннинг 6-

<sup>70</sup> Қаранг: «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонуни. (янги таҳрирда). Н., 1998 йил, 29 январда.

<sup>71</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. 9 апрель 1993 йил; Қора-қалпоғистон Республикаси «Жўқорғи Кенгесига сайлов тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил.

моддасида кўзда тутилгани бўйича, унинг йиғилишларида очилади ва ёпилади.

Жўқорғи Кенгес сессияси депутатларнинг умумий йиғилиши, ялпи мажлиси бўлмай, у ўз ичига бир неча тадбирларни олади, яъни шу ҳужжатга асосан Жўқорғи Кенгес сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек Жўқорғи Кенгес кўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлисларидан иборат бўлади. Жўқорғи Кенгес сессиялари бир йилда камида икки марта чақирилиб, унинг сайловдан кейинги биринчи сессиясини Марказий сайлов комиссияси чақиради, қолган сессиялар Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан чақирилади. Сессияда жами депутатларининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади (7-модда).

Конституция, конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш, қонун ва Жўқорғи Кенгес қарорлари фақатгина мажлисларда қабул қилинади ва ўзгартирилади. Жўқорғи Кенгеснинг навбатдан ташқари сессияси Жўқорғи Кенгес Раиси ташаббуси билан ёки Жўқорғи Кенгес депутатларининг камида учдан бир қисми таклифи билан чақирилади (8-модда). Жўқорғи Кенгесининг ишини ташкил қилиш ва унинг фаолиятига ёрдам бериш учун турли лавозимлар ва органлар тузиш назарда тутилган. Бу органларни раҳбар ва ёрдамчи органларга бўлиш мумкин.

Раҳбар органларга Жўқорғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосари кирса, Жўқорғи Кенгес кўмиталари ва комиссиялари, Жўқорғи Кенгес котибияти ёрдамчи органлар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан Жўқорғи Кенгес ишига раҳбарлик қилиш учун Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси депутатларининг орасидан 5 йил муддатга, яширин овоз бериш йўли билан Жўқорғи Кенгес Раиси ва унинг ўринбосари сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лавозимли шахсидир.

Жўқорғи Кенгес Раиси ва унинг ўринбосари фақат Жўқорғи Кенгес олдида ҳар йили ҳисобот беради. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг кўмиталари ва комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз вазифаларини бажаришида ёрдам бериш учун, аниқроғи қонун лойиҳаларини тайёрлаш, Жўқорғи Кенгесда кўриладиган масалаларини дастлаб муҳокама қилиш учун, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари

ва Жўқорғи Кенгеснинг бошқа ҳужжатларини амалга оширишга ёрдам бериш учун, уларнинг ижросини назорат қилиб туриш учун, депутатлардан тузилади. Бу масала Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида акс эттирилган. Қўмита ва комиссияларининг фаолияти ҳақида алоҳида "Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида" қонуни қабул қилинган.

Қўмиталар ва комиссиялар Жўқорғи Кенгеснинг ваколат муддатига тузилади. Жўқорғи Кенгес депутати қоида бўйича фақат битта қўмита ёки комиссияга аъзо бўлади. Қўмита ва комиссияларнинг рўйхати, аъзоларининг сони Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда Жўқорғи Кенгес исталган вақтда қўмиталар ва комиссиялар тузиши, илгари тузилганларини тугатиши ёки қайта ташкил қилиши мумкин.

Жўқорғи Кенгес йиғилишида қўмита ва комиссия раислари Жўқорғи Кенгес Раиси тақдимида асосан сайлангач, уларнинг тавсияси билан аъзолари сайланади. Ҳар бир қўмита ва комиссия раиси ўринбосарлари ва котиблари Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан тайинланади. Қўмита ва комиссияларнинг фаолияти Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан мувофиқлаштирилиб турилади.

Қўмита ва комиссиялар ўз фаолиятини мажлислар орқали олиб боради, кўрилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилади.

Жўқорғи Кенгеснинг қўмиталари ва комиссиялари парламенти томонидан ўзининг ваколат муддатига очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Жўқорғи Кенгеснинг депутати фақат бир қўмитанинг ёки комиссиянинг аъзоси бўлиб сайланиши мумкин. Уларнинг таркибига Жўқорғи Кенгеснинг Раиси ва унинг ўринбосари сайланиши мумкин эмас.

Қўмитанинг ва комиссиянинг барча аъзолари тенг ваколатлардан фойдаланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига асосан, Жўқорғи Кенгес зарур деб топган ҳолларда, ҳар қандай масалалар юзасидан доимий ёки муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади. Бу комиссиялар тегишли вазифасини бажариб бўлгач ўз фаолиятини тўхтади. Жўқорғи Кенгес ўз иш фаолиятини мустақил белгилайди. Ички таркибий қисмини, яъни фаолиятига ёрдам берувчи органларни мустақил ташкил этади.

Жўқорғи Кенгес мустақил ҳуқуқлари асосида қуйидагиларни ҳал қилади:

- Иш тартиби – регламентини қабул қилиш;
- Сессияларга тўпланиш;
- Жўқорғи Кенгесга сайловнинг тўғри ўтказилганлигини текшириш ва ўз органларини тузиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси регламентининг тартибига эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда Жўқорғи Кенгеснинг иш тартиби белгилаб қўйилади.

Жўқорғи Кенгес ишини ташкил қилишда унинг таркибида тузиладиган котибият алоҳида аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес фаолиятида депутатлар гуруҳларининг аҳамияти ҳам катта. Турли масалалар юзасидан фикрлар бериш мақсадида ҳудудий гуруҳлар ҳам ташкил қилинади. Ҳудудий гуруҳлардан ташқари, Жўқорғи Кенгес депутатлари касб-кори, тармоқлар бўйича ва бошқа қизиқишларига кўра ҳам гуруҳлар тузилиши мумкин. Депутатлар гуруҳи рўйхатга олингандан сўнг ўз фаолиятини амалга оширади. Депутатлар гуруҳи Жўқорғи Кенгеснинг Раиси, шунингдек Жўқорғи Кенгес кўмити ва комиссиялари билан яқин алоқада ишлайди. Депутатлар гуруҳларининг тузилиш тартиби ва фаолияти Жўқорғи Кенгес регламентининг 38,39-моддаларида ўз аксини топган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ваколатлари, унинг олий давлат вакиллик органи эканлиги билан белгиланади. Жўқорғи Кенгес энг олий вакиллик органи бўлгани учун зиммасига қонунчиликдан бошқа вазифалар ҳам юкланади. Жўқорғи Кенгес бошқа давлат органларини ўзига бўйсундиришни кўзламаган ва уларнинг ваколатини эгаллашга уринмаган ҳолда, бошқа давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятини назорат қилишда ва бошқа масалаларда иштирок этади. Жўқорғи Кенгеснинг ваколатлари Конституциянинг 70-моддасида мустаҳкамланган.

Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасига биноан Қорақалпоғистон халқи номидан иш олиб бориш ваколатига ҳам эга.

Жўқорғи Кенгесининг Конституцияда белгиланган ваколатларини мазмуни, тавсифи, мақсади, нимага қаратилганлигига кўра бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин, булар: қонунчилик соҳасидаги ваколатлар; Жўқорғи Кенгесни ва ўз органларини тузиш соҳасидаги ваколатлар; маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилаш ва бошқа

давлат органларини тузиш (ташкил қилиш) соҳасидаги ваколатлар; Жўқорғи Кенгеснинг назорат вазифаси; фуқаролар манфаати билан боғлиқ ваколатлар;

**Жўқорғи Кенгеснинг қонунчилик соҳасидаги ваколатлари.** Жўқорғи Кенгеснинг асосий фаолияти қонун чиқаришдир. Жўқорғи Кенгеснинг қонунчилик соҳасидаги фаолияти деганда, унинг конституциявий қонунчилик ва оддий қонунчилик фаолиятини фарқлаш керак. Конституция ва конституциявий қонунлар қабул қилиш учун ва уларга ўзгартиришлар киритиш учун алоҳида, оддий қонун қабул қилиш ва унга ўзгартириш киритишга алоҳида тартиб белгиланган.

Оддий қонунлар Конституциянинг 76-моддасига асосан оддий кўпчилик овоз билан, Конституция эса 118-моддага асосан депутатларнинг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади ва ўзгартирилади. Конституциявий қонунлар ҳам шу тартибда қабул қилинади ва ўзгартирилади.

Жўқорғи Кенгесга қонунчилик ташуббуси ҳуқуқига, Конституциянинг 75-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси, Олий Суди, Хўжалик Суди, Республика Прокурори эгадир.

Жўқорғи Кенгесда қараб чиқилиши лозим бўлган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш ҳақидаги таклифлар Жўқорғи Кенгес Раисига такдим этилади ва у Жўқорғи Кенгес котибиятида рўйхатга олинади. Қонунлар йиғилишларда бир неча ўқиш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳалари Жўқорғи Кенгес қарори билан умум-халқ овози (референдум)га ҳам қўйилиб, қабул қилиниши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қонунчилик фаолиятига Қорақалпоғистон Республикаси қонунларини талқин қилишини ҳам қўшиш мумкин, яъни Жўқорғи Кенгес қонунларни шарҳлаб беради, шарҳлар ҳам мажбурий характерга эга бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳужжатлари, улар имзоланган кундан кейин кечи билан бир ҳафталик муддатда эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Регламентида ҳам бу ваколатлар қайд этилган. Агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, у эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Жўқорғи Кенгеснинг ўз органларини тузиш соҳасидаги ваколатлари.** Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депу-татларидан ташкил топади. Жўқорғи Кенгеснинг конституциявий ҳуқуқлардан бири бу – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сайловини тайинлаш ва Марказий сайлов комиссиясининг таркибини тасдиқлашдир. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайлов Жўқорғи Кенгес томонидан, Жўқорғи Кенгес ваколати тугашидан камида 3 ой илгари тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз фаолияти-ни самарали олиб бориш учун Жўқорғи Кенгес депутатларидан иборат раҳбар ва ёрдамчи органларни тузади. Мажлислар даврида мажлис стенограммаси ва баёнларини юритиш, сўзга чиқиш истагини билдирганларни ёзиб бориш, депутат сўровлари, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар, таклифлар ҳамда депутатларнинг бошқа материалларини ҳужжат сифатида рўйхатга олиш, фуқаролардан Жўқорғи Кенгес номига келаётган мурожаатлар ва бошқа ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш мақсадида Жўқорғи Кенгес йиғилишларининг котибияти тузилади. Бундан ташқари, Жўқорғи Кенгеснинг ўз котибияти ҳам мавжуд, у лавозим мансаб ҳисобланади ва алоҳида тузилишга эга бўлади.

Шунингдек, Жўқорғи Кенгесда дастлаб масалаларни муҳокама қилиш, тавсиялар бериш учун депутатлар гуруҳи ҳам тузилади. **Жўқорғи Кенгеснинг Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилаш ва бошқа давлат органларини тузиш соҳасидаги ваколатлари.** 1996 йил 14 декабрдаги "Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида"ги қонунига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ваколатига туманлар, шаҳарлар, овуллар, қишлоқлар, посёлкалар тузиш ва уларни бекор қилиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси давлат ҳокимиятининг олий органи бўлгани учун, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларининг баъзи бўғинларини тузишда иштироки бор. Жўқорғи Кенгес аввало қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлар тизими ва ваколатларини белгилайди.

**Жўқорғи Кенгеснинг назорат фаолияти.** Амалдаги Конституцияда Жўқорғи Кенгеснинг назорат қилиш фаолияти

тўғридан-тўғри белгиланмасида, унинг айрим ваколатлари назорат қилиш функциясини келтириб чиқаради.

Жўқорғи Кенгес қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиб туриш учун кўмита ва комиссиялар тузади. Улар эса Жўқорғи Кенгес олдида ҳисобот беради. Шу орқали Жўқорғи Кенгеснинг назорат вазифаси амалга оширилади. Жўқорғи Кенгес шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг бажарилишини назорат қилади. Жўқорғи Кенгеснинг назорат фаолияти депутат сўрови орқали ҳам амалга оширилади. Депутат сўрови давлат органлари идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат қилиш воситасидир.

**Жўқорғи Кенгеснинг фуқаролар манфаати билан боғлиқ ваколатлари.**

Жўқорғи Кенгес фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва ҳуқуқий манфаатларига боғлиқ кўпгина вазифаларни амалга оширади. Бу борада Жўқорғи Кенгес фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг амалга оширилишини, мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий қурилишнинг бажарилишини ташкил қилиш, бюджет тизимини, солиқ солишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ва табиий бойликлардан фойдаланиш ва бошқа муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади. Жўқорғи Кенгес Республиканинг давлат мукофотларини таъсис этади. Юқорида кўрсатилганлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ваколатлари бўлиб, улар республикада давлат ҳокимиятини ташкил этишга қаратилган. Шу жойда, айтиб ўтиш жоизки, юқорида айтилган масалаларнинг ҳаммаси Республика Жўқорғи Кенгесининг қонун чиқарувчи фаолиятлари билан боғлиқ бўлиб, уларни амалга ошириш конституциявий йўл билан олиб борилади. Яна бир нарсани айтиб ўтиши зарурки, Ўзбекистон Республикасида Президентлик бошқариш бўлганликдан, унинг Олий Мажлисида юқорида кўрсатилган кўпгина масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифи билан Олий Мажлисида ҳам кўриб чиқилади. Қорақалпоғистонда парламентлик бошқариш бўлганликдан, унинг Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳаракатлари доирасига президентлик бошқаруви механизмлари берилган. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ваколати Қорақалпоғистоннинг 1993 йилги Конституцияси асосида олий даражада маъқулланди ва давлат раҳбари даражасига кўтарилди. Бу ҳол Қорақалпоғистон Конституцияси 80-моддасида ҳам мустаҳ-

камланган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лавозимли шахси ҳисобланади, дейилган.<sup>72</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ҳуқуқий мақоми Конституциядан бошқа «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги 1998 йилнинг 29 январида қабул қилинган Қорақалпоғистон қонунида ҳам аниқ белгилаб берилди.<sup>73</sup>

Агар яқин тарихга назар солсак, Қорақалпоғистоннинг 1978 йилги Конституцияси бўйича Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгашининг Раиси ҚҚАССР Жўқорғи Кенгашининг мажлисларига бошчилик қилади ва унинг ички тартиб қоидаларини юргизади деган конституциявий нормадангина иборат эди. Ўша даврда, 1989 йил 25 октябрга қадар Қорақалпоғистоннинг Жўқорғи Кенгашининг Раиси фақатгина сессияларнинг иши пайтидагина йилига 2-3 кун ишларди. Бу лавозим ҳатто доимий ҳам эмас эди. У аҳвол 1989 йили 25 октябрда ўзгарди. Ўша куни ҚҚАССР Жўқорғи Кенгасининг сессиясида юқорида кўрсатилган Конституция нормаларига катта ўзгаришлар киритилди. Масалан, 102-модда куйидагича ёзилди: ҚҚАССР Жўқорғи Кенгашининг Раиси ҚҚАССРда лавозимдаги шахс бўлиб ҳисобланади ва собиқ СССРда янги халқаро муносабатларда автоном республиканинг вакили сифатида ҳаракат қилади. Бу конституциявий қоидаларни, уларнинг 1978-1989 йиллардаги нормаларига қиёсласак, унда биз биринчи навбатда Жўқорғи Кенгес Раиси ваколати Қорақалпоғистоннинг 1993 йилги Конституциясида ўзининг салмоқли ўрнини топганлигини кўрамиз.<sup>74</sup>

Демак, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси ваколатларининг мустақамланганлиги 1989 йили 25 октябрдан бошланиб 1990 йили 14 декабрида унинг яна ҳам кучайганлигини кўрамиз ва у ўзининг Қорақалпоғистон давлатининг раҳбари сифатида 1993 йилги республика Асосий Қонунида тасдиқланди.

Асосий Қонуннинг 80-моддасининг иккинчи қисми Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисини сайлаш тартибини аниқлайди. У Жўқорғи Кенгеси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси

<sup>72</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 36 бет

<sup>73</sup> Қаранг: «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонуни. (янги таҳрирда). Н., 1998 йил, 29 январда., 13-модда 7 бет

<sup>74</sup> Қаранг: С.Д.Ниетуллаев. «Қарақалпақстан Республикасынинг Конституциялық ҳуқықы» Н. «Қарақалпақстан» 1996 йил, 104 бет.

ваколати муддати ва қаторасига икки муддатдан оширилмаган ҳолда сайланади.

Жўқорғи Кенгес Раисига кенг ваколатлар берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси ўз ваколатига тегишли масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Президиумининг муҳокамасига тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси 1993 йилги Конституцияда Қорақалпоғистон Республикаси давлат сифатида тасдиқланди. Конституциянинг 81-моддасида Жўқорғи Кенгес Раисининг ваколати аввал республика тарихида кўрилмаган юқори босқичга кўтарилди ва аввалги Жўқорғи Совет Раисининг ваколати билан таққослаганда мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамланди ва кучайтирилди, бу жамият ва давлат ҳаётида катта бурилиш бўлди.

1997 йилнинг 15 декабрида «Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва Конституциянинг 81-моддасида янги таҳрирда баён этилди. Ушбу моддага мувофиқ Жўқорғи Кенгесининг Раисига давлат ҳокимияти органлари тизимидаги муҳим вазифалар юклатилган, у олий қонун чиқариш ва ижро ҳокимияти органларининг ўзаро алоқали ҳаракат қилишини таъминлайди.

### **Б) Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

1993 йилги Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида аввалги маҳаллий вакиллик органлари халқ депутатлари Советларининг номи халқ депутатлари Кенгашлари деб ўзгартирилди. Маҳаллий вакиллик органларининг янги тизими ўрнатилди ва бу органларнинг тавсифи, мавқеи сифат жиҳатдан ўзгартирилди. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари бўлиб ҳисобланади. Қорақалпоғистоннинг давлат қурилишида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларининг фаолиятини ривожлантириш масаласи кўп йиллардан бери ўз ечимини топа олмай келмоқда эди. Республиканинг 1937 йилги Конституцияси бўйича давлат ҳокимиятининг туманлардаги, овуллардаги, органлари меҳнаткашлар депутатларининг Совети бўлиб ҳисобланган. (49-модда)<sup>75</sup>.

<sup>75</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон АССР Конституцияси, Тўрткўл КК МБ 1938 йил. 14 бет.

Ушбу Конституцияга мувофиқ давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари туманлардаги, шаҳарлардаги, посёлкалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги меҳнаткашлар депутатларининг Совети, уларнинг ижро ва бошқарув органлари эса – ижроия кўмиталари бўлган. Асосий Қонун бўйича улар давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари системасига (тизимига) кирган. Худди шундай маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув принципи 1978 йилги Конституцияда ҳам асосий ўрин олган эди. Аммо бу Конституция бўйича улар айрим ўзига хос хусусиятларига эга бўлди. Масалан 1978 йилги Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида "Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимиятининг ва бошқарувининг маҳаллий органлари" (6-бўлим) халқ депутатларининг маҳаллий Советларни (13-боб) ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия кўмиталарини (14-боб) ўз ичига олган эди. 1937 йилги Конституцияга биноан меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия органи уни сайлаган меҳнаткашлар депутатлари Советига тўғридан-тўғри бўйсунадиган эди. Аммо, бу фақат Конституцияда ёзилган қоидагина бўлиб қолган. Чунки у пайтларда Советларнинг фаолиятига бошчилик этган ижроия кўмиталар бўлган. Бу аҳвол 1978 йилги Конституциядан кейин ҳам давом этди. Қорақалпоғистон Республикасининг тарихида биринчи марта халқ депутатлари Советининг ва унинг ижроия кўмитасининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган интилиш 1989 йили бошланди. Қорақалпоғистон АССР Жўқорғи Советининг 25 октябрь 1989 йили XI чақириқ II навбатдан ташқари сессиясида унинг Асосий Қонунига бир қанча ўзгартиришлар ва қўшимчалар киргизилди.

Ушбу ўзгартиришларга боғлиқ Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта халқ депугатлари Советлари тегишли Советларнинг раисларини сайлайдиган бўлди. Конституциянинг 128-моддасига биноан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва бошқарув органлари бўлиб, уларнинг сайлаб қўйиладиган ижроия кўмиталари ҳисобланди. Бу маҳаллий вакиллик органлари туман, шаҳар Советларининг даражасида (миқёсида) уларнинг раислари ва раис раҳбарлик қиладиган Советларнинг Президиумлари давлат қурилишида дастлабки пайдо бўлган янгилик эди. Шу билан бир қаторда, Конституцияга асосан Советларнинг ижроия кўмиталари ҳам ўз ишини давом эттирадиган бўлди. Натижада Қорақалпоғистон Мухтор Республикаси туманларида ва шаҳарларида қўш ҳокимият, Советларнинг ва Президиумнинг раиси ва ижроия кўмита раиси,

вужудга келди. Ушбу кўш ҳокимиятчилик Қорақалпоғистоннинг маҳаллий бошқарувига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу тўғрисида республикада биринчи марта Жўқорғи Советнинг XII чақириқ 2-сессиясида (19 июль 1990 йили) очиқ айтилди. Унда "халқ депутатлари Совети-нинг фаолиятини таъминлаш ҳақида"ги масала муҳокама этилиб, маъруза бўйича Жўқорғи Совет Раисининг биринчи ўринбосари баёнот қилди. У ўз сўзида "маҳаллий ижроия кўмиталари тарафидан Советларнинг иш фаолиятига катта тўсқинлик қилинмоқда, сабаби улар Советлар учун масалаларни ҳал қилишга ўрганиб қолган"<sup>76</sup> деб айтиб ўтган.

Ушбу маҳаллий Советларда ва ижроия кўмиталарида пайдо бўлган кўш ҳокимиятчиликни ва унинг иш натижаларига кўрсатаётган салбий таъсирини ҳисобга олиб Жўқорғи Советнинг 2-сессияси 20-июль 1990 йили аниқ бир хулосага келгандай бўлди.

Сессияда икки лавозимни Советнинг Раиси ва ижроия кўмитанинг раиси лавозимларини бириктириш таклиф этилди ва уни Бўзатов туманида бошлаш ҳамда синовдан ўтказишга (тажрибада синаб кўриш) қарор қилинди. Бўзатов туман Советининг (Кенгашининг) Раиси бир вақтнинг ўзида Кенгаш Президиумига ва ижроия кўмига раҳбарлик қиладиган бўлди. У туман халқ депутатлари Кенгаши олдида тўла маъсул ва унга ҳисоб беради деб белгиланган эди. 1990-1992 йилларда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини ва ҳуқуқий статусини такомиллаштириш процесси давом этди. 1992 йили 9 январда Жўқорғи Советнинг XII-чақириқ 7-сессиясида 1978 йилги Қорақалпоғистон Конституциясининг 127-моддасига катта ўзгартириш киргизилди ва туман, шаҳар ижроия кўмиталари раиси лавозимлари асосан тугатилиб, уни ваколатлари туман ва шаҳар Кенгашлари Раисларига юклатилди. Кенгаш Раиси якка ҳокимият даражасига кўтарилди. Шундай қилиб, у бир вақтнинг ўзида Кенгашга ва ижроия кўмига раҳбарлик қиладиган бўлди. Бу тизим 11-апрель 1992 йилга қадар ҳукм сурди. Ушбу куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг XII чақириқ 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ҳам туманларда ва шаҳарларда ҳокимлик лавозимини ташкил қилиш ҳақидаги қонуни қабул қилинди.

---

<sup>76</sup> Советская Каракалпакия" газетаси 24-июль 1990 йил.

1993 йилги янги Конституция бўйича давлат органларининг, жумладан, маҳаллий вакиллик органларининг тавсифи ҳам ҳуқуқий давлатга мослаштирилиб, ҳокимиятнинг таксимланиш принципи асосида уларнинг тизими, вазифалари ўртасидаги чегаралар янгича белгиланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустақил вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларига бўлинди. Улар бири-бирига бўйсуниб асосида эмас, балки раҳбарлик, ўзаро ҳамкорлик асосида тузиладиган бўлди.

Натижада маҳаллий вакиллик органлари бўлиб, халқ депутатлари Кенгашлари эътироф этилди. Бу Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида расман мустаҳкамланди. Конституциянинг XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб аталди ва Конституциянинг 92-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро ҳокимиятига бўлиниши белгиланди. Шундай қилиб, амалдаги Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, маҳаллий давлат органлари тизимида узоқ вақтлардан бери амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг якуни сифатида маҳаллий давлат органлари тизимидаги ўзгаришларни қонуний мустаҳкамлади. Конституциянинг 94-моддасида маҳаллий давлат органларининг фаолиятини ташкил қилиш, ваколат доираси, сайлаш тартиби қонун билан белгиланади, дейилган. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 24 декабрь 1993 йили "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" қонун қабул қилди. Унга асосан Халқ депутатлари Кенгашлари туман ва шаҳарларда, (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари деб белгиланди ва натижада аввалги икки поғонали ҳокимият органлари тизими ўрнига бир поғонали ҳокимият органи тизими ўрнатилди. Кишлоқ, шаҳар, овул, туманга бўйсунувчи шаҳарларда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тугатилди. Конституция ва қонунда<sup>77</sup> маҳаллий вакиллик органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидан ажратилиши катта аҳамиятга эга бўлди, яъни бу маҳаллий вакиллик органларининг давлат органлари сифатидаги мавқеини оширди, уларнинг масъулиятини кучайтирди.

**Давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этиш тартиби.**

---

<sup>77</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш оргавлари тўғрисида"ги 1993 йил 24 декабрда қабул қилинган қонуни.

Маҳаллий вакиллик органлари битта йўл билан, яъни сайлов орқали ташкил қилинади, сайлов натижасида уларда вакилликнинг ҳамма томонлари ўз ифодасини топади. Маҳаллий вакиллик органларининг самарали ишлаши, ўз фаолиятини тўла амалга ошира олиш-лиги, мавқеи кўп жиҳатдан уларга сайланган депутатлар таркибига боғлиқ. Депутатларнинг билими, дунёқараши, фикрлаши, мустақиллиги Кенгашлар иши мазмунини белгилаб беради. Бу масалаларни мақсадга мувофиқ ҳал қилишда сайлов қонунлари муҳим аҳамият касб этади. Янги Конституция қабул қилингач, сайлов қонунлари ҳам янгиланди. Уларда аввалги қонунлардаги демократик ҳолатлар сақлаб қолинди ва демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятлар ўз ифодасини топди.

Булар ичида энг аввало сайловнинг кўппартиявийлик тизимда ўтказилиши, сайловни ташкил қилиш ишларидан давлат ҳокимияти органлари иложи борича четлаштирилиши, сайлов комиссия таркибига бирор-бир партиёга мансуб шахсларнинг киритилмаслик қоидаларининг ўрнатилишига алоҳида эътибор бериш керак?<sup>78</sup> Маҳаллий вакиллик органларига сайлов, аввалги вакиллик органининг ваколати тугашига ками билан 3 ой қолганда Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланади. Депутатлар бир мандатли округлардан сайланади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиёлар ва фуқароларнинг йиғинлари (вакилларнинг йиғилишлари) номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

**Халқ депутатлари Кенгашларининг ички тартиби.** Халқ депутатлари Кенгашлари ўз фаолиятига кўмаклашиб туришлари учун, ўз депутатларидан иборат, ўз ваколати муддатига доимий ишловчи комиссиялар тузади. Янги чақириқ 1-сессияда халқ депутатлари Кенгашлари дастлаб мандат комиссиясини тузади. Қанча ва қандай доимий комиссиялар бўлишлигини ишнинг ҳажми, ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олиниб, Кенгашнинг ўзи белгилайди. Доимий комиссиялар раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат бўлади. Аъзоларнинг сонини ҳам Кенгаш ўзи белгилайди. Бу доимий комиссиялар депутатларни бирлаштирувчи орган бўлиб, у халқ депутатлари Кенгашининг ёрдамчи органи ҳисобланади.

Доимий комиссиялар сессияларда кўриладиган масалаларни дастлаб кўриб чиқиб, хулоса тайёрлаш, сессияга кўриладиган масалаларни тақдим қилиш, Кенгаш ва юқори давлат органлари ҳужжатларининг мазкур ҳудудда бажарилишини назорат қилиш каби вазифа-

---

<sup>78</sup> Қаранг: Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуни, 1994 йил, 17-июнь.

ларни бажарувчи орган сифатида тузилади. Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти қонун ва низомлар билан белгиланади. Халқ депутатлари Кенгашлари зарур пайтларда хоҳлаган масалалар юзасидан вақтли комиссиялар ҳам тузишлари мумкин.

**Халқ депутатлари Кенгашларининг иш тартиби.** Халқ депутатлари Кенгашлари ўз фаолиятини маълум муддатларда ва маълум тартибда чақирилиб, ўтказиладиган сессияларида амалга оширади. Туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг иш тартиби тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Регламенти билан белгиланади<sup>79</sup>. Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари бир йилда камида икки марта чақиралади. Сессия заруратига кўра ҳоким томонидан, шунингдек, тегишли Кенгаш депутатларининг учдан икки қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

**Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари.** Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг асослари берилган ва бу маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларининг конституциявий асоси ҳисобланади.

Бу модда учун Республикамиз Президентининг "Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш лозим бўлади"<sup>80</sup>, -деб таъкидлаган сўзи ҳам асос бўлади.

Бу моддада маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларининг вазифалари ажратилиб кўрсатилмаган, шунинг учун у вакиллик ҳокимиятига ҳам, ижро ҳокимиятига ҳам тааллуқлидир. Бу ваколатларга қуйидагилар киради:

- қонунийлик, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқларни, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

<sup>79</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни. йил, (17 модда).

<sup>80</sup> Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" Т. "Ўзбекистон", 1992 йил 7-16 бет.

- норматив ҳужжатларни қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш<sup>81</sup>.

Қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Қонунийликсиз ҳуқуқий тартибот бўлмаганидек (ёки аксинча), қонунийлик ҳамда ҳуқуқий-тартиботнинг бузилиши фуқароларнинг хавфсизлигининг бузилишига сабаб бўлади (ёки аксинча). Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига берилган шарҳларда атрофлича изоҳ берилган. Маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролни ўйнайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини белгилайди Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида. фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базанинг салмоқли қисмини вужудга келтиришга қаратилган. Халқ депутатлари Кенгашлари ўз ваколати доирасида маҳаллий бюджетни, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайди. Шунингдек маҳаллий солиқлар, йиғимлар миқдорини белгилайди.

Ўз ҳудудида коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади.

Атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш борасида тегишли ҳуқуқий нормаларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан чоралар кўради. Масалан, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга эга объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Маҳаллий вакиллик органлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларнинг фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик уларнинг фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларни тузиш масаласини ҳал қилишда, шу органларнинг раҳбар-

---

<sup>81</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н. “ Қорақалпоғистон ”. 1998 йил. 48-бет.

ларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласида иштирок этишида ҳамда шу органларнинг фаолияти устидан назорат қилишда кўрилади. Халқ депутатлари Кенгаши ўз фаолияти давомида, ўзининг ваколатлари доирасида коллегиял асосда норматив ҳужжатлар қабул қилади. Улар қабул қилган норматив ҳужжатлар ўз ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг бутун фаолиятини давлат ҳамда фуқароларнинг манфаатини кўзлаб олиб боради, натижада давлат манфаати билан фуқароларнинг манфаати ўртасида муштараклик вужудга келади. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий Кенгашлар ваколатларини белгилайдиган 1993 йил 24 декабрда қабул қилинган қонунида вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида берилган. Қонуннинг 23-моддасига биноан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ҳокимининг тақдимига биноан ўз ҳудуди бюджетини ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни, ҳудудни ривожлантириш режасини, туман ва шаҳарнинг бош лойиҳаси ва уни қуриш тартиб-бини тасдиқлайди;

- амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқ, йиғим ва божлар миқдорини белгилайди, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқ, йиғим ва тўловлар бўйича имтиёзлар белгилайди;

- ҳоким ва унинг ўринбосарлари лавозимини тасдиқлайди, лавозимдан озод этиш ишларини амалга оширади, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни эшитади;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳокимлар қарорларини тасдиқлайди;

- халқ депутатлари Кенгашларининг иш тартиблари, доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди ва зарур бўлса, уларга ўзгартиришлар киритади;

- Кенгашнинг доимий ва муваққат комиссиялари ҳамда бошқа органларини тузади, сайлайди ва тугатади, уларнинг таркибини ўзгартиради, фаолияти ҳақида ҳисоботларни тинглайди;

- депутатларнинг ваколатларини тасдиқлайди, ваколатини муддатидан аввал тўхтатади ёки уларни жавобгарликка тортиш, ишдан бўшатишга розилик беради;

- ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа ташкилий бўлинмалар ҳисоботини эшитади;

- халқ депутатлари сўровларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;
- ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига зид қарорларини бекор қилади;
- ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик тузилишини, унинг штатларини ва ходимларнинг иш ҳақи фондини тасдиқлайди.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, халқ депутатлари Кенгашларининг мутлақ ваколатлари бўлиб, улар фақат Кенгашлар томонидангина ҳал қилинади. Масалан, бюджетни, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш, ёрдамчи органларни тузиш, депутатлар ваколатларини тасдиқлаш, муддатидан аввал тугатиш, ҳокимни лавозимга тасдиқлаш ва бошқалар. Иккинчи турга бошқа ваколатлари киради, яъни уларни сессиялар оралиғидаги вақтда ҳокимлар бажара олади, лекин у масала сессияда албатта тасдиқланиши керак. Масалан, ҳокимлик тузилиш бўлинмалари (тармоқ бошқарув органлари) бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишни сессиялар оралиғидаги вақтда ҳоким амалга ошириши мумкин. Лекин ҳокимнинг қарори албатта сессияда тасдиқланиши керак.

## 2.3. Қорақалпоғистон Республикасида ижро ҳокимиятининг шаклланиши

### А) Қорақалпоғистон Республикаси - ҳукуматининг шаклланиши

Қорақалпоғистон суверенитетга эришгандан сўнг мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилувчи олий даражадаги ижроия ҳокимияти бунёд этилди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас шарти бўлган ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи асосида мустақил ижро ҳокимиятини амалга оширувчи органлар вужудга келди. Улар ҳокимиятнинг алоҳида турини амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати – Вазирлар Кенгашидир<sup>82</sup>. Вазирлар Кенгаши олий ижро органи бўлиб, у қонунларни ижро этади ва давлат бошқарув функциясини бажаради. Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тузилади.

Янги Конституцияда ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигига, уларнинг мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, «Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслигиги мумкин»<sup>83</sup>.

Ижро ҳокимияти кучсиз бўлса, унинг фаолиятига бошқа органлар асоссиз аралашаверса, унда қонунлар қоғозда қолиб кетаверади, чунки кучсиз орган ўз вазифасини бажара олмайди.

Республикамизда ижро органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини кучайтириш чораларини қуришда давлатчилигимиз тарихига, миллий анъаналарга алоҳида эътибор берилди. 1993 йилги Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси республиканинг ҳозирги ижро ҳокимияти органлари тизимини мустаҳкамлади. Унга асосан ижро ҳокимияти органларининг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар шартли равишда алоҳида гуруҳларга бўлинган: олий (марказий) ва маҳаллий (қуйи) ижро ҳокимияти органлари. Республика миқёсида ижро ҳокимияти олий органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидир. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудий бўлинмаларидаги ҳокимлар ҳисобланади.

Умумий ваколатли ва махсус (тармоқлар, соҳалар бўйича) ваколатли ижро органларига Вазирлар Кенгаши, ҳокимлар киради. Мах-

<sup>82</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Н., «Қорақалпоғистон» 1998 йил, 43 бет.

<sup>83</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т. «Ўзбекистон», 1992 йил, 16-бет.

сус ваколатлиларига вазирликлар, кўмиталар, концерн, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари киради.

Коллегиаллик асосида ва яккабошчилик асосида иш юритувчи органлар. Биринчисига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, иккинчисига эса ҳокимлар, вазирлар, кўмиталар, концерн, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари киради.

Тайинланадиган органлар. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, ҳокимлар, вазирлар, кўмиталар, концерн, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари бошлиқлари.

Ушбу юқорида қайд этилган органлар йиғиндиси ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этади ва бу тизим ҳокимлардан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан идора қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳуқуқий ҳолатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ХХ-боб 86-91-моддаларида мустаҳкамланган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Республиканинг Жўқорғи Кенгеси олдида масъулдир ва унга ҳисобот бериб туради.

Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасида ўзаро муносабатларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Доимий Ваколатхонаси ташкил этилиб, унумли ишлар бажариб келган эди.

Кейинроқ, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўзида демократик принципларни мужассамлаштирган янги Низом ишлаб чиқиш зарурати туғилди ва ушбу тариқа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1999 йил 15 январдаги №18/1 қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси тўғрисида Низом қабул қилди. Бу Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари ва бошқа ташкилотлари билан хўжалик ҳамда маданий бўйича кундалик алоқаларини амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йўналтириб туради. 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун билан белгиланганидек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси-ҳукумат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Кенгаши Раиси Республика Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти розилиғи билан қилинган таклифига биноан Жўқорғи Кенгес томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.<sup>84</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ваколатлари, унинг иш тартиби, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлат органлари билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мунособатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.<sup>85</sup>

«Вазирлар кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан Вазирлар Кенгаши таркибига: Вазирлар Кенгаши Раиси, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда бошқа органларнинг раҳбарлари киради.

Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Вазирлар Кенгаши аъзолари Вазирлар Кенгаши Раисининг таклифига биноан Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан кейинчалик Жўқорғи Кенгеснинг тасдиқлаши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциянинг 87-моддасига асосан Вазирлар Кенгашини тузиш, тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади, яъни Жўқорғи Кенгес Раиси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарини, вазирларни, қўмита раисларини ва бошқаларни президиум қарори билан лавозимга тайинлайди. Сўнгулар Жўқорғи Кенгесда тасдиқланади. Вазирлар Кенгаши – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати – иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

---

<sup>84</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Н., «Қорақалпоғистон» 1998 йил (88модда), 44-45 б.; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонун. 1998 йил 29 январь (5модда) 2 б.

<sup>85</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Н., «Қорақалпоғистон» 1998 йил (91модда), 47 бет

қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижро этилишга раҳбарликни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир. Вазирлар Кенгаши давлат бошқарувчи органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тизимларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжихатлик билан ишлашини таъминлайди. Вазирлар Кенгаши Республикада яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошқоралик инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида вазирликлар ижроия ҳокимиятининг марказий органлари ҳисобланиб, улар ҳалқ хўжалиги тармоқлари ва ижтимоий маданий соҳаларни бошқариб борадилар.

Алоҳида вазирлик эса марказий бошқарувнинг тармоқ бўйича ижроия ҳокимияти органи ҳисобланиб, ушбу соҳага оид қонунлар ижроси бўйича уларга асосланиб иш юритадилар. Уларнинг давлат ҳокимияти ваколати берилган ўз вазифалари бор, ўз қуйи ва тобе органлари, тармоқни ривожлантириш турли жабҳаларига маъсул бўлган идоралари бўлади.

Вазирлик – бу – бошқарувнинг соҳавий шаклидир. Улар жабҳани бошқариш тармоғида асосий бўғинни ташкил этади. Шу сабабли вазирлик тушунчаси маълум тоифадаги соҳа билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Ижтимоий таъминот ва меҳнат вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 1-моддасида: «Ижтимоий таъминот вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасида нафақахўрлар, ногиронлар ва кам таъминланган болалари бор оилаларни ижтимоий ҳимоялашда ягона давлат сиёсатини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади, Республикада уларга нафақа ва ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этади дейилган.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг бошқарувнинг марказий ижроия маҳкамалари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Республикада юз берган ва бераётган туб иқтисодий ўзгаришлар соҳавий бошқарувни ислоҳ қилишда ўз аксини топа борди.

Масалан, Савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раёсатининг 1992 йил 28 май фармони билан Қорақалпоғистон давлат акциадорлик ассоциацияси – «Қорақалпоқ-савдо»га, маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги – Қорақалпоғистон Республикаси маиший хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари

уюшмаси («Қорақалпоқбытсоюз»)га айлантирилди. Республика Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 1992 йил 25 сентябрдаги Фармони билан маҳаллий саноат вазирлиги тўхтатилиб, ўрнига аввал «маҳаллий саноат» давлат ишлаб чиқариш – савдо концерни, сўнгрок эса шу номдаги акциадорлик компаниясига айлантирилди.

Соҳаларни бошқариш тизимида юз берган жиддий ўзгаришларга мисол қилиб, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича давлат қўмитасини 1991 йил номида меҳнат вазирлигига айлантирилишини, 1996 йил декабрида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилишини, 1992 йил июлида янги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, 1997 йил май ойида Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги ташкил этилганлигини келтириб ўтиш жоиздир. Сўнгра 2003 йилдан улар иқтисодиёт вазирлиги ва статистика давлат қўмитаси бўлиб қайта ўзгартилди.

Хуллас, Қорақалпоғистон вазирликлари тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бериб, бугунги кунда:

- иқтисодиёт вазирлиги;
- коммунал хизмат агентлиги;
- соғлиқни сақлаш;
- ижтимоий таъминот;
- маданият ва спорт ишлари бўйича;
- меҳнат;
- Адлия;
- ички ишлар;
- ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги мавжуддир;

Улар ўз фаолиятларини юрита бориб, кўплаб бошқа давлат органлари ва идоралари билан ўзаро мунособатда бўлдилар. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи сифатида республикага тегишли барча масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлиб, вазирликлар билан қонун чиқариш функциясини амалга оширишда соҳавий жипс алоқада бўлади. У республика манфаатига оид давлат, иқтисодиёт, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳар қандай масалани муҳокама қилиш ва ҳал қилишда вазирликни жалб қила олади. Жўқорғи Кенгес томонидан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳам вазирликлар ижроия ҳокимият институти фаолиятини амалга оширишдаги ваколатлари аниқ акс эттирилган.

Вазирликларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ишлаши, фаолият кўрсатиш субъекти сифатида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини йўналти-

ришда қабул қилинган қонун ҳужжатларига таянишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Республика Жўқорғи Кенгес Раёсатига республика вазирликларини ташкил этиш, ўзгартириш ва тугатиш ваколатлари берилган. Раёсатнинг бундай қарорлари кейинчалик Жўқорғи Кенгес сессияси тасдиғига киритилади (Қорақалпоғистон Республикаси Конституция-сининг 85-моддаси 7-банди) Жўқорғи Кенгес қўмиталари билан ва-зирликлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик мавжуд. Қўмиталар Жўқорғи Кенгес сессияларига масалалар киритар экан, соҳавий вазирликнинг фаолиятининг чуқур таҳлил қилади, камчилик ва нуқсонларини аниқлайди, ижобий тажрибаларни умумлаштиради, аниқ таклиф ва тавсиялар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва «Халқ депутатлари статуси ҳақида»ги қонуннинг 12-моддасига кўра, Жўқорғи Кенгес депутати республика вазирликларига сўровлари билан мурожат қилишга ҳақли. Вазирликлар ўз навбатида депутатнинг сўровига белгиланган тартиб ва муддатга жавоб беришга мажбурдир. Бу ҳолат мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаётида муҳим масалалар ечимига, тараққиёт ва адолат йўлига, қуйи тармоқлардаги нуқсонларни барта-раф этишга хизмат қилади, қўл келади;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва “Вазирлар Кенгаши ҳақида”ги қонунга кўра вазирликлар Вазирлар Кенгашига бўйсунди ва ўз соҳалари бўйича фаолиятлари йўналтирилиб, мувофиқлаштириб турилади. У юқори турувчи марказий орган сифатида вазирликлар фаолиятига раҳбарлик қилади, вазирликларни шаклантиради, ҳуқуқий мақомини (статусни) аниқлайди.

Ҳуқумат чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, раҳбарий актлар сифатида вазирликлар учун мажбурийдир. Айни пайтда вазирликлар қабул қилган норматив ҳужжатлар Вазирлар Кенгаши томонидан бекор қилиниши мумкин. (қонуннинг 12-моддаси)

Вазирлар Кенгаши вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб боради, вазирлик ҳақидаги низомларни тасдиқлайди, вазирлик ходимлари жадвали ва маблағ билан таъминланишини белгилаб беради, вазирларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва озод этади ҳамда вазирликга ҳайъатлар аъзоларини тасдиқдан ўтказди, вазирликларни ташкил этиш ёки тарқатиб юбориш (тугатиш) борасида Жўқорғи Кенгес ва унинг Раёсатига таклиф киритади.

Хўш, Қорақалпоғистон вазирликлари билан Ўзбекистон вазирликлари муносабатлари қандай?

Бу ерда ҳал қилувчи ҳолат – Ўзбекистон Республикасининг соҳавий вазирлиги Қорақалпоғистоннинг шу номдаги вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳарактерлидир. Ўзбекистон вазирликлари нисбатан кенгроқ раҳбарлик ваколатларига эга. Бунда ижобий тараф шундаки, Қорақалпоғистон вазирлиги янги ташкилотлар ташкил этишда, шу номдаги Ўзбекистон вазирлиги билан келишади, бу билан янги тизимда нафақат Қорақалпоғистон вазирлиги балким Ўзбекистон Республикаси вазирлиги таркибига кирганлиги таъқиқланади ва Ўзбекистон Республикасида яхлит соҳа – тизим амалда бўлиши қайд этилади.

Қорақалпоғистон вазирликларининг бошқарув фаолиятида уларнинг туман, шаҳар ҳокимлари билан алоқалари муҳим ўрин тутди. Улар ҳамкорликда жойлардаги ишлаб чиқариш комплексларига раҳбарлик қилади. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг қонунларга асосан фаолият кўрсатишини назорат қилади, бошқа соҳа ва тармоқлар билан боғлиқ масаларини ҳал қилади. Масалан, ердан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, капитал қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ижтимоий – маданий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олиши мумкин.

Вазирлик билан маҳаллий ҳокимият амалга ошириладиган ижроия – бошқарув фаолиятида вазирлик республика миқёсида ўз соҳаси бўйича барча ишларга раҳбарлик қилади, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса тегишли ҳудудда давлат, хўжалик ҳамда ижтимоий – маданий қурилишини бошқаради.

**Вазирлар Кенгаши ваколатлари.** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 1993 йил 6 августда Конституцияга асосан Вазирлар Кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари доирасини аниқловчи «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Сўнг 1998 йил 29 январда янги таҳрирдаги қонунни қабул қилди. Ушбу қонун талабларга биноан Вазирлиқ Кенгаши: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини руёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шаклларини барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади; Республикада пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, Республика

бюджетини, шунингдек Республика иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришини ва уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида Республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек табиий бойликларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш; соғлиқни сақлаш, халқ таълиминини ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; Республика давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини кўриқлаш, давлат манфаатини кўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш, Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, табиий офатларнинг оқибатларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўради, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни бажариш чора тадбирларини кўради. Юқоридагилардан ташқари Вазирлар Кенгаши фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ваколатларга эга.

Вазирлар Кенгаши вазирларнинг ўринбосарларини, давлат кўмиталари раисларнинг ўринбосарларини, бош бошқармалари ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди, лавозимидан озод этади. Хўжалик бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар хайъатлари аъзоларини тасдиқлайди. Шунингдек, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди. Юқорида номи тилга олинган давлат ва хўжалик бошқаруви тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.<sup>86</sup>

---

<sup>86</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (12 модда) 76.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий – маданий ривожлантиришини таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тизимларининг фаолиятини мувофиқлаштиришини амалга оширади. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг амалдаги қонунларга зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида Жўқорғи Кенгес таклифлар бериш ҳуқуқига эга. Вазирлар Кенгашининг тузилиши тегишли бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлим таркиби, унинг ваколатлари Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

**Вазирлар Кенгаши иш тартиби.** Вазирлар Кенгаши ўз ишини мажлисда ташкил қилади. Мажлисларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши иш тартиби билан белгиланган.<sup>87</sup> Вазирлар Кенгаши Раиси Вазирлар Кенгашининг ишини ташкил этади, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва кейинчалик уни Вазирлар Кенгаши Раёсатида тасдиқланади.

Халқаро муносабатларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг вакили бўлиб ҳисобланади, ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди. Вазирлар Кенгаши ва унинг раёсати мажлисларида қараб чиқилишни талаб қилмайдиган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа барча масалалари бўйича қарорлар қабул қилади.

Вазирлар Кенгаши Раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини унинг топшириғига биноан ўринбосарларидан бири бажаради. Вазирлар Кенгаши ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган, туркум тармоқлари фаолияти учун жавоб берадилар. Тегишли вазирликлар, давлат қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади, уларга топшириқлар беради, Вазирлар Кенгашига киритилган таклифларни, қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳаларини қараб чиқади. Вазирлар кенгаши аъзолари ўзларига топширилган соҳа фаолияти учун жавоб беради.<sup>88</sup> Вазирлар Кенгашининг доимий тузилмаси сифатида Вазирлар Кенгаши Раёсати фаолият кўрсатади.

<sup>87</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 14 модда 76.

<sup>88</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил, 17 модда, 96.

Вазирлар Кенгаши Раиси қарорига биноан Раёсат таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин. Вазирлар Кенгаши Раёсатининг ҳужжатлари: қарорлар, фармойишлар, баён қарорлар шаклида чиқарилади.

Алоҳида топшириқларни бажариш учун Вазирлар Кенгаши муваққат комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳларни тузиши ҳам мумкин.

Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикасининг бутун ҳудудида барча тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Кенгашининг маромий тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Кенгаши қарорлари шаклида чиқарилади. Шошилинич ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Кенгашининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Кенгашининг қарорлари Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан имзоланади. Вазирлар Кенгаши фармойишлари Вазирлар Кенгаши Раиси, у бўлмаган ҳолларда унинг топшириғига биноан ўринбосарлардан бири томонидан имзоланади. Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Кенгаши ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви тузилмалари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларини ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, Вазирлар Кенгаши қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Кенгашининг бўлимлари фаолият кўрсатади.

## **Б) Ҳокимлик ва маҳаллий ижро органларини ҳуқуқий муносабатлари**

Ҳоким институтининг вужудга келиши. Ҳокимларни тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тартиби. Давлат бошқарув органлари фаолиятнинг таркибий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларининг ижроия кўмиталари узоқ йиллар муҳим ўринни эгаллаб келдилар. Ижроия кўмиталари Кенгашлари қарорларини бажариш ва уларнинг ишини ташкил қилиш учун жавобгар эдилар. 80-йиллар охирида халқ ноиблари кенгашлари билан уларнинг ижрочи органлари ўртасидаги вазифалар ажратилгач, ижроия кўмиталари ихтиёрида фақат Кенгаш қарорларини бажариш вазифаси қолди. Уларнинг ишда кескин бурилиш бўлмади. Фаолият-

тида ҳамон расмиятчилик, қоғозбозлик, номигагина жавоб ёзиш фақат ўз идорасининг манфаатини кўзлаш, маҳаллийчилик, ҳамма нарсани сир тутиш, дабдабазлик, штатда ходимларнинг ортиқ даражада бўлиши ҳукмронлик қилар эди. Шу боис ижроия кўмиталарини ижрочи, ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан алмаштириш зарурлиги тўғрисидаги овозлар тез-тез эшитила бошланганлиги бежиз эмас. «Турли даражадаги Кенгашлар ҳокимият жиловини ўз томонларига буришга ҳаракат қила бошладилар. Ҳокимият учун энг қизғин кураш бир хил нуфуздаги Кенгашлар ва ижро-бошқарув органлари орасида авж олди.<sup>89</sup>

1991 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида ҳоким (шаҳар бошлиғи, мэр) лавозимини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳокимиятни мужассамлаштириши лозим эди.<sup>90</sup> Кейинчалик бу тажриба бутун Республикага, шу жумландан Қорақалпоғистон Республикасига ҳам ёйилди.

Ҳокимлик лавозими ижро ҳокимиятини кучайтириш мақсадида вужудга келтирилди. Ҳоким нафақат жойларда ижро ҳокимиятини бошқаради. Улар вакиллик органларини ҳам бошқаради, лекин бу уларнинг вакиллик органидан устунлигини кўрсатмайди, раҳбарлик бу ерда вакиллик органларининг ишини ташкил этишга қаратилган, яъни улар вакиллик органларининг сессияларини чақиради, сессия ишига раҳбарлик қилади, сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди. Ҳоким мутлақо янги лавозим бўлиб, унинг фаолияти асослари Конституциядаги XX – бобнинг 89,91-95–моддаларида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 92,94-98 моддаларида мустаҳкамланган. Ҳокимларнинг фаолияти қўшимча ва аниқ равишда Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунида белгиланган. Ана шуларга асосан, ҳоким жойларда олий мансабдор шахс ҳисобланади, ваколат муддати – 5 йил. Ҳоким ўз фаолиятини яккабошчилик асосида олиб боради, бу эса унинг маъсулиятини оширади. Ҳоким ўзи раҳбарлик қилаётган органлар фаолияти учун шахсан жавобгардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизимидан фарқ қилиб, ҳокимлар туманга бўйсинувчи шаҳарларда ҳам мавжуд. Қонунга асосан шаҳар ва туман ҳокимларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси лавозимга тайинлайди ва

<sup>89</sup> Советская Каракалпакия, 1990 йил, 8-декабрь

<sup>90</sup> Қаранг: Каримова О. Ғаффаров З. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» 1995 йил, 171-бет.

лавозимдан озод этади, ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсинувчи шаҳарларнинг ҳокимларини Жўқорғи Кенгес Раиси розилиги бўйича туман ҳокими тайинлайди ва лавозимдан озод қилади ҳамда халқ депутатларининг тегишли туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.<sup>91</sup>

**Ҳокимларнинг ваколатлари.** Бу Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг VI-бобида мустаҳкамланган. Ҳокимнинг ваколатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар мақсад, вазифаси, мазмунига кўра турли гуруҳларга бўлишини мумкин. Бу ваколатлар аввало, биринчидан ҳокимнинг мустақил ваколатларига, иккинчидан, албатта сессия тасдиғидан ўтказиш зарур ваколатларига бўлинади. Ҳоким ўзининг мустақил ваколатларини амалга оширганда, улар сессия тасдиғига киритилмайди. Масалан, ҳокимлик девони бўлинмалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия киритиш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун тақлифлар киритиш ва ҳақозо.

Иккинчи гуруҳ ваколатларини амалга оширганда, албатта сессия тасдиғига киритилиши керак. Бу ҳуқуқларга ўз ўринбосаларини тайинлаш ва бошқалар киради.

Бу ҳуқуқларни амалга оширишнинг яна бир ўзига хос хусусияти бор, яъни ҳокимлар олдиндан юқори органлар билан маслаҳатлашиб олади.<sup>92</sup> Масалан, шаҳар, туман ҳокимлари ўзларининг ўринбосарларини Жўқорғи Кенгес Раиси билан келишиб тайинлайди ва лавозимдан озод қилади. Бўлинма раҳбарларини тайинлашда ҳам шу турдаги юқори органлар билан келишилади. Масалан, туман ёки шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи, Республика соғлиқни сақлаш вазири билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ҳоким тегишли Кенгаш ҳудудаги хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш ишларига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг ва Жўқорғи Кенгес қонуний ҳужжатларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи

<sup>91</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил, 2-моддаси.

<sup>92</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун, 1993 йил, 22-модда.

Кенгеси Раиси, Вазирлар Кенгаши ҳужжатларининг, халқ депутатларининг тегишли Кенгашлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади; жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини, саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар бўлганда ва бошқа қийинчилик шароитида зарурий ишларни ташкил қилади; туманларда ва шаҳарларда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишлари, бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этади ва ҳакозо.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳоким ваколатлари мақсадига кўра гуруҳланиши мумкин. Масалан:

вакиллик органларининг ишини ташкил қилиш билан боғлиқ ваколатлар;

қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жинойтчиликка қарши ва фуқароларнинг манфаати билан боғлиқ ваколатлар;

ўзининг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларини ва девонини тайинлаш ва тузиш, давлат органлари, корхона, ташкилот, муассасалар фаолияти устидан назорат қилиш билан боғлиқ ваколатлар;

бюджет, унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот, молия, ҳисоб-китоб, мулкчилик муносабатлари, ердан фойдаланиш муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, савдо, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, транспорт, алоқа соҳасидаги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини кўрсатиш мумкин.

Ҳокимларнинг қонунда белгиланган муҳим ваколатларидан бири, аҳолини қабул қилишни уюштиришдир. Аҳолининг шикоят ва аризалари ўрганилиб, баъзи ҳуқуқ бузилишларига барҳам берилади. Уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини ҳал қилиш билангина чекланиб қолмай, бу иш ўз ҳудудида бошқа давлат органлари, ташкилотлар, корхона, муассасаларда ва жамоат ташкилотларида қандай йўлга қўйилганлигини ҳам назорат қилади.

Ҳокимнинг ўз ўринбосарларини, таркибий бўлинмалари ва девонини тайинлаш, тузиш, ўз ҳудудидаги бошқа давлат органлари, ташкилот ва муассасалар фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ваколатларига:

ўз ўринбосарлари қоида тариқасида шу кенгаш депутатлари орасидан тайинлаш;

ижроия ҳокимияти турли тармоқлар орқали бошқарилиш, уларнинг раҳбарлари ҳоким томонидан тайинланиши киради.

Ҳокимлар назорат фаолиятини турли шаклларда олиб боради. Масалан: туман ҳокимлари туманга бўйсинувчи шаҳар ҳокимларининг қонун ва юқори органлар ҳужжатларига зид қарорларини, яъни ноқонуний қарорларни бекор қилади.<sup>93</sup>

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ижроия ҳокимият таркибий бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоким қабул қилган қарорларни, фармойишларни, яъни бир сўз билан айтганда ҳужжатларни бажармаган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўяди.

Ҳоким ўз фаолиятида қарор қабул қилади, унинг қарори тегишли ҳудудда ҳамма томонидан бажарилиши шарт. Маҳаллий ҳокимият органларининг, жумладан ҳокимларнинг вазифалари, ваколатлари қонунларда белгилаб қўйилган вазифа ва ваколатлар билан чекланмайди. Уларга шароитга қараб янги-янги вазифалар юкланиши, ваколатлар берилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йили 24-ноябрдаги «Ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш тўғрисида»ги<sup>94</sup> Фармони билан туман ва шаҳар ҳокимларига қўшимча ваколат берилди.

**Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг тузилиши.** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида туман, шаҳар, шу жумладан туманга бўйсинувчи шаҳар ҳокимлари фаолиятига уларнинг ўринбосалари ёрдам беради. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосаларининг миқдори тегишли ҳудуддаги ишлаб чиқариш ҳажми, унинг тармоқлари, аҳоли сонига кўра Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланади.

Ўринбосаларнинг вазифалари тегишли ҳоким томонидан белгиланади. Ҳоким йўқлигида ёки у вазифасини турли узрли сабабларга кўра бажариш имкониятига эга бўлмаган пайтда, унинг ваколатларини биринчи ўринбосалардан бири бажаради.

Ҳокимлик бошқармалар, бўлинмалар ва бошқа бўлимлардан иборат бўлиб уларнинг тузилиш, ташкил этиш тартиби ва фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тасдиқлайдиган

<sup>93</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун, 1993 йил, 24-модда.

<sup>94</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил, 24-модда.

низомлар билан тартибга солинади. Туман ва шаҳар, шунингдек, туманга бўйсинувчи шаҳар ҳокимлари фаолиятига уларнинг девони (аппарати) ёрдам беради. Уларнинг тузилиши ва лавозимлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши розилиги билан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари тасдиқлаган бюджет доирасида ҳоким тарафидан белгиланади ва ўзгартирилади.<sup>95</sup>

Ҳоким девони, ҳокимнинг ва тегишли маҳаллий Кенгашларнинг бир маромда, тезкорлик билан ва самарали ишлашни таъминлаш вазифасини бўлинмалар ва ҳоким котибияти амалга оширади.

Котибият сессияларига, доимий комиссия мажлисларига тайёр-галик, қарор лойиҳаларини тайёрлашни уюштириш, уларнинг экспертизасини ташкил қилиш, халқ депутатларига, доимий комиссияларга методик ёрдам кўрсатиш, қарорлар ижросини назорат қилишни ташкил қилиш ишлари билан шуғулланади.

Котибият ҳоким маҳкамаси фаолиятини, депутатларни ижтимоий, моддий-техник ва ахборот воситалари билан таъминлашни амалга оширади.

Ҳоким котибиятига, ҳоким томонидан тайинланадиган ва тегишли Кенгаш сессиясида тасдиқланадиган раҳбар бошчилик қилади.

Маъмурий ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун ҳоким ҳузурида маслаҳат кенгаши тузилади. Унинг таркибига ҳокимнинг биринчи ва бошқа ўринбосарлари, котибият бошлиғи киради. Маслаҳат кенгаши таркибига ҳокимнинг қарорига мувофиқ Кенгаш депутатлари ҳамда бошқа корхона, ташкилот ва муассаса вакиллари ҳам кириши мумкин. Маслаҳат кенгаши йиғилишлари заруратга кўра ҳоким томонидан чақирилади. Маслаҳат кенгаши асосан масалаларни ҳар томонлама, пишиқ-пухта муҳокама қилиш учун чақирилади.<sup>96</sup>

Аммо қарор қабул қилишда ҳокимнинг фикри ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Маҳаллий жойларда идора органлари бўлиб, ҳокимларнинг бўлим, бошқармалари ҳисобланади. Улар хўжалик ва ижтимоий маданий, қурилиш тармоқларига раҳбарлик қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб, ҳокимлик лавозими мутлақо янги, маҳаллий жойларда ҳокимият ва ижро орган-

<sup>95</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил, 21-модда.

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ, Т. «Ўзбекистон» 1995 йил, 246-бет

ларнинг фаолиятига яккабошчилик тартибида раҳбарлик қилувчи, уларнинг фаолиятига яккабошчилик тартибида раҳбарлик қилувчи, уларнинг фаолиятини йўналтирувчи орган дейишимиз мумкин. Ҳокимларнинг ўз фаолиятини қанчалик тез ва тўғри уюштиришлари бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим роль ўйнайди.

## 2.4. Қорақалпоғистон давлатчилиги шаклланишида суд ҳокимиятини тузилиши

Истиқлол туфайли ҳуқуқий мустақиллик қўлга киритилди. Миллийлик руҳи билан суғорилган, айна вақтда жаҳон ҳуқуқий андозаларига мос келадиган Конституция қабул қилинди. Конституцияда суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, суд ва судьялар мустақил ва улар фақат қонунгагина бўйсундилар, деб эълон қилинган.

Конституция суд ва судьяларнинг мавқеини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, улар зиммасидаги масъулиятни кескин оширди ва одил судловни амалга оширишда кенг имкониятлар яратиб берди.

Суд ҳуқуқий соҳасига дахлдор ислоҳатларни чуқурлаштириш масалалари янги барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат учун ўта муҳимдир.

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари”, - деган тамойилнинг мазмун-моҳияти хусусида ҳамда ҳокимиятнинг учинчи тармоғи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилганлигини таъкидлаш жоиздир<sup>97</sup>.

Бу борада ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилгани; судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилганлиги; судлар фаолиятидаги хато ва нуқсонларни тузатиш механизми апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтларининг жорий этилганлиги; тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари қисқартирилгани, ишларни судда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилгани, суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатаётгани, судларнинг ўзи эса уларга хос бўлмаган вазифалардан озод этилгани;

<sup>97</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., “Ўзбекистон” 2005 й. 43-бет.

суд жараёнига прокуратура органлари аралашувини чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига ўзгартиришлар киритилганлигини ва суд жараёнида прокурор билан ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари тенглаштирилганлиги:

Қолаверса, мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилганлиги; ўта оғир бўлмаган, ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилиши; ярашув институтининг жорий этилиши; амнистия таклифининг мунтазам қўлланилаётганлиги, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасида истиқболдаги вазифаларнинг қуйидагича асосий йўналишларини белгилаб беради: судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш; прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш; шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва бошқа процессуал мужбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш; жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш.

Мустақил суд ҳокимиятини амалга ошириш механизмини тартибга солувчи ва судьяларни сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни вазифасидан озод қилиш тартиби, суд ишларини кўришда аралашганлик учун жавобгарлик ва ҳоказоларнинг асосий кафолати ҳисобланмиш “Судлар тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрдаги, сўнг 2000 йил 14 декабрдаги янги тахрирдаги қонунида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал (2004 йил) ва Фуқаролик процессуал (2001 йил) кодекслари қабул қилиниб, уларда суд мустақиллиги тамойиллари, тарафларнинг тенглиги, суд ишларини юритишда тортишув ва одил судловнинг бошқа демократик меъёрлари мустаҳкамланди.

Ҳозирги вақтда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад шуки, одамлар судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки, аввало, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашга эришди.

Айнан шунинг натижасида, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат принципларига, демократия талабларига тўла жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизимида Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича туманлар (шаҳар)суди, жиноят ишлари бўйича туман

(шаҳар) судлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди фаолият кўрсатадилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Жиноят ишлари бўйича Олий суди ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг таклифи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлар (шаҳар)аро судлари, жиноят ишлари бўйича туманлар (шаҳар) судларининг судьяларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг таклифи ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси тайинлайди. Барча судларнинг сайланиш ва тайинланиш муддати – беш йил.

Судларнинг иш тартиби ва уларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисидаги қонуни», Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Фавқулодда судларнинг тузилишига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди жиной, фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида Олий суд ҳокимияти органи бўлиб ҳисобланади ҳамда туман ва шаҳар судларининг иш фаолиятини суд тартибида назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Фуқаролик ва Жиноят ишлари бўйича Олий судлари туманлар (шаҳар) судлари устидан суд назоратини олиб боради. Улар ўз ваколати доирасида биринчи инстанцияда, апелляция, кассацион ва назорат тартибда иш кўради; суд амалиётини умумлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикасининг Жиноят ва Фуқаролик ишлари бўйича Олий суди – раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, суднинг раёсати ва судлов хайъатлари тартибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикасининг Жиноят ва Фуқаролик ишлари бўйича Олий суди туманлар (шаҳар) судларига тегишли ҳар

қандай ишларнинг мураккаблиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб ўзлари биринчи инстанция тартибида иш кўриш ҳуқуқига эга. Шунингдек, у ишни бир суддан бошқа судга олиб бериши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари Раёсати ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; судлар фаолияти ва қонунларни қўллаш амалиёти ҳақида туман (шаҳар) судлари раисларининг ҳисоботини тинглайди; қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг суд ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштиради, қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раислари суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади; суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан, қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест киритади; суд назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади; суд Раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади; суд раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назорат амалга ошириш ишини ташкил этади; Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьяларини жавобгарлиги ҳақида иш кўзғатади; судьялар, суднинг бошқа ходимлари ва халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини; суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади; фуқароларни шахсан қабул қилади; уларни қабул қилиш; ариза ва шикоятларини кўриб чиқишни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раислари Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленумининг таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьяларидан иборат бўлиб, қонун билан ўз ваколатлари доирасида берилган фуқаролик ишларини кўради.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиши билан бир қаторда унинг таркибида маъмурий ишлари бўйича судьялар ҳам бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ваколатлари доирасида берилган жиноят ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўради.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси: суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди; суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларига раҳбарлик қилади, қонун бузилишни, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади; суд ходимлари ва халқ маслахатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади; фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади, суд идораси ишига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси йўқлигида унинг ваколатлари судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларининг қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин.

Иқтисодий соҳада ва уни бошқариш соҳасида Қорақалпоғистонда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар шунингдек тадбиркорлар орасида вужудга келадиган хўжалик низолари Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди томонидан унинг ваколатлари доирасида ҳал этилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди Қорақалпоғистонда хўжалик соҳасида суд ишларини юргизувчи суд ҳокимиятини амалга оширади. Хўжалик судларининг вазифалари иқтисодий соҳада корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки даъволардан келиб тушадиган ҳуқуқларини ёки қонунда кўрсатилган манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилгандир.

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди ўз ваколати доирасида биринчи инстанция ва апелляция тартибида иш кўради, суд амалиётини умумлаштиради. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди – раис, раиснинг ўринбосарлари ва судьялардан иборат. Зарур ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судида

суд хайъатлари тузилиши мумкин. Суд раиси қонунда кўрсатилган қуйидаги ваколатларга эга: суд фаолиятига раислик қилади; раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди; судья ва суднинг ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади; суд амалиётини умумлаштиради ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил қилади; фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади.

Хўжалик суди қуйидаги ишларни кўради:

- Иқтисодий соҳада юридик томонлар (шахслар), бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва шахсий тартибда тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга тегишли ишлар.

- Иқтисодий соҳада ташкилотлар ва фуқаролар ҳуқуқларининг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар.

- Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Одил судловнинг демократик тамойилларининг конституциявий принципларидан бири суд ҳокимиятининг мустақиллигидир. Судьялар фақат қонунга бўйсунди, шунинг учун ҳам одил судловни амалга ошириш борасида уларнинг фаолиятига ҳеч кимнинг аралашувига ҳаққи йўқ. Судьяларнинг мустақиллиги уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш, шунингдек, уларнинг дахлсизлиги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат ва бошқа органлар, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларнинг мустақиллигини ҳурмат этиши лозим. Судьяларга ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, унга очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларини қилиш қонунга тегишли равишда жавабгарликка олиб келади. Судьяларнинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойи, хизмат хонаси, фойдаланадиган транспорти ва алоқа қуроллари, унинг хат-хабарномалари, мулки ва ҳужжатларига тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишли тизим билан ўқотар қуроллари берилади. Зарур ҳолларда ички ишлар органлари томонидан унга ва унинг оиласига қуролли соқчилар ажратилади.

Судьяларга қарши жиноят иши фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин. Судья тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми, Ўзбекистон Республикасининг Олий Хўжалик суди Пленумининг рухсатсиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Судья тегишли малака ҳайъатининг рухсатсиз маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Судьянинг турар жойи ёки хизмат хонаси, унинг фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш ёки тинтув, телефондаги сўзларини эшитиш ва шахсини тинтув қилиш, шунингдек унга тегишли мулкларни ва ҳужжатларни, унинг хат хабарларини кўздан кечириш ёки олишга Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг санкцияси ёки суднинг қарори билан рухсат этилади.

Туманлараро ва туман (шаҳар) судларининг судьяларига қарши жиноят иши Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судьясига қарши жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилади. Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифасини бажариш даврида судьялар дахлсизлигининг барча кафолатларидан фойдаланади.

Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўла олмайди. Улар сиёсий партияларнинг ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши тақиқланади, бошқа бир ҳақ тўланадиган лавозимда ишлашлари мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг, судьяларининг ваколлати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг таклифи билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қонунда кўрсатилган ҳолларда муддатдан олдин тугатилиши мумкин. Аниқ айтганда, агар судьянинг қасамёдини бузганда, ўзи ёзма ариза берса; малака ҳайъати томонидан ишланган хайфсан ёки ваколлатининг тўхтатилишига қарамасдан ўз лавозимида мос келмайдиган иш билан шуғулланишни давом эттирса; суд қарори билан ҳаракат этишга лаёқатсиз деб топилса; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотса; унга қарши суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирса; суднинг қонуний кучга кирган қарорига мувофиқ ўлган деб эълон қилинса; соғлиги ёки бошқа асосли сабаблар билан узоқ вақт давомида судьялик вазифасини давом эттира олмай қолган бўлса.

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Суд мажлисларини очик турда юритиш унга барча фуқароларни қатнашиши мумкинлигини беради. Бундай ҳолларда жамоатчилик томонидан суд жараёни назорат қилинади ва маълум даражада суд мажлисини қонуний тартибда олиб борилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 19-моддасида барча судларда давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда жиноят ишлари очик турда кўрилади дейилган. Бундан бошқа 18 ёшга тўлмаган одамларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкора қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда, бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.<sup>98</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ давлат сирларини ҳимоялаш манфаатларига қарши келадиган коммерциялик сир кўрсатилган ишлардан бошқа барча ишлар очик турда кўрилади. Ишда қатнашувчилар шахсий ҳаётига тегишли маълумотларни эълон қилмаслик мақсадида, шунингдек фарзандликка олиш сирини ва хат олиш сирини таъминлаш учун ҳам ёпиқ турда суд мажлиси ўтказилиши мумкин.

Барча суд қарорлари очик турда эълон қилинади.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир.

Одил судловни амалга ошириш қонун билан фақатгина суд органлари ваколатига берилган. Суд ўз қарорларини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради. Шунинг учун унинг суд жараёнига тегишли актлари барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт. Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли моддаларида суд қарорларининг бажарилиш тартиби кўрсатилган.

---

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004 йил 11-бет.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддасида суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган.<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳларнинг 181-моддасига мувофиқ мансабдор шахсларга суднинг хусусий ажрими бўйича чоралар кўрмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.<sup>100</sup>

Қорақалпоғистон Республикасида суд ишларини юритиш қорақалпоқ, ўзбек тилларида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади.

Қорақалпоғистонда давлат тили қорақалпоқ ва ўзбек тили ҳисобланади. Шунинг учун суд иши шу тилларда олиб борилади. Айрим чегарадош жойлардаги халқнинг кўпчилиги бошқа тилларда сўзлашса ўша тилда суд иши юритилиши мумкин. Суд жараёнининг тилига ишга қатнашувчилар тушиниши шарт. Шунинг учун, агар қатнашувчилар судлов тилини тушунмаса уларга таржимон берилади. Демак, ишга қатнашишга келган шахс она тилда сўзлашишга ҳақли. Сабаби у ўз фикрини она тилида эркин ва аниқ билдиради, шунингдек янгилишига йўл қўймайди. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоясига тегишли халқаро нормаларида кўрсатилган. Республикамизда бу одил судлов конституциявий принцип бўлиб киритилган. Ҳаттоки айбланувчига, судланувчига ёки процессга қатнашган бошқа одамларга берилиши керак бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилида ёки улар билган бошқа тилга ўгирилиши шарт.

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Жиноят процессуал кодексининг 49-моддасига мувофиқ, ҳимоячи ишда айбланувчига айб эълон қилинган вақтдан ёки у гумон қилинган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004 йил, 125-бет.

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига шарҳлар. Т., «Адолат», 2000 йил 306-бет.

қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб иштирок этишига рухсат этилади.<sup>101</sup>

Адвокатура ҳақидаги қонунга мувофиқ адвокатура фуқароларга, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек, бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тартибга солинади. Адвокатлар томонидан қуйидагилар амалга оширилади: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар беради; қонун бўйича оғзаки ва ёзма тартибда маълумот беради; ҳуқуқий хусусиятдаги ариза, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади; фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда бошқа органларда жисмоний ва юридик томонлар (шахслар) олдида вакилликни амалга оширади. Жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади; тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Адвокатларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва дахлсизлиги қонун билан ҳимоя қилинади.

Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўриляётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўриляётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи иштироки механизми яратилди.

Фақат қонунга бўйсинувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Бундан хулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади.<sup>102</sup>

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004 йил, 25-бет.

<sup>102</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон” 1999 й. 29-30 бетлар.

Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи-суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.<sup>103</sup>

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил шаҳобчаларидан бири бўлиб, унга Конституция жамият ҳаётида одил судловни амалга ошириш вазифасини юклаган. Шундай экан, мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки мамлакатимизда суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилганлиги, суд қарорларини ижро этишни таъминловчи департамент фаолият кўрсатаётганлиги, судларнинг ўзи эса уларга хос бўлмаган вазифалардан озод этилганлиги албатта ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида суд-ҳуқуқ соҳасида қўйилган муҳим қадамлардандир.

---

<sup>103</sup> И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Т., “Ўзбекистон” 2005 йил 96-бет.

### **III БОБ. Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари**

#### **3.1. Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистонда ҳам, энг муҳим демакрatik институтлар билан бирга, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ҳам ўрнатилди. Ушбу тамойилнинг илгари сурилиши демакрatik ислоҳатлар йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимиятини юқорида таърифланган энг демакрatik институтлардан ҳисобланмиш, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили асосида шаклланади. Давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятларига бўлинган ҳолда бир биридан мустақил бўлган органлар тизими томонидан амалга оширилади. Бу қоида Конституцияда ўз ифодасини топган. Қорақалпоғистон Конституциясининг 11-моддасида, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида амалга оширилади, деб белгилаб қўйилган.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида, нутқларида ҳам ҳокимиятлар бўлиниши принципига, унинг аҳамиятига алоҳида эътибор берилган. Зеро, “давлат – ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳокимиятнинг бўлиниши принципи асосида амалга оширилади, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг учта асосий таянчидир”<sup>104</sup>

Республикада ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойили амал қилмоқда.

Давлат бошқарувини янги, янада замонавий тизимини шакллантириш бўйича барча соҳада ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, “Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибаларда шак-шубҳасиз самарали фойдаланади”<sup>105</sup> – деб юртбошимиз томонидан таъкидланган эди.

<sup>104</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., “Ўзбекистон”. 1996.

<sup>105</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., “Ўзбекистон”. 1996.

Ҳокимият муаммолари, унинг тушунчаси, ижтимоий моҳияти ҳақида профессор З.М.Исломовнинг илмий асарларида кенг талқин этилган.<sup>106</sup>

Ҳокимият бўлиниш принципи давлатнинг Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Унинг мазмунидан шуни кўриш мумкинки, республикада ягона давлат ҳокимияти тизими ташкил этилади. Ҳокимият бўлиниши тамойилининг талабларига биноан бундай давлат ҳокимиятида ваколатлар турли давлат органларига, чунончи қонунчилик ваколатлари Жўқорғи Кенгесга, ижро ваколатлари Вазирлар Кенгашига, судлов ваколатлари суд органларига тақсимлаб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қонунчилик соҳасида барча ваколатларга эга. Асосий Қонунимизнинг 68-моддасида Жўқорғи Кенгес олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади»<sup>107</sup> деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 86 депутатдан иборат. Республика парламенти – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси деб аталади.

Суверен Республикада демократик жамият қуриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган муҳим қонунлар ва қарорлар қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органи Вазирлар Кенгаши бўлиб ҳисобланади. Ижроия ҳокимият таркибига вазирликлар ва бир қатор соҳа қўмиталарининг раислари ҳам киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ўзининг иш олиб борувчи доимий вакилига эга.

Ҳокимият бўлиниши принципини амалга ошира бориб, Вазирлар Кенгаши республика ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор ва фармойишлар чиқаради.

Суверен республика Асосий Қонунининг 86-моддасида «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши – Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати Қорақалпоғистон Республикаси давлат

<sup>106</sup> З.М.Исломов Проблема власти: её понимание, назначение, социальная ценность. Т. –2003. 244 с.

<sup>107</sup> Қорақалпоғистон Республиканиннг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 29-30 бет.

ҳокимиятининг олий ижро этувчи – бошқарувчи органдир»<sup>108</sup> деган норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳуқуқий давлатда суд умуминсоний кадриятлар фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ҳамда сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ҳокимият тақсимланиши нуқтаи назаридан Конституциянинг XXII бобида суд ҳокимияти тузилишига алоҳида эътибор берилган<sup>109</sup>: 100-моддада Қорақалпоғистон Республи-каси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил иш юритади, деган норма белгиланган. 101-моддада Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Қора-қалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган туман ва шаҳар судларидан иборат. Судларни ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланганлиги, 102-мод-дада Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди жинорий, фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритиш борасида, суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши, 104-моддада судьяларнинг дахлсизлиги, Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Жўқорғи Кен-гесининг депутаты бўла олмаслиги, сиёсий партиялар ва ҳаракат-ларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бирорта лавозимни эгаллаши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил қилишдаги муҳим тамойиллардандир.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг замонавий тизимини вужудга келтиришда дастлабки қадамлар қўйилган бўлса ҳам, ҳали бу борада қатор муаммолар сақланиб қолинган эди. Шу боисдан Президент И.А. Каримов 1997 йил 17 июл куни Нукусда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти фаолиятларидаги камчиликларни чуқур таҳлил қилди. Мазкур сессияда нутқ сўзлар экан, Президент И.А.Каримов «ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало, ўз тасарруфида белгиланган,

<sup>108</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 43 бет.

<sup>109</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 50-53 бет.

топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур»<sup>110</sup>, - деб қайд қилди.

Сессияда Қорақалпоғистоннинг бошқарув тизимида бир қатор камчиликлар мавжудлиги рўй-рост кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳоллари танқид қилинди. Амалий фаолиятга халақит бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар тўплаш каби нуқсонлар тилга олинди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига барҳам бериш алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз томонидан кўрсатиб ўтилган танқидий ҳоллардан хулоса чиқарган ҳолда Қорақалпоғистон парламенти биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 1997-йил 15-декабрдаги ўн учинчи сессиясида Қорақалпоғистон Конституциясининг “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган V-бўлимига учта модда (XIX бобда: 84-85-моддалар; XX бобда: 88-модда) қўшимча қилиб киритилди. Учала ҳокимият органи – Жўқорғи Кенгес, ижро ҳокимият – Вазирлар Кенгаши ва суд ҳокимияти ўз мақоми доирасида иш олиб борилганидагина ҳақиқий демократик жамият шаклланиши мумкинлиги таъкидланди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигида ҳокимиятни бўлиниш принциплари изчил амалга оширилишида давлат тизимининг шаклланиши муаммолари тадқиқ қилиниши биз танлаган йўл-ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

---

<sup>110</sup> Каримов И.А. «Янгича тафаккур – замон талаби» номли маъруза Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нути. "Адам ҳам нызам", "Инсон ва қонун" газетаси 1997 йил 25 июн №23 (30) сони.

### 3.2. Марказий ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатлар

Қорақалпоғистон Республикасида республика миқёсидаги органлар фаолиятида ҳокимиятнинг тақсимланиш принципида бир қанча натижаларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси – Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.<sup>111</sup>

Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга ягона давлат органидир.

Ундан бошқа бирорта ҳам давлат органи Қорақалпоғистон Республикасида қонунчилик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Жўқорғи Кенгес туб моҳияти билан парламент органидир. У вакиллик тавсифига эга. Бу аввало унинг ташкил бўлишида Қорақалпоғистон фуқароларининг бевосита иштирок этишида яққол кўринади. У ўзида вакиллик ва бевосита демократия хусусиятларини мужассамлантира олади. Таркибида иш олиб борувчи депутатлар фуқароларнинг вакилидир, улар ўз ваколатини сайловчилардан олади, улар номидан иш олиб боради. Жўқорғи Кенгес бошқа ҳар қандай давлат органидан, бошқа ҳокимият турларини амалга оширувчи органлардан нисбатан кўпчилик шахсларни ўзида бирлаштирувчи органидир. Унга сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг асослари берилган, ва бу маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларининг конституциявий асоси ҳисобланади. Бу модда учун Республикамиз Президентининг "Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш лозим бўлади"<sup>112</sup>, -деб таъкидлаган сўзи ҳам асос бўлади.

Бу моддада маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларининг вазифалари ажратилиб кўрсатилмаган, шунинг учун у вакиллик ҳокимиятига ҳам, ижро ҳокимиятига ҳам тааллуқлидир. Бу ваколатларга қуйидагилар киради:

<sup>111</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., «Қорақалпоғистон», 1998 йил 29-30 бетлар

<sup>112</sup> Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" Т. "Ўзбекистон", 1992 йил 7-16 бет.

- қонунийлик, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқларни, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш<sup>113</sup>.

Қонунийлик ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Қонунийликсиз ҳуқуқий тартибот бўлмаганидек (ёки аксинча), қонунийлик ҳамда ҳуқуқий-тартиботнинг бузилиши фуқароларнинг хавфсизлигининг бузилишига сабаб бўлади (ёки аксинча). Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига берилган шарҳларда атрофлича изоҳ берилган. Маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролни ўйнайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини белгилайди. Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базанинг салмоқли қисмини вужудга келтиришга қаратилган. Халқ депутатлари Кенгашлари ўз ваколати доирасида маҳаллий бюджетни, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайди. Шунингдек маҳаллий солиқлар, йиғимлар, миқдорини белгилайди.

Ўз ҳудудида коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади.

<sup>113</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н. “Қорақалпоғистон”. 1998 йил. 48-бет.

Атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш борасида тегишли ҳуқуқий нормаларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан чоралар кўради. Масалан, атроф муҳитга зарар етказётган маҳаллий аҳамиятга эга объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Маҳаллий вакиллик органлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларнинг фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик уларнинг фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларни тузиш масаласини ҳал қилишда, шу органларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласида иштирок этишида ҳамда шу органларнинг фаолияти устидан назорат қилишда кўринади. Халқ депутатлари Кенгаши ўз фаолияти давомида, ўзининг ваколатлари доирасида коллегиял асосда норматив ҳужжатлар қабул қилади. Улар қабул қилган норматив ҳужжатлар ўз ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг бутун фаолиятини давлат ҳамда фуқароларнинг манфаатини кўзлаб олиб боради, натижада давлат манфаати билан фуқароларнинг манфаати ўртасида муштараклик вужудга келади. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий Кенгашлар ваколатларини белгилайдиган 1993 йил 24 декабрда қабул қилинган қонунида вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида берилган. Қонуннинг 23-моддасига биноан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ҳокимининг тақдимига биноан ўз ҳудуди бюджетини ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни, ҳудудни ривожлантириш режасини, туман ва шаҳарнинг бош лойиҳаси ва уни қуриш тартибини тасдиқлайди; амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқ, йиғим ва божлар миқдорини белгилайди, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқ, йиғим ва тўловлар бўйича имтиёзлар белгилайди; ҳоким ва унинг ўринбосарлари лавозимини тасдиқлайди, лавозимдан озод этиш ишларини амалга оширади, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни эшитади; **қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳокимлар қарорларини тасдиқлайди;** халқ депутатлари Кенгашларининг иш тартиблари, доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди ва зарур бўлса, уларга ўзгартиришлар киритади; Кенгашнинг доимий ва муваққат комиссиялари ҳамда бошқа органларини тузади, сайлайди ва тугатади, уларнинг таркибини ўзгартира-

ди, фаолияти ҳақида ҳисоботларни тинглайди; депутатларнинг ваколатларини тасдиқлайди, ваколатини муддатидан аввал тўхтатади ёки уларни жавобгарликка тортиш, ишдан бўшатишга розилик беради; ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа ташкилий бўлинмалар ҳисоботини эшитади; халқ депутатлари сўровларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади; ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига зид қарорларини бекор қилади; ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик тузилишини, унинг штатларини ва ходимларнинг иш ҳақи фондидини тасдиқлайди.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, халқ депутатлари Кенгашларининг мутлақ ваколатлари бўлиб, улар фақат Кенгашлар томонидангина ҳал қилинади. Масалан, бюджетни, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш, ёрдамчи органларни тузиш, депутатлар ваколатларини тасдиқлаш, муддатидан аввал тугатиш, ҳокимни лавозимга тасдиқлаш ва бошқалар. Иккинчи турга бошқа ваколатлари киради, яъни уларни сессиялар оралиғидаги вақтда ҳокимлар бажара олади, лекин у масала сессияда албатта тасдиқланиши керак. Масалан, ҳокимлик тузилиш бўлинмалари (тармоқ бошқарув органлари) бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишни сессиялар оралиғидаги вақтда ҳоким амалга ошириши мумкин. Лекин ҳокимнинг қарори албатта сессияда тасдиқланиши керак.

Марказий ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрлари бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси «Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонун, Жўқорғи Кенгес Регламенти ва Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуний ҳужжатлар ҳисобланади. Бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилгани бўйича олий вакиллик ва маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро муносабатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Шаҳарлар ва туманларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш бўйича Жўқорғи Кенгеснинг тавсия бериш ҳуқуқи борасидаги муносабатлари;

2) Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида, унинг тизимини, фаолиятини белгилаш бўйича қонуний ҳужжатлар қабул қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича Жўқорғи Кенгеснинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши натижасида келиб чиқадиган муносабатлари;

3) Жўқорғи Кенгеснинг маҳаллий вакиллик органларига сайловлар белгилаши борасида вужудга келадиган муносабатлари;

4) Жўқорғи Кенгес Раисининг маҳаллий вакиллик органи раҳбари-туман ва шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш борасидаги муносабатлари;

5) Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг, шунингдек туман ва шаҳар ҳокимларининг қабул қилган ҳужжатлари қонунга зид келган ҳолларда Жўқорғи Кенгес томонидан, сессиялар оралиғида эса Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан тўхталиши ва бекор қилинишида вужудга келадиган муносабатлар;

6) Маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг республика қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорларини, Жўқорғи Кенгес Раисининг фармонларини, қарорларини ва фармойишларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги муносабатлари;

7) Маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари раҳбарлари Жўқорғи Кенгес Раисига ҳисобот бериш борасидаги муносабатлари;

8) Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан маҳаллий вакиллик органлари раҳбари ҳокимларнинг ўринбосарлари сонининг белгиланиши, биринчи ўринбосари ва бошқа ўринбосарларининг Жўқорғи Кенгес Раиси розилиги билан лавозимига тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши бўйича вужудга келадиган муносабатлар; Қорақалпоғистон давлатчилиги энг асосий вазифалардан бири туман ва шаҳарларнинг иқтисодий масалаларини ҳал қилиш учун уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур.<sup>114</sup> Гап шундаки, Олий вакиллик ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги ҳуқуқий масалаларнинг чегарасини аниқлаб энг муҳим вазифаларни марказ ихтиёрида қолдириб, қолган вазифаларни туман, шаҳар, яъни маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига топшириш лозим. Республиканинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ролини юксалтириш, марказлаштириш ва барқарорликни таъминлаш, демократияни, яъни халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, асосан, давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни такомиллаштириш асосида олиб борилиши зарур. Бугунги кунда кўп масалалар асосан марказий давлат органларида мужассамлашган. Аммо келажакда босқичма-босқич марказий давлат органлари билан маҳаллий давлат органлари ўртасидаги вазифаларни аниқлашда кўпроқ маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Демак, биз Қорақалпоғистон Республикасида вакил-

<sup>114</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши. Тошкент «Шарқ» 1996 йил, 75-бет.

лик ҳокимиятини шаклланиши ва ривожланиш жараёнида қонунчилик ва вакиллик ҳокимиятини ҳуқуқий негизини ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда марказий ва маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро муносабатлари ҳуқуқий таъминотининг аҳамияти ва мазмунини таҳлил қилишга интилдик.

### **3.3. Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги 1998 йил 29 январда янги таҳрирдаги қабул қилинган қонун талабларига биноан Вазирлар Кенгаши: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини руёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади; Республикада пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, Республика бюджетини, шунингдек Республика иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришини ва уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида Республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек табиий бойликларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; Республика давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқлаш, давлат манфаатини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш, Республика ва халқаро аҳамиятига эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўради, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради. Юқоридагилардан ташқари Вазирлар Кенгаши фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ваколатларга эга.

Вазиралар Кенгаши вазирларнинг ўринбосарларини, давлат кўмиталари раисларнинг ўринбосарларини, бош бошқармалари ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди, лавозимидан озод этади. Хўжалик бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар хайъатлари аъзоларини тасдиқлайди. Шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди. Юқорида номи тилга олинган давлат ва хўжалик бошқаруви тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.<sup>115</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришини таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғуланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тизимларининг фаолиятини мувофиқлаштиришини амалга оширади. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг амалдаги қонунларга зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида Жўқорғи Кенгес таклифлар бериш ҳуқуқига эга. Вазирлар Кенгашининг тузилиши тегишли бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлим таркиби, унинг ваколатлари Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

Вазирлар Кенгаши ўз ваколати доирасида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий, маданий ривожланишини таъминлашга боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро ҳокимиятининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди. Вазирлар Кенгаши ҳал қилиши зарур бўлган масалалар бўйича туман ва шаҳар ҳокимларининг таклифларини қараб чиқади. Республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши дастури ва давлат бюджетининг бажарилиши бўйича маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳисоботини тинглайди ва зарур бўлса, ҳокимларнинг жавобгарлигини қараб чиқиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига таклифлар киритади. Вазирликларнинг, давлат кўмита-

<sup>115</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (12 модда) 7-бет.

ларининг ва бошқа давлат бошқарув органларининг, шаҳар ва туман ҳокимлари билан ўзаро муносабатларини таъминлайди, уларнинг иш фаолиятлари натижасида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилади, маҳаллий ижро ҳокимияти мажмуининг тузилмасини (структурасини) ва сонини белгилайди. Маҳаллий Олий ижро ҳокимияти қабул қилган қарорларнинг, фармойишларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг тегишли ҳудудларда бажарилишни таъминлайди ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисобот беради. Қорақалпоғистон Республикасида Олий ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар Конституция меъёрларидан, Қорақалпоғистон Республикаси “Вазирлар Кенгаши тўғрисида” ги қонун 1998 йил, 3 – бет, 8 – модда.

Қорақалпоғистон Республикаси “Вазирлар Кенгаши тўғрисида” ги, Қорақалпоғистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунлар ва уларнинг фаолиятига тааллуқли ички ҳужжат қоидаларидан келиб чиқади.

Қорақалпоғистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” ги қонуннинг 21-моддасида кўзда тутилгани бўйича жойлардаги ижро ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалардан, бўлимлардан ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши, ташкилотчилик ва иш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади. Вазирлар Кенгаши туман ва шаҳар ҳокимларнинг амалдаги қонунларга зид келадиган қарорлари ва фармойишларини тўхтатади ва уни бекор қилиш бўйича Жўқорғи Кенгес Раисига таклиф киритади<sup>116</sup>. Бу фаолият ҳам маълум муносабатларни келтириб чиқаради.

Республика Олий ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолияти самарали бўлишини таъминловчи муҳим шарт уларнинг ишини олдиндан мўлжаллаб ва таклиф, уларнинг махсус ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларига мос келиши ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, яъни олий ижро ҳокимияти билан маҳаллий ижро ҳокимият ҳисобланадиган ҳокимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари Республика Конституциясида, шунингдек, Республика “Вазирлар Кенгаши тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддасида, Республика “Маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисида” ги қонуннинг 21-моддасида ҳамда бу ҳар иккала бошқарув органларининг Регламентларида ўз аксини топган.

---

<sup>116</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Н., Қорақалпоғистон, 1998 йил 44 – бет.

Туман, шаҳар ижро ҳокимияти органларининг тузилиши Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши розилиги билан, ҳоким томонидан халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланган ва тасдиқланган.

Ижтимоий масалаларнинг турли соҳаларни бошқариш республика маҳаллий давлат органлари фаолиятига таянади. Республика миқёсида амал қилувчи ҳужжатлар қабул қилинишида маҳаллий манфаатлар ҳисобига олинади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги масалалар республика маҳаллий бошқарув органларининг ҳамкорлигида ҳал қилинади ҳамда бу масалалар орқали Олий ва маҳаллий ижро органларининг ўзаро муносабатлари вужудга келади:

- ўқув юртларини кенгайтириш ва янгиларни қуриш;
- маҳаллий иқтисод тармоқларини такомиллаштириш;
- аграр тармоқларни ривожлантириш;
- аҳолини сув ва газ билан таъминлаш.

Ушбу кўрсатилган ва бошқа шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилишда Олий ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида мустақиллиги ва бир–бирига боғлиқлик мужассамлашган. Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида давлат ҳокимиятининг ўта марказлаштирилиши зарур эди.

Шу сабабли марказий бошқарув органининг ҳуқуқи қуйи бошқарув органларига нисбатан катта бўлди. Ҳозирги кунда, Республикада тинчлик, барқарорлик қарор топган бир шароитда қуйи бошқарув органларининг ваколатларини кенгайтириш масалалари кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, ушбу ўқув қўлланмада Қорақалпоғистон Республикасидаги ижро ҳокимиятни шакллантириш шароитида – ҳукумат яъни Вазирлар Кенгаши алоҳида ҳукумат, ҳокимлик ва маҳаллий ижро ҳокимияти алоҳида ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш тараққиётимизга арзигули таклифлар берадиган, давлат ҳуқуқи соҳасидаги изланишларнинг амалиётига ижобий самара етказадиган хулосаларни бериши шубҳасиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов асарлари:

1.1 Каримов И.А “Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули” Т.: Ўзбекистон, 1992 йил.

1.2 Каримов И.А “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатлари”. Т.: Ўзбекистон, 1993 йил.

1.3 Каримов И.А “ Ўзбекистон – бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” Т.: Ўзбекистон, 1994 йил.

1.4 Каримов И.А “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

1.5 Каримов И.А “Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий принциплари”. Т.: Ўзбекистон, 1995й.

1.6 Каримов И.А “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» 1- жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.

1.7 Каримов И.А. “Ижобий ишларимизни охирига етказайлик”. “Биздан озод ва обод Ватан колсин” 2 – жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996й

1.8 Каримов И.А. “Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” Т.: Ўзбекистон, 1996 й.

1.9 Каримов И.А “ Бунёдкорлик фаровон ҳаёт асоси” “Бунёдкорлик йўлидан” 4 – жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.

1.10 Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

1.11 Каримов И.А. “ Ўзбекистон буюк келажак сари ” Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.

1.12 Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” Асарлар тўплами. 7 – жилд, Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.

1.13 Каримов И.А. "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз". Асарлар тўплами. 8 – жилд, Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.

1.14 Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш” Т.: Ўзбекистон, 2005 йил

## **II. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари:**

2.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2003 йил.

2.2. ”Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги қонуни, 1991 йил

2.3 Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси - Н.: “Қорақалпоғистон” 1998 йил.

2.4. Қорақалпоғистон Республикасининг “Давлат суверенитети тўғрисида” ги, Декларацияси - Н.: 1990 йил.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида ” ги қонуни, 1993 йил

2.6 Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонуни, 1993 йил

2.7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Т.: Адолат, 2000 йил

2.8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т.: Ўз.Р. Адлия Вазирлиги 2004 йил

2.9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси Т.: Ўз.Р. Адлия Вазирлиги 2004 йил

2.10. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида” ги қонун. 1993 йил,

2.11. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида” ги янги таҳрирда қонуни. 2000 йил

2.12. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистонинг янги қонунлари. Т.: Адолат, 1993 йил.

2.13. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 1999 № 5-6 .

2.14. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида ” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси: - Т.: 1999 № 5

2.15. Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси тўғрисида” ги Конституциявий қонуни , 1994 йил

2.16. Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси тўғрисида” ги янги таҳриридаги қонуни, 1998 йил

2.17. Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгесига сайлов тўғрисида” ги қонуни, 1994 йил

- 2.18. Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгесига сайлов тўғрисида”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.19 Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси Регламенти тўғрисида”ги қонуни, 1994 йил
- 2.20 Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси Регламенти тўғрисида”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.21. Қорақалпоғистон Республикасининг “Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги қонуни, 1993 йил
- 2.22 Қорақалпоғистон Республикасининг “Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.23 Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида”ги қонуни, 1993 йил
- 2.24 Қорақалпоғистон Республикасининг “Жўқорғи Кенгеси қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.25 Қорақалпоғистон Республикасининг “Қонунларни матбуотда эълон қилиш тартиби ва уларнинг кучга кириши тўғрисида”ги қонуни, 1994 йил
- 2.26 Қорақалпоғистон Республикасининг “Вазирлар кенгаши тўғрисида”ги қонуни, 1993 йил
- 2.27. қорақалпоғистон Республикасининг “Вазирлар кенгаши тўғрисида ”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.28. Қорақалпоғистон Республикасининг “Вазирлар Кенгаши регламенти тўғрисида ”ги қонуни, 1996 йил
- 2.29. Қорақалпоғистон Республикасининг “Вазирлар Кенгаши регламенти тўғрисида ”ги янги тахриридаги қонуни, 1998 йил
- 2.30. Қорақалпоғистон Республикасининг “Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни. 1994 йил
- 2.31 Қорақалпоғистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни 1994 йил
- 2.32 Қорақалпоғистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун 1993 йил
- 2.33 Қорақалпоғистон Республикасининг ўз кучидаги қонунлар тўплами, 8 сон., “Қорақалпоғистон” 1993 йил.
- 2.34 Қорақалпоғистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни, 1992 йил
- 2.35 Қорақалпоғистон Республикасининг “Давлат герби тўғрисида”ги қонуни 1993 йил

2.36 Қорақалпоғистон Республикасининг “ Давлат мадҳияси тўғриси”ги қонуни 1993 йил

2.37 Қорақалпоғистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни 1998 йил

2.38 Қорақалпоғистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни 1998 йил

2.39 Қорақалпоғистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни 1998 йил

2.40 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсати мажлисининг № 10 сонли баённомаси 2001 йил. Н.: Қорақалпоғистон 2001 йил.

### **III. Махсус адабиётлар:**

3.1. Азизходжаев.А.А. “Давлатчилик ва маънавият ” Т.: Шарқ 1997 йил.

3.2. Ахунжанов Л.М. “ Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпакстан ” Т.: Ўзбекистон 1992 йил.

3.3. Бобоев Х, Гофуров З., Исломов З. “Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт ” Т.: Янги аср авлоди 2001 йил.

3.4. Бобоев Х, Гофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тараққиёти. Т.: Янги аср авлоди 2001 йил.

3.5. Давлат ва ҳуқуқ асослари (изоҳли луғат) Т.: Ўқитувчи 1996 йил.

3.6. Жалилов. Ш. “Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар”. Т.: Ўзбекистон 1994 йил.

3.7. Жўраев Н., Файзуллаев Т. “ Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври” (11- синф ўқувчилари учун дарслик) Т.: Шарқ 2000 йил.

3.8. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар. Т.: Ўзбекистон 1997 й.

3.9. Ишанов. А и другие “История и государство и права УзССР” Т.: Фан 1964 год.

3.10. Камалов С. Каракалпаки XVIII – XIX веках.

3.11. Камалов С., Кошанов А. “Каракалпакистан тарийхи” Н.: Билим 1993 жыл.

3.12. Камалов. К. “Маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия органларини демократиялаш” Демократик давлат сари. Т.: 1993 йил.

- 3.13. Каримова. О, Гаффорова. З, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” Т.: Ўқитувчи 1995 йил.
- 3.14. Кутибаева. Е.Д. Органы государственного управление Республики Каракалпакстан. Нукус. Каракалпакстан. 1992 г. С. 62.
- 3.15. Кутибаева. Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. Нукус. Каракалпакстан. 2002 г. С. 108.
- 3.16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Т.: Ўзбекистон 2001 йил.
- 3.17. Мустақиллик – бу ҳуқуқ. Т.: Ўзбекистон 1997 йил.
- 3.18. Нажимов М. Утемурадов М. “Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий мақоми” Т.: ТДЮИ. 2002 йил.
- 3.19. Ниетуллаев. С.Д. Қарақалпакстан Республикасынын конституциялық ҳуқуқы. Н.: Билим 1996 йил.
- 3.20. Ниетуллаев. С.Д. Қорақалпоғистон янги конституцияси ва унинг давлат қурилишидаги ислохотлари. Н.: Қорақалпоғистон 1993 йил.
- 3.21. Одилқориев. Х. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т.: Ўзбекистон 1995 йил.
- 3.22. Одилқориев. Х. Ўзбекистон Республикасининг янги конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиш принципи. Т.: Ўзбекистон 1993 йил.
- 3.23. Очерки история Каракалпакской АССР. Том 1.
- 3.24. Сарыбоев. К. “Қорақалпоғистон тарихи” Н: Билим 1995 й.
- 3.25. Таджиханов У., Ўразаев Ш., Одилқориев Х. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи” Т.: Молия нашриёти 2002 йил.
- 3.26. Тажиханов У. Саидов А. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Т.: 2001 йил.
- 3.27. Толстов. С.П. “Древнейшие юго- западные связи в экогенезе каракалпаков” Советская этнография № 2, М., 1971 год.
- 3.28. Туленов Ж., Гафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: Ўзбекистон 1996 йил.
- 3.29. Умарова.К. “Политическая культура народов Узбекистана и Каракалпакстана: исторический опыт формирования” Н.: Каракалпакстан 1995 год.
- 3.30. Ўразаев. Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.: Адолат 1994 йил.

3.31. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон 2001 йил.

3.32. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси Т.: Қомуслар бош тахририяти 1997 йил.

3.33. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши. Т.: Шарқ 1996 йил.

3.34. Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида. Т.: Шарқ 1996 йил.

3.35. Хусанов.О.Т “Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари” Т.: Университет 1994 йил.

3.36. Хусанов.О.Т. “Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият” Т.: Шарқ 1996 йил.

3.37. Хусанов.О.Т. “Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Т.: Шарқ 1996 йил.

3.38. Эрниязова.Г. “Конституционные основы развития Каракалпакстана” Н.: Билим 1992 йил.

3.39. Юсупбоев.К.Ю. “Қорақалпоғистонинг аграр секторига иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш хусусиятлари” Т.: Ўзбекистон 2001 йил.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I БОБ. Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топишининг назарий, тарихий, сиёсий-ғоявий асослари.</b>	
1.1. Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланишида назарий ва тарихий омиллар ўрни .....	7
1.2. Қорақалпоғистон давлатчилигининг тараққиётида ғоявий омиллар аҳамияти.....	19
1.3. Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланишида ва ривожда сиёсий ва ҳуқуқий омилларни роли .....	28
1.4.Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиётида иқтисодий омиллар.....	44
<b>II БОБ. Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигида ҳокимиятни бўлиниш тамойилларини амалга оширишнинг назарий ва амалий масалалари.</b>	
2.1. Қорақалпоғистонда давлат тизимининг шаклланиши муаммолари .....	53
2.2. Қорақалпоғистон Республикасида вакиллик ҳокимиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни .....	59
2.3. Қорақалпоғистон Республикасида ижро ҳокимиятининг шаклланиши .....	79
2.4. Қорақалпоғистон давлатчилиги шаклланишида суд ҳокимиятини тузилиши .....	95
<b>III БОБ. Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари.</b>	
3.1. Қорақалпоғистон давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари .....	106
3.2. Марказий ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатлар.....	110
3.3. Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар .....	116
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	120

**Махмут Утемуратов**

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРКИБИДА  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Мухаррир: С.Салимова.  
Техник муҳаррир: А.Боймаматов.  
Мусахҳиҳ: Н.Мирзажонова.  
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди: Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №  
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.